

R 496


1985/7-12

2



Экз
2


ГУЛИСТОН
7-12
1985



ОНА ТУПРОҚНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
академиги



Ер — бу табиатнинг бебаҳо маҳсули, сайёрамиз қуриқлигидаги жамики жонзотга ҳаёт ато қилувчи табиий онадир. Инсоният бойлиги унинг ҳолатига ва унумдорлигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун эса, айниқса, сугорилма ерлар қимматлидир. Бундай ерлардан тўғри фойдаланилганида, сугорилмайдиган ерларга қараганда, 4—5 марта кўп маҳсулот олиш мумкин. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет давлатимиз сугориладиган ерларни кўпайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Ана шу ғамхўрлик ва эътибор тўғрисида Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда сугорилма ерлар 1,6 миллион гектардан 3,7 миллион гектарга етди. Бу, бошқа тadbирлар йиғиндиси билан бирга, пахта етиштиришни 12 мартадан ортиқроқ кўпайтириш имконини берди.

Мамлакатимиз тарихида ерларни мелиоративлаштиришнинг узок муддатга мўлжалланган кенг программаси қабул қилинган

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь пленуми муҳим ўрин тутди. Мазкур пленум қарорида 2000 йилга бориб республикамызда сугорилма ерлар майдонини 5—5,5 миллион гектарга етказиш кўзда тутилган. Бу бизнинг зиммамызга ерни асрашга ва унинг унумдорлигини муттасил ошириб боришга жиддий эътибор бериш масъулиятини юклайди.

Бироқ кейинги 20—25 йил давомида сугорилма ерлардан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди: ундан ҳамма нарсани олишга интилдик. Лекин унинг ўрнини тўлдиришга эътибор бермадик: деҳқончиликда «ўрнини тўлдириш» қонуни бузилди. Оқибатда, сугорилма ерларимизнинг каттагина қисмида тупроқнинг «ориқланиши», яъни унумсизланиши юз берди. Тупроқда умумий биологик мутаносиблик ҳолати бузилди. Хуллас, сугорилма ерлар тупроғининг ҳозирги ҳолати ташвишли бўлиб, унда экологик хавф туғилмоқда.

Асосан худди шу сабабларга кўра кейинги йилларда пахта ҳосили жуда кеч пишмоқда, кўсакларнинг кўп қисмининг очилиши нимжон, тола ва чигит сифати пасайиб кетмоқда, мева-сабзавот ва полиз экинлари ўз сифатини йўқотмоқда, меҳнат ва маблаг сарфи тобора ортиб, ҳосил эса камайиб бораётир.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йилги Октябрь пленумида ҳаққоний таъкидланганидек, Ўрта Осиё регионидида хўжаликларнинг бешдан бир қисми пахтадан гектарига 20 центнердан, колхозлар ва совхозларнинг тўртдан бир қисми дондан 30 центнердан паст ҳосил олмақда; ҳар икки хўжаликнинг бири гектаридан 150 центнердан кам сабзавот олаётир. Яна тагин бу нарса хўжаликлар моддий-техника воситаларини тобора кўп олаётган ва уларнинг энергия қуввати билан таъминланиши узлуксиз ортиб бораётган бир шароитда юз бермоқда.

Кўруниб турибди, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида очиб ташланган республиканинг ижтимоий ва хўжалик фаолиятидаги негатив ҳодисалар деҳқончилигимизга ҳам бевосита тегишли эди. Юз берган ҳолат биздан йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ тузатишни талаб қилмоқда.

Сугорилма ерлар тупроғининг кескин ёмонлашишининг асосий сабаблари бизнинг фикримизча қуйидагилар:

Колхозлар ва совхозларда илгари ўзлаштирилган алмашлаб экиш системаси кўпол равишда бузилди. Маълумки, урушгача ва урушдан кейинги йилларда барча эски пахтачилик совхозларида, республика колхозларининг катта қисмида бирдан-бир тўғри бўлган 3:6 ва 3:5 схемада пахта-беда алмашлаб экиш системаси яхши ўзлаштирилган эди. Бунда беда экин майдонининг 30—37 процентини банд қиларди. Бу хил алмашлаб экишларнинг ҳаммасига асосис равишда

барҳам берилди. Асосли алмашлаб экишнинг бузилиши 1960 йиллардан, яъни академик Вильямснинг ўт-далали алмашлаб экиш системасининг нотўғри қораланишидан бошланди ва минг афсуски, бедапояларнинг ёпасига ҳайдаб ташланишига йўл қўйилди.

Қатор хўжаликларда бедапоя илгаридек экинларнинг жуда кам майдонини, яъни атиги 2—5 процентини ташкил этади. Республика бўйича эса ўтган йили бедапоялар 8—10 процентдан ошмади. Бунинг устига, илмий жиҳатдан асосланмасдан туриб, анча майдонларда пахтачиликда бедасиз алмашлаб экиш жорий этилган. Бу, тупроқ унумдорлигини оширмайди, балки уни «ориқлантиради».

Шундай қилиб, хўжаликларимизнинг кўпгина қисмида деҳқончилик муттасил равишда бир хил экинни ўстираверишга асосланган нотўғри усулга кўчирилди. Кўплаб майдонларга 25—30 йил ва ундан кўпроқ муддат давомида сурункасига пахта экилаверган, беда билан алмашлаб экишдан воз кечилган, кўпгина хўжаликларда пахта экин майдонларининг 80—85, баъзи хўжаликларда эса 90—92 процентини ташкил этган. Ҳатто ерларни шўрхок бўлган қўриқ совхозларда энг мақбул алмашлаб экиш схемасини қўллаш ўрнига бир хил экин экавериш усули мутлақо кеңирилмас холдир.

Сугорилма ерлар тупроғининг кескин ёмонлашиб кетишининг яна муҳим сабабларидан бири — бу ерларга органик моддалар билан бойитиш учун дуккакли оралиқ экинларни кўкат ўғит сифатида (сидерация) тупроққа аралаштириб ҳайдаш ҳам амалда қўлланилмаётир.

Бунинг ўрнига, кейинги қатор йилларда далага минерал ўғитлар солишга зўр берилди. Органик (маҳаллий) ўғитлар эса жуда кам солинди. Тупроқни органик моддалар билан бойитиш учун дуккакли оралиқ экинларни кўкат ўғит сифатида (сидерация) тупроққа аралаштириб ҳайдаш ҳам амалда қўлланилмаётир.

Бундай ҳодисалар ҳамда алмашлаб экишнинг бузилиши тупроқда унинг унумдорлиги ва кучининг асоси бўлган чиринди (гумус)нинг кескин камайиб кетишига олиб келди. Кейинги 30—40 йилда тупроқдаги умумий гумус миқдори 40—50 процента камайиб кетди. Шундай шароитда биз баҳоси қиммат бўлган минерал ўғитларни ерларга оширилган нормада солишга мажбур бўлямиз. Ҳозир бир йилда ҳар гектар пахта майдонига ўртача 240—250 килограмм азот, 120—130 килограмм фосфор ўғити солинаётир. Тупроқда гумус миқдори кам, унга органик ўғитлар жуда кам берилмаётган ва беда алмашлаб экилмаётган бир шароитда минерал ўғитларнинг ерга оширилган нормада солиниши керакли самара бериш ўрнига ҳосилга, унинг сифатига ва умуман, тупроқдаги барча жонзотларга зиён етказаяпти.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 7 (425)

Июль
1985



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

Кези келганда шуни айтиш керакки, олимлар ўртасида «тупроқнинг эмас, ўсимликни озиклантириш керак», деган ақидага амал қилувчилар бор. Визингча эса бунда «ўсимликни тупроқ орқали озиклантириш лозим», деган принциpga амал қилиш тўғрироқдир.

Агар деҳқончилик агротехника қоидалари асосида тўғри олиб борилса, суғориладиган ерлар тупроғининг имкониятлари беқийсдир. Деҳқончиликни қатъий илмий асосда йўлга қўйиш билан кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, жуда юқори ҳосил олиш мумкинлигини илгорлар тажрибаси кўрсатиб турибди. Аммо ерларимиз тупроғининг ҳозирги ҳолатида келажақда бунга эришиш қийин. Лекин биз уни тузатиш имкониятларига эгамиз. Ерни чуқур юмшатишнинг катта самара бериши фанда ва амалиётда аллақачонлар исбот қилинган. Афсусли томони шундаки, масала очик-ойдин бўлишига қарамадан, республикамиздаги мутасадди ташкилотлардан ёки Иттифок министрликларидан бирортаси ханузгача чуқур юмшатувчи механизмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шугулланмаётган.

Деҳқончиликнинг ҳозирги шароитида ишни яхшилашнинг бирдан-бир йўли бор. Бу — деҳқончилик маданиятини жадаллаштириш, иш моҳиятига чуқур кириб борган ҳолда ўзлаштирилган ерлардан ҳар томонлама тўлқ фойдаланиш, очилмаган иккинчи бир қўриқни — тупроқнинг ҳайдов ости қатламини қишлоқ хўжалик тасарруфига кириштириш.

Деҳқончиликнинг ҳозирги босқичида кенг равишда чуқур ҳайдашга ўтиш, тупроқ ости қатламини унумли қатламга айлантириш пахта экиладиган суғориладиган районларда амалга ошириладиган муҳим вазифалардан дур.

Биз мамлакатимизда техник тараққиётнинг ўсиши ва хўжаликларнинг кучли тракторлар ҳамда ерларни ишлайдиган механизмлар билан таъминланишидан сўнг тупроқни чуқур юмшатишни 3—5 йилда бир марта 80—100 сантиметр чуқурликда юмшатиш ҳамда тупроққа қатлам қилиб органик-минерал ўғитларни солишга ўтиш жуда тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Республикамизда пахта даладарига химиявий зарарли препаратларнинг гектарига 54,4 килограмм микдорида солиниши ҳам кечирилмас ҳолдир. Ваҳоланки, мамлакат бўйича ҳар гектар ҳайдов ерга атиги 1 килограммдан пестицидлар солинмоқда. Бу бир томондан полиз, सबзавот ва бошқа маҳсулотларнинг сифатини мутлақо бузаётган бўлса, иккинчи томондан, тупроқ ва атроф-муҳит ҳавосини заҳарламоқда.

Ҳозирги деҳқончилик системасида, турли хил пестицидлар қўлланаётганига қарамадан, даладарда ёввойи ўтлар, айникса, кўп йиллик ашаддий бегона ўтлар кўпайиб кетаётган. Улар пахта, सबзавот ва бошқа экинларнинг ҳосилига жиддий зарар етказмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирдаёқ бегона ўтлар кўплаб ўсадиган ҳамма участкаларда чуқур ҳайдашни тезроқ кенг йўлга қўйиш лозим. Бу, бегона ўтларга қарши курашининг энг самарали йўлидир.

Кейинги йилларда агротехниканинг кўпол равишда бузилиши, унинг пала-партиш ўзгартириливериши ҳам тупроқнинг унумдорлигига катта зиён етказмоқда. Масалан, даладар бўйлаб тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг беҳуда кўплаб ўтиши, экиш олдида тупроқнинг ортиқча ишланиши, — буларнинг ҳаммаси тупроқни сиқиб, зичлантириб, ундаги тирик мавжудотларга зиён келтирмоқда, тупроқ ва сув эрозиясини кучайтириб, унинг энг унумли устки қисмининг йўқолишига олиб келаётган.

Ерни кузги шудгорлашда ва баҳорги иш-

лов бериш пайтида ҳам тупроқ структураси бузилмоқда.

Кузги йиғим-терим мавсумида арзимайдиган бир чигит пахта ва битта-ярим пуч кўсакини ҳам қолдирмай охиригача териб оламин, деб ҳаракат қилиш колхозлар ва совхозлар иқтисодига катта пўтур етказмоқда, худди шу ортиқча беҳуда ишларга топширилган биринчи сорт пахта ҳисобига келаётган фойда ҳам харажат бўлмоқда. Вақт ўтиб, пахта терими чўзилиб кетиши оқибатида кўнчилик хўжаликларда кузги шудгор кузда эмас, қишда, ер қор ва муз билан қопланган оғир бир шароитда, баъзан эса ҳатто баҳорда амалга оширилади. Бу, агрономия фани талабларига мутлақо зиддир.

Юқорида санаб ўтилган фактларга асосан айтиш мумкинки, кўпгина жойларда суғорила ерларнинг тупроғи унумсизланиб, у заҳарли химиявий препаратлар, бегона ўтлар билан зарарланиб, қайта шўрланиб, унумдорлиги муттасил пасайиб бормоқда, айнаи бир вақтда атроф-муҳит ифлосланаётган.

Бундай оғир шароитда биз она ерга нисбатан муносабатимизни тўбдан ўзгартирмасак ва ҳозирги орқада қолган деҳқончилик усулига амал қилаверсак, тупроқ 20—30 йилдан кейин, ҳатто ундан олдинроқ унумсиз бир нарсга айланиб қолади ва келажақ авлодларимиз бизнинг гуноҳимизни мутлақо кечирмайдилар.

Шу ўринда улуг ватандошимиз, академик Климент Аркадьевич Тимирязевнинг қуйидаги башорати қанчалик ҳаққоний эканига яна бир қарра иқдор бўламиз: «...ерга эғалик қилиш — бу шунчаки ҳуқуқ ёки имтиёз эмас, балки келгуси авлодлар олдида оғир масъулиятни хис қилиш бурчидир».

Суғорила ерлар тупроғининг унумдорлигини тиклаш ва уни янада ошириш, биологик фаоллигини таъминлаш ва мўтадиллигини сақлаш учун биздан ерга нисбатан янгича муносабат бўлиш талаб этилади, ундан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик экинларини ўстиришнинг илгор методларига ўтишимиз лозим.

Бу йўналишда асосий тадбирий чоралар, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

Биринчи навбатда, яқин йиллар ичидаёқ ҳар бир колхоз ва совхозда илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш системасини жорий этиш керак. Шўртанг ерларда алмашлаб экиш схемасини 3:4 ва 3:5 (уч дала беда ва тўрт-беш дала пахта) нисбатда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу йўл билан пахта майдони салмоғини мелиоратив жиҳатдан нобопроқ районларда 57—60 процентга, беда ва бошқа озуқа экинлари салмоғини эса 37—42 процентга, қолган ҳамма жойларда алмашлаб экишни 3:6 ва 3:7 схемали нисбатда ташкил қилиб, пахта майдони қўламини 65—70 процентга етказишга эришиш мумкин.

Ҳаммамиз шу нарсга тушуниб етишимиз керакки, бедачилик хўжалигини тикламасдан ва уни янада ривожлантирмасдан, айникса, бу соҳада тегишли тартиб ўрнатмасдан туриб, пахтачиликни ҳам, чорвачиликни ҳам, шолчилик ва सबзавотчиликни ҳам тараққий эттириб бўлмайди. Негаки беданинг деҳқончиликда энг ҳосиятли, мўъжизавий экинлиги бизга аллақачонлар, ҳатто отаболаримиз тажрибасидан маълум. Бу нарсга фанда илмий жиҳатдан тўла асосланиб, амалиётда қачонлардан бери исбот этилган бўлсада, афсуски, ҳали айтганимиздек, кейинги йилгирма йилда ундан чекниб катта зиён кўрди.

Тупроқни органик моддалар билан бойитишда гўзалояни даладан йиғиштирмасдан, уни майдалаб, махсус мосламаларда ерга солиш ва аралаштириб чуқур ҳайдаш

ҳам муҳим омилдир. Бунинг учун эса гўзалояни майдалагичларни кўплаб ишлаб чиқариш тезроқ йўлга қўйилиши лозим.

Бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида 70-йилларданок фақат органик ўғитларни ва дуккакли экинларни қўлат ўғит (сидерация) сифатида экишга асосланган, химиявий қўла-масдан, «Деҳқончиликнинг биологик системаси» деб аталадиган усул тобора кенг қўлланилмоқда. Бу системада олинадиган махсулот ҳам химияллаштириш асосида етиштирилган махсулотларга қараганда қимматроқ харид қилинмоқда.

Умуман, бизнинг шароитимизда деҳқончиликнинг барча органик ўғитлардан, бедадан, қўлат ўғитлардан кенг фойдаланишига ҳамда минерал ўғитларни ва химиявий воситаларни меъёри билан ишлатишга асосланган интеграл системасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда мелиоратив тадбирлар ҳам мувофиқлаштирилган тартибда муттасил бирга олиб борилиши лозим.

Суғориладиган ерларда тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун бундай ерларнинг унумдорлигини тўбдан ошириш бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар эксперименталь биологический институт томонидан ишлаб чиқилган янги деҳқончилик системасини колхозлар ва совхозларда кенг жорий этиш лозим. Янги деҳқончилик системасининг назарий асоси органик моддалар (гумус) ва биологик азотнинг тупроқда кўп миқдорда тўпланиши, бу моддаларнинг гўзани ўстириш даврида парчаланиши ва сарфланиши учун ҳамда тупроқнинг ўсимлик илдири ёйилган қўламини мўтадил юмшоқ ҳолатда сақлаш, шунингдек, тупроқнинг биологик фаоллигини кучайтириш учун қулай шароит яратишдан иборат. Бу системада суғориладиган ерлардан жадал равишда фойдаланиш, тупроқни беда экиш олдида чуқур (50—60 сантиметр ва ундан кўпроқ) юмшатиш ва ёзда бедаяни 60 сантиметр чуқурликда ҳайдаш, унга маккажўхори экиш ҳамда кейинчалик эса шу майдонга тупроқни одатдаги чуқурликда ҳайдаган ҳолда пахта экиш кўзда тутилган.

Барча тажрибалар ва ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, деҳқончиликнинг бу янги системаси ҳар гектар ҳисобига олинладиган озуқа микдорини 50—60 процент ва пахта ҳосилдорлигини 25—30 процент кўпайтиради. Бу эса тақомиллаштирилган деҳқончилик системасининг иқтисодий самардорлиги юқори эканини кўрсатади.

Бизнинг кўп йиллик тажрибаларимиз ва турли хўжаликлар шароитида ўтказилган текширишлар кўрсатмоқдаки, деҳқончиликнинг бундай янги системаси тупроқнинг асосий хусусиятларини тўбдан яхшилайдиган, тупроқ қатламини, образли қилиб айтганда, ҳали очилмаган қўриқнинг қишлоқ хўжалик тасарруфига киритилишини таъминлайди. Айтилганлардан ҳулоса шуки, биз партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик фани олдида қўётган бугунги талаб ва кўрсатмалари асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш технологиясини қайта қуришимиз керак.

Шу нарсга қувончлики, кейинги вақтда, аниқроғи, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI Пленумидан кейин республикамизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тартибга солиш, хусусан, алмашлаб экишни кенг йўлга қўйиш ва деҳқончиликнинг умумий маданиятини ошириш бўйича жиддий тадбирлар қўрилмоқда.

Деҳқончилик маданиятини бугунги талаблар даражасига қўтаришда ҳар қачонгидан кўра фаоллик кўрсатиш эса биз олимларнинг халқ ва партия олдидаги масъулиятли бурчимиздир.



СССР космонавт-учувчилари — икки марта Совет Иттифоқи Қахрамони Владимир Александрович Жонибеков ва Совет Иттифоқи Қахрамони Виктор Петрович Савиних.

КОСМОНАВТИКАМИЗ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

1985 йил, 6 июнь. Бу кун ҳам космонавтикамиз тарихида унутилмас сана бўлиб қолади. Шу кунги космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ Москва вақти билан соат 10 дан 40 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т—13» космик кемаси учирилди. Уни кема командири, икки марта Совет Иттифоқи Қахрамони, СССР космонавт-учувчиси, полковник Владимир Александрович Жонибеков билан борт инженер, Совет Иттифоқи Қахрамони, СССР космонавт-учувчиси Виктор Петрович Савинихдан иборат экипаж бошқармоқда.

Янги космик кема программасида «Салют—7» орбитал илмий станцияси билан биргаликда ишларни бажариш кўзда тутилган. Маълумки, «Салют—7» илмий станция-

сининг Ер атрофи орбитасига чиққанига уч йилдан ошди. Шу ўтган вақт ичида унда космонавтларимиз кенг қўламдаги жаҳоншумул тадқиқотлар ва экспериментларни амалга оширдилар.

Учиш программасига мувофиқ 1985 йил 8 июнь Москва вақти билан соат 12 дан 50 минут ўтганда «Союз Т—13» космик корабли «Салют—7» орбитал станцияси билан туташтирилди. Космонавтлар Владимир Жонибеков ва Виктор Савиних туташув узелининг маҳкамлигини текшириб кўришгач, станция ичкарасига ўтдилар.

Улар учиш программасига мувофиқ борт системалари ва станция ускуналарининг ҳолатини текшириб кўрдилар ва сўнгра навбатдаги ишларни бажаришга киришдилар.

Қахрамон ҳамюртимиз Владимир Александрович Жонибековнинг бу галги учиши унинг космик фазога бешинчи марта сафаридир. У 1978—1984 йиллар давомида тўрт марта космосга учди. «Салют—6» ва «Салют—7» орбитал илмий станцияларида, шунингдек, Монголия, Франция космонавтлари иштирокидаги икки халқаро экспедициянинг экипаж командири бўлди. Космонавт В. П. Савиних эса 1981 йилда «Салют—6» станциясида асосий экспедициянинг борт инженери сифатида космосда 75 кун давомида учган.

Қахрамон космонавтларимизнинг бу галги парвози ҳам мамлакатимиз фан ва техникаси тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

ЛЕНИН ҚАЛБИ ВА ЁДИ БИЛАН

В. И. ЛЕНИН ИЛМИЙ БИОГРАФИЯСИ
ИККИ ТОМЛИГИНИНГ ЕТТИНЧИ
НАШРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУ-
НОСАБАТИ БИЛАН

ЛЕНИН... Қанча йиллар ўтмасин, қанча қанча авлодлар бир-бири билан ўрин алмашмасин, бу ном ўз ҳисобини 1917 йилнинг Октябридан бошлаган даврнинг рамзи бўлиб қолаверади. Бу давр эса, бизлар яшаётган, бизлар меҳнат қилаётган, инсониятнинг коммунистик жамиятини бизлар бунёд этаётган даврди.

«Бутун ҳаёт, тарихнинг бутун бориши Ленин таълимотининг буюк ҳаққонийлигини яққол тасдиқламоқда, — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1985 й.) пленумида. — Бу таълимот биз учун олга томон ҳаракат стратегияси ва тактикасини белгилашда дастуриламал илҳом манбаи, ишончли компас бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда».

Шунинг учун ҳам Ильичнинг шахсиятига ва унинг ишига, дунёни революцион қайта ўзгартириш билан чамбарчас bog'liқ бўлган доҳий тақдирига қизиқиш ҳеч қачон сўнмайди. Шунинг учун ҳам «ўрток Лениннинг узок умри» ни изчил ўқиб-ўрганиш давом этмоқда, ва давом этаверади, шоир сўзи билан айтганда, бу умрни ҳали яна «ёшиш ва қайта ёиш» даркор.

Бу катта ишнинг асло чеки йўқлиги далили сифатида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти томонидан тайёрланган В. И. Ленин илмий биографияси икки томлигининг еттинчи наشري* эълон қилинганлигини айтиб ўтиш киёф. Яқинда доҳийнинг асосий Биографик хроникасининг наشري нийосига етказилган эди. Бу — биографиянинг янги наشريда илгари номаълум бўлган фактларни, яқинда қўлга киритилган ҳужжатларни инобатга олиш имконини берди. Икки томликда партияимизнинг ленинча гоёларни амалга ошириш борасидаги фаолияти, бу гоёларнинг халқро аҳамияти, коммунистларнинг ўй-фикрлари ва ишларига сингиб кетган буюк революцион таълимотнинг тантанаси атрофлича очиб берилган.

Ленин биографиясининг саҳифалари — бир киши ҳаётининг оддий қайди эмас. Бу — доҳий томонидан ташкил этилган янги типдаги партиянинг қахрамонлик солнома-сидир. Бу — янги жамият қурилиши йўлида халқнинг дастлабки одимлари ҳақидаги ҳикоядир. Бу, ниҳоят, доҳий ва инсон — Лениннинг маънавий ва сиёсий сабоқлари-дирки, улар бугунги кунда ҳам бизни дадил идрок этишга, социал ижод сари ғайрат-шижоатга илҳомлантиради.

Ленин коммунистларни барча соҳаларда меҳнаткашлар манфаатларидан келиб чи-қиш, ҳаётга чуқур кириб бориш, ижтимоий ҳодисаларни реалистик, синфий позиция-ларда туриб баҳолашга, коммунизм идеалла-рини рўбга чиқаришнинг қулай йўллари-ни қидириб топишда доимий ижодий изла-нишда бўлишга ўргатар эди. Унинг сабоқла-ри моҳияти, киска қилиб айтганда, ана шулардан иборат. Илмий биография ҳуж-жатлари ҳам юзлаб фактлар асосида бун-и тасдиқ этади.

Меҳнат кишилари манфаатларининг дахл-сизлиги... Айнан ана шу ҳол Владимир Ильични курашга чорлади, унинг томонидан танланган йўлни бир мартага ва узил-кесил белгилади. Китоб саҳифаларида синфда эзилган иншосидаёқ «эзилган синфга» хай-рихоҳлик туйғусини билдирган гимназия ўқувчисининг, шўрлик деҳқонларни ҳимоя этаётган, адолат учун жаҳд билан кураша-

ётган самаралик ёш адвокатнинг образи ғадаланади. «Барча эзилганларга нисбатан оташин меҳр туйғуси, — дея таъкидлайди Н. К. Крупская, — Владимир Ильични «меҳ-наткашларни озод қилиш йўллари қандай бўлиши керак? — деган саволга астойдил, чинакамига жавоб излашга мажбур қилар эди. Ўз саволларига жавобларни у Марксдан олди» (1-том, 15-бет).

Меҳнаткашлар оммаси манфаатларининг умумий силсиласида Ленин ишчилар синфи манфаатларини доимо биринчи ўринга қў-ярди. Ижтимоий воқеаларга нисбатан проле-тарча нуктаи-назар, синфий муносабат айниқса янги типдаги партияни ташкил этиш ва уни мустақамлаш учун кураш йилларида ёрқин намоён бўлди.

Назария ва амалиётнинг бирлиги, Россия ва жаҳон воқеаларининг бориши ҳақида тафсилотларга қадар аниқ билимларга та-янган революцион илм-фаннинг ижодий тараққийси ва янгилиниши — ленинча та-факкур ва фаолиятнинг бошқа бир хусусияти ана шундай. «...Марксист, — деб ёзди Вла-димир Ильич, — кечаги куннинг назарияси-га ёпишиб олишда давом этмасдан, Жонли турмушни, воқеликнинг аниқ фактларини ҳисобга олиши лозим...» (31-том, 152-бет). Биз бу йил саксон йиллигини нишонлаётга-нимиз биринчи рус революцияси кунларида В. И. Ленин, икки томликда кўрсатиб ўтилганидек, барча ниқобдаги оппортуни-стларга қарши курашда социалистик рево-люция назариясини ҳимоя қилди ва ри-вожлантирди. Ленин ҳулосалари юзага кел-ган вазиятни ижодий ўзлаштириш самараси бўлиб, дадил қарорга келиш ва фаол ҳара-катлар учун асос бўлиб хизмат қиларди.

Тарихнинг ҳал қилувчи моментларида воқеаларни баҳолашдаги фавқуллодда жид-дият, илм-фан томонидан текшириб кў-рилган реализм Ленин фаолиятида револю-цион ҳарорат билан узвий боғланган эди. 1905 йилнинг қувида «олис» муҳожирлик чангалидан қутулиб, у дарҳол оташин рево-люцион фаолиятни кучайтириб юборади: тайёргарликни қуrollи кўзголон сари йўналтиради, омма тажрибаси асосида энди-гина тургилан Советларда партиявий таъсир учун курашади.

Букилмас қатъият, энг оғир реакция йилларида танланган йўлга садоқат — ле-нинчасига намоён бўлган яна бир маънавий сабоқ ана шундай. «Визларни тошдай қаттиқ дея беҳуда таърифлашмаган», — дер эди гурур билан Ленин.

Биографиянинг еттинчи наشريда Влади-мир Ильич Ленин 1915 йилнинг окхрларида Россияда демократик революция ғалабаси учун тўла имкониятнинг объектив асоси вузудга келганлиги ҳақида ҳулоса чи-қарганлигини кўрсатувчи қўшимча маълум-отлар келтирилган. 1917 йил февраль воқеалари содир бўлишдан икки ҳафта бурун эса Н. К. Крупская ўртоқлардан бериға Россияга боришни ва «бошланишга» кеч қолмаслиқни маслаҳат берган эди. «Бизнинг давримиз яқинлашапти», — деб ёзган эди у. Илгари маълум бўлмаган бу ҳужжат — Февраль революцияси Ленин ва большевиклар учун қутулмаган воқеа бўлган эди, деган сохтакорлик миш-мишларини барбод этувчи яна бир далилдир.

Октябрь қуrollи кўзголонига тайёргар-ликнинг бориши, Лениннинг, большевиклар партияси Марказий Комитетининг раҳбар-

лик фаолияти Биографияда янги топилган маълумотлар асосида баён этилган.

Биографиянинг иккинчи томи В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятининг олти йилдан зиёдрок даврини қамраб олган. Бироқ ана шу қисқагина давр социалистик жамият қури-лишидек умумий йўналиш билан bog'liқ кўплаб воқеаларни, бутунлай янги ва илгари содир бўлмаган жараёнларни ўзида жам этган. В. И. Ленин Биографик хроникасининг бой манбаларига таянган ҳолда муаллифлар доҳийнинг амалга оширган мислсиз ишлари кўламини очиб берадилар. Ана шу давр оралиғида Владимир Ильич иштирокида партиянинг 5 съезди, 5 Бутунроссия партия конференцияси, партия Марказий Комитети-нинг, Сиёсий бюронинг ўнлаб Пленумлари ва мажлислари бўлиб ўтди. Лениннинг иш куни 16—18 соати ташкил этарди.

Бу йиллар янги жамият қурилишида энг мақбул йўлни зўр бериб излаш йиллари эди. Ижтимоий тараққийни жадаллаштиришдек туб социал-иқтисодий вазифалар билан чам-барчас bog'liқ масалаларни новаторона ҳал қилар экан, В. И. Ленин партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашни қатъий талаб қиладди, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик тенденцияларига қарши, давлат хазинасига кўз олайтириш ва порахўрликка, чайковчи-лик ва безориликка қарши, ўғрилар ва текинхўрлар билан раҳмсизларча кураш олиб боришни талаб қиладди. Унинг ўзи қонунлар ва амалдаги қоидаларга шахсан риоя қилишда ибрат кўрсатар, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ҳеч қандай имтиёзга йўл қўймас эди. Зеро, деб ёзган эди Ленин, агар биз ишчи ва деҳқонларни ҳалоллик билан интизомга ўргатар эканмиз, бун-и ўзимиздан бошлашга бурчликим.

Владимир Ильич халқ билан чамбарчас ва доимий алоқада бўлишнинг ажойиб намуна-сини ўзида мужассам этган эди. Меҳнаткаш-лар билан мулоқот, завод ва фабрикаларда, кишлоқ ва овуларда бўлиш, келатган хатларни ўрганиш унинг учун ҳаётий эҳтиёж эди: одамлар қандай яшаётганлигини, улар қандай шароитларда ишлаётганлигини шах-сан ўзи қўришни истар, у ким учун яшаган ва ишлаган бўлса, ана шуларнинг, яъни ишчи-лар ва деҳқонларнинг эҳтиёжларини билиб туришни ҳамда уларнинг қайфияти ва рухиятини ҳис этишни хоҳларди. Шу билан бирга, деб таъкидланади китобда, у ҳар бир меҳнаткашга нисбатан юқоридан эмас, балки ўртоқларча, тенг муносабатда бўлар эди. Улар унинг учун «ташвиқот нишонлари» бўлиб эмас, балки кўплаб ташвишларни бошдан кечирган, кўп нарсалар устида бош қотирган, ўз эҳтиёжларига эътибор талаб этаётган жонли кишилар эди.

Биография ҳужжатлари кўрсатганидек, Ленин коммунистларнинг бевосита корхона-ларда, кишлоқларда олиб бораётган ишлари-га, меҳнаткашларнинг иштирокида ўткази-ладиган мажлисларда раҳбар ходимларнинг ҳисоботи ва чиқишларига катта аҳамият билан қараган. У ҳамма вазифаларни жўн-га декретлаштириш, умумий иборалар, сиёсий вайсақилик билан ҳал қилиш мумкин деб билган ва омма орасида тарбиявий ва ташкилий жиҳатдан афсаёла билан ишлаш-ни истамаган партия аъзоларининг «комму-

* Владимир Ильич Ленин. Биография. 1,2 томлар. М., Политиздат, 1985.

БЕДОР ФАСЛ

Урик гулларида келинлар кўрки,
Маъсум гунчаларда ибo, нафосат.
Куёш чехрасида барқ урар кулги,
Нурлар қатимида тенгсиз тароват,
Наврўзи олам — бу,
Хумор фасл — бу.

Ворлик йиғиштирди қишининг
кўрпасин,
Кор остида ётган баҳор уйғонмиш,
Дилларда такрордир ишқ фалсафаси,
Ошиқлар оҳидан дилдор уйғонмиш,
Дардларга малҳам — бу,
Дилдор фасл — бу.

Дехқон кўчиб чиқди ўз даласига,
Вoғбон боғларида кўпайди юмуш.
Илиқлик югурди ер танасига,
Ариқлар лабида майса ниш урмиш,
Уйғонган кўклам — бу,
Девкор фасл — бу.

Дехқон орзуларин экар тупрокка
Ширин ҳаёлларнинг оғушида маст.
Замин шайланмоқда она бўлмоққа,
Ҳарсиллаб-ҳарсиллаб олади нафас,
Илнинг наҳори — бу,
Бедор фасл — бу.

Бу фасл ишқ, орзу, кўшиқ бахш этиб,
Ешликни қайтариб бермоққа қодир.
Еллар қанотида гул атрин тутиб,
Эртанги кунни ҳам уйғотаётир,
Юртим баҳори — бу,
Гулкор фасл — бу.

Наманган

Маргилондаги Абрли газламалар ишлаб
чиқариш бирлашмасининг илгор ёш тўкув-
чиси Ҳанифа Қўшоқова.

В. Мосин фотоси.



нистликни пеш қилиш», мақтанчоқлик ва
такаббурлик иллатларини кескин қоралар
эди. Коммунист, дея таълим беради Влади-
мир Ильич, партиясизлар учун ўрнак кўрса-
тиши, социалистик қурилишнинг барча
участкаларида илгор жангчи бўлиши, меҳ-
натда ва ҳаётда намуна кўрсатиши лозим.

Ильичнинг сўнги ҳаётий жасорати —
унинг биографиясининг 1922—1923 йиллар-
га оид даври фактларини шундай деб
таърифлаш мумкин. У «жанговар инсон
эди», «мard ва жасур» деб ёзади Н. К. Круп-
ская — ва унинг бу сўзлари китобда айнан
келтирилади (2-том, 235-бет). Ленин ўзининг
бетоблик пайтида ҳам ана шундай инсон
бўлиб қолди. Оғир жисмоний укубатларни
кечираётган чоғида ҳам Владимир Ильич
мукаммал тафаккур тиниқлигини, фавқу-
лодда ирода кучи, неқбинлик туйғусини
сақлаб қолди. У Советлар мамлакатининг
ҳозирги ва истикболи ҳақида, социализм
қурилиши тақдири ва йўллари ҳақида
гамҳўрлик билан тўлиб-тошганиди. Уни даво-
лаган профессор Ферстер Владимир Ильич
ҳақида ҳаққоний ёган эди: «Меҳнат унинг
учун ҳаёт, фаолиятсизлик ўлим демек эди».

Сўнгги, ленинча сабоқлардан бири ана
шундай.

Биз бугунги кунда ишларимиз ва режа-
лимизни Ленин билан, унинг буюк гоёлари
билан қиёслаймиз, биз Ленин васиятларига
амал қилиб яшаймиз ва меҳнат қиламиз.
Ленинча гоёларнинг ифодаси тарзидаги реал
социализм ҳақида гапирар эканлар, китоб
муаллифлари таъкидлайдиларки, Ленин то-
монидан ижодий бойитилган ва ривожланти-
рилган илмий социализм эндиликда назария
бўлибгина эмас, балки миллионларнинг жон-
ли тажрибаси ҳам бўлиб қолди.

Социализм ва коммунизм ишларининг
муваффақияти бугунги кунда жамиятимиз
социал-иқтисодий тараққиётининг чинака-
мига тезлашуви билан белгиланади. Ҳо-
зирги, тарихан ниҳоятда муҳим вақт орал-
ида партия масалани ана шу тахлит
қўймоқда. Коммунистлар ленинча анъана-
ларга содиқ ҳолда давр олдинга сураётган
ана шу катта вазифалар юксаклигида бў-
лишлари керак.

Ривожланган социалистик жамиятни тако-
миллаштириш, унинг аста-секин коммунист-
тик жамиятга ўсиб чиқишини таъминлаш

масалаларига бизнинг партиямиз социал
тараққиёт, демократия, мустаҳкам тинчлик
манфаатларига хизмат қилувчи буюк интер-
национал вазифа деб қарамоқда.

Лениннинг қудрати — бу фақат унинг
дахосининг қудратигина эмас, балки унинг
ортдан бораётган синф — пролетариатнинг
революцион ҳаракати қудрати, жаҳон ком-
мунистик ҳаракатининг қудрати ҳамдир.
Ленин томонидан ташкил этилган ва вояга
етказилган коммунистлар партияси ишчилар
синфининг, Россия меҳнаткашларининг,
халқаро тажрибанинг энг яхши жиҳатлари-
ни ўзида мужассам этган. Ленин таълим
бергандек, меҳнат қилиш ва ҳаёт яратиш —
коммунист идеали, давримиз илгор киши-
сининг идеалидир. Партиямиз, бутун совет
халқи КПСС XXVII съездини кутиб олишга
чоғланган бугунги кунда ҳам юқоридаги
фикр ҳаққоний бўлиб қолаверади. Ва мана
шундай буюк, қизгин ишларимиз палласида
Лениннинг — доҳий, устоз, инсоннинг сий-
моси бизни илҳомлантириб туради.

(«ПРАВДА», 1985 йил, 118-сон)

МАМЛАКАТИМИЗДА социализм қурилиши тарихига назар ташласак, қаҳрамон совет халқининг яратувчилик фаолияти, унинг шонли анъаналари, ташаббускорлиги ва ижодкорлиги айниқса социалистик мусобақада ёрқин намоён бўлганлигини ҳис этамиз.

Доҳиймиз В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ: «Социалистик ҳукумат ҳокимият тепасида экан, энди бизнинг вазифамиз мусобақани уюштириш», деб ёзган эди.

Асримизнинг буюк воқеаси — Улуғ Октябр революцияси натижасида дунёга келган ишчи-деҳқон социалистик давлати тарихда биринчи марта меҳнаткаш омманинг ўз бахти ва келажаги, ўз халқи ва мамлакатам фаровонлиги йўлида меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш, социалистик мусобақа асосида ўзининг нималарга қодир эканлигини намоён қилиш учун имкониятлар яратди.

«Социализм, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — мусобақани сундирмайдигина эмас, балки, аксинча, уни ҳақиқатан кенг, ҳақиқатан оммавий кўламда ишга солиш учун, меҳнаткашларнинг ҳақиқатан кўпчилигини шундай иш майдонига тортish учун биринчи марта имкон берадики, улар бу иш майдонига ўзларини кўрсата оладилар, ўзларининг лаёқатларини ўстира оладилар, талантларини юзага чиқара оладилар, бу лаёқат ва талантлар эса халқда тўлиб-тошиб ётибди,

меҳнатга чанқоқ совет кишилари бу ҳаракатга жон у диллари билан қўшилдилар. Жумладан, республикамиз меҳнаткашлари ҳам бу ҳаракатдан илҳом олдилар. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Ильич номи метални қайта ишлаш заводи, Қува ссий цемент заводи, пахта тозалаш заводларининг минглаб ишчилари, Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчи ва йигирувчилари, колхозчилар бу новаторлик ҳаракатига сидқидилдан қўшилдилар. Стахановчилик ҳаракатининг биринчи издошлари тўқувчилар М. Носирова, Е. Кубрякова, М. Саитова, Х. Солихўжаева, Т. Ермухамедова, темир йўл транспорт машинистлари — В. Емцов, В. Саматув, пахта тозалаш саноати ишчилари — Н. Матемолов, М. Сергазиева, Е. Людвиг, Р. Исомиддинов, пахтакорлар — Иброҳим Раҳматов, Ф. Юсупов, М. Қурбонов, А. Тошбоев ва бошқаларининг номи республикамиз бўйлаб хурмат ва эҳтиром билан ёйилди.

Стахановчилик ҳаракатининг янада оммавий тус олиши учун замонавий техника ва технология билан қуролланган завод-фабрикалар барпо этилди. Уларнинг маданий-техника даражасини ошириш тадбирлари кўрилди. Биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида мамлакатни социалистик индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш, маданий революцияни ва электрлаштиришни, ниҳоят, халқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш ишларининг кенг кўламда амалга

торларнинг ҳар қандай ташаббусларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари, ишчиларнинг янги техникани эгаллашлари учун барча шароитларни яратиб бериш каби қатор тадбирлар белгиланди.

Сийсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишлари ўз натижаларини бера бошлади. Минг-минглаб ишчилар ўзларининг нормаларини қайта кўриб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар ола бошладилар. Шундай қилиб, мамлакат бўйлаб стахановчилик ҳаракати янги босқичга кўтарилди. Завод ва фабрикаларда, корхона ва шахталарда, транспорт ва қурилишда, қишлоқ хўжалигида меҳнаткашлар стахановчилик кунин, суткаси, ҳафтаси, ойлиги каби ташаббуслар билан чиқиб, кундалик нормаларини бир неча баробар ошириб бажара бошладилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси Муҳаббат Носирова тўқувчилар орасида биринчилардан бўлиб стахановчилик ҳаракатига қўшилган эди. 1935 йил кузида у дастлаб 12 та, сўнгра 36 та дастгоҳда меҳнат қила бошлади. Кейинги йили 48 та дастгоҳда ишлаб бошлаган Муҳаббат янаволик машҳур тўқувчилар — опа-сингил Мария ва Евдокия Виноградовалар билан мусобақалашиб, бир ўзи 64 та дастгоҳни бошқарди.

Пахта тозалаш саноатида кенг новаторлик ҳаракати ташаббускори бўлиб Қўқондаги 1—3-пахта заводи ишчиси Назиржон Матка-

Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги муносабати билан

МИЛЛИОНЛАР ТАШАББУСИ

аммо капитализм буларни минглаб ва миллионлаб эзиб-янчиб, бўғиб келган эди».

Социалистик мусобақа янги жаҳият тараққиётининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи, социализм қурилишининг синалган методи, социалистик давлатнинг объектив қонунияти, совет халқи ҳаётини кучининг битмас-туганмас манбаи бўлди ва у совет жаҳияти тараққиётининг барча босқичларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш ва тақомиллаштиришнинг, янги жаҳият кишисини тарбиялашнинг қудратли воситаси бўлиб қолди. Омма меҳнат кўтаришқилиги ва ижодий активлигининг ифодаси бўлган социалистик мусобақа халқ орасида миллионлаб ишлаб чиқариш илгорларини, рационализаторлар ва ихтирочиларни етиштириб чиқарди. Бундан роппа-роса 50 йил муқаддам донбасслик шахтёр Алексей Стаханов номи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатнинг вужудга келиши ана шу онгли коллектив меҳнат — социалистик мусобақанинг ёрқин мужассами бўлди. 1935 йил 30 августдан 31 августга ўтар кечаси Донбасс области «Центральная — Ирмено» шахтасининг шахтёри А. Стаханов биринчи марта меҳнатни янгича ташкил қилиб, бир сменада 102 тонна кўмир қазиб, ўз кундалик нормасини 14 баробар ошириб бажарди. Уша йил 2 сентябрда «Правда» газетасида А. Стахановнинг аjoyиб ташаббуси ва меҳнат рекордини маълумулловчи хабар босилди. Донбасслик бу фидойи ишчи ташаббуси барча совет кишиларининг таҳсинига сазовор бўлди. Шундан сўнг бепоеи мамлакатимиз халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида стахановчилик ҳаракати кенг қанот ёйди. Ёркин ва шавқли

оширилиши совет халқининг бунёдкорлик ишида катта муваффақиятлар гарови бўлди. Буларнинг ҳаммаси социализм шароитида капитализм давридагига нисбатан юқори меҳнат унумини яратиш имкониятини вужудга келтирди. «Меҳнат унуми янги ижтимоий тузумнинг энг би чикиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир», — деб ёзган эди В. И. Ленин.

Асосий моҳияти ишчилар синфи томонидан замонавий техникани эгаллаш ва шунинг асосида иш ҳажми нормасини, план топшириқларни муттасил ошириб бажаришдан иборат бўлган стахановчилик ҳаракати юқори меҳнат унумдорлигини вужудга келтиришда катта аҳамият кашф этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 30-йилларнинг ўрталарида стахановчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши социалистик ижтимоий тузум учун тасодифий бир ҳол эмас эди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, СССР огир саноат халқ комиссари Г. К. Оржоникидзе таъкидлаганидек, бу ҳаракат социализмга хос, совет ижтимоий тузумига хос ҳодиса эди.

Стахановчилик ҳаракатининг янада оммавий тус олишида 1935 йил ноябрда партия Марказий Комитети томонидан қақирланган стахановчиларнинг Биринчи Вутунтифоқ Кенгаши ва ВКП(б) Марказий Комитетининг стахановчилик ҳаракати муносабати билан саноат ва транспорт масалаларига бағишланган 1935 йил Декабр пленуми катта аҳамиятга эга бўлди. Кенгаш ва пленумда барча партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, совет ва хўжалик идораларига социалистик мусобақанинг янги шакли бўлган стахановчилик ҳаракатини халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг ёйиш, нова-

молон майдонга чиқди. У нормадаги 3 та ўрнига 6 та, кейинчалик 12 та жинда ишлаб юқори кўрсаткичларга эришди. Ҳамюртимизнинг бу фидокорлиги республикамизнинг бошқа саноат корхоналарида ҳам, жумладан, Когон, Мирзатўл, Асака, Самарканд пахта тозалаш заводлари ишчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Оманинг ижодий ташаббускорлиги ва активлиги натижасида мамлакатимиз экономикаси ва муҳофаа қудрати юксалди, совет халқининг келажак сари дадил одими тезлашди. Республикаимизда Катта Фарғона канали қурилишининг бошланishiга ҳам ана шу меҳнат кўтаришқилиги маълум маънода сабаб бўлди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРнинг Фарғона водийси чегарасидаги экин майдонларини сув билан етарли таъминлаши лозим бўлган бу улкан сув ишчюоти қурилиши 1939 йил 1 август кунин бошлаб юборилди. Шу кунин Фарғона водийси йўлларида совет кишиларининг байрамона кайфиятдаги қудратли тўлкини қалқди. Ассосан кетмон, белкуррак, замбил билан қуролланган 160 минг колхозчи-деҳқонлар катта ишонч ва умид билан умумхалқ ҳашарига чиқдилар. Канал қурилиши дастлаб 6—7 йил ўрнига 6 ойга мўлжалланди.

Бугунги кундагидай қудратли техникаларга эга бўлмаган шароитда бундай улкан ишга қўл урган деҳқонларнинг ғайрат-шижоати мислсиз жасорат эди. Канал қурилишига республика партия ва ҳукумати бевосита раҳбарлик қилди. Қисқа давр ичида 2 минг коммунист, 70 минг комсомол бу умумхалқ ҳашарига сафарбар этилди. Бу ерда ўзбеклар билан бир қаторда рус, тожик, қирғиз, қозоқ, украин ва бошқа миллат

ЭЗГУЛИК ҚАСРИ

Тўрақўрғонда Улуг Ватан урушида ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатилиб, ҳар бир жангчи хотирасига биттадан атиргул ўтказилган.

Тўрақўрғон шаҳрида бамисли қаср,
Ёдгорлик тиклади эл ғайрат билан.
Утса ҳамки неча йиллару аср,
Авлодлар бокишар зўр ҳайрат билан.

Уч зангор гумбази турар турвиқор —
Ҳалок бўлганларга меҳр тирмоли.
Нақшларга ўйниш қалбини ганҷкор,
Рангин ўчиролмас йиллар шамоли.

Атрофин этишди гўзал бир бўстон,
Ранго-ранг гуллардан берилди сайқал.



Хар битта атиргул битта қахрамон —
Қўйишди етти юз етмишта хайкал.

Зиёрат айлаган ҳар бир қадамнинг
Доим келиб-кейтиш бўлур одати.
Бунга ташриф этган ҳар бир одамнинг
Елқинланар юртта ишқ-муҳаббати.

Гарчи кўмилмаган бунда қахрамон,
Гарчи бўлмаса ҳам бунда бир мазор,
Лекин бизларни деб, жангда тўкиб қон
Шаҳид кетганларнинг азиз руҳи бор.

Уларнинг номлари бунда ёнма-ён,
Меҳнатдан бахт-иқбол топганлар

билан.
Эли-юрти учун ким фидойи жон —
Бўлса, шундай севиб ардоқлар Ватан!



Тупроқ хиди, ёмғир хиди бирга йўғрилиб,
Хушбўй хидлар келар димоққа.
Майин еллар бу хидларни аста ўғирлаб,
Олиб кетар йироқ-йироққа.

Тиниқ ўйлар, шаффоф ҳислар гупириб
бирдан



Юракларда туйғу тошади.
Булутиларнинг қарвонлари юксалиб қирдан,
Ёмғир олиб юртга шошади.

Илҳақ бўлдим йўлларида: ўтди уч фасл —
Соғинтирган баҳорим келди.
Диёримга беқасам тўн кийгизиб асл,
Келинчак тонг — наҳорим келди.

Вир тўп булут кир ортидан чиқди сурилиб,
Жонбахш ёмғир севалаб ўтди.
Тупроқ хиди, ёмғир хиди бирга йўғрилиб,
Хушбўй хидлар оламини тутди.

Тўрақўрғон



вакиллари ёнма-ён меҳнат қилдилар. Канал қурилиши халқлар дўстлиги қурилиши тусин олди.

Умумхалқ қурилиши қатнашчилари стахановчасига юксак меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Масалан, Логон канали қурилиши қатнашчиси, стахановчи Қ. Масобиров кунлик топшириқни беш баробар ошириб бажарди. Норин районидаги канал қурилишига келган стахановчи-колхозчи Дўнан Дўстматовнинг меҳнат кўрсаткичи эса, ҳаммани ҳайратга солди. Қорачадан келган, ўрта бўйли Дўнан Дўстматов чайир, меҳнатда тобланган бўз йигит эди. У ўз ишини стахановчасига ташкил этди ва кунлик топшириқни 800 процент бажариб, канал қурилишида стахановчилик-дўстматовчилик ҳаракатини бошлаб берди. Ака-ука Обидовлар, У. Рахимов, М. Маманазаров, Ж. Рўзиохунов каби илгор колхозчилар, Шарипов, Эшонов, Чушкин, Умаров, Иброҳимов, Султонов каби коммунистлар дўстматовчасига 4—5 нормадан иш бажариб, республикага донг таратдилар.

Шундай қилиб, ҳашарга отланган илгор колхозчи-деҳқонлар ҳиммати билан 6 ойда қурилиши керак бўлган 270 километр узунликдаги Катта Фарғона канали атиги 45 кунда ниятсизга етказилди. Шу бир ярим ой ичида канал қурувчилари 45 та қатта ва 275 та кичик гидротехник иншоотларни барпо этдилар. Натижада, 1939 йил қуздан Ўзбекистон ССРнинг 32 та пахтакор райони ва 5 та шаҳри, қардош Тожикистон ССР Ленинобод областининг 4 та райони аҳолиси Катта Фарғона канали сувидан баҳраманд бўла бошладилар. Қўллаб янги ерлар ўзлаштирилди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Биргина Ўзбекистон ССРда 1940 йилга келиб, 1,6 миллион тонна ёки революциядан олдинги даврга (1913 йил) нисбатан уч баравар кўп пахта тайёрландики, бу республика қишлоқ хўжалигида стахановчилик ва

ударниклик ҳаракатининг натижаси эди.

1935-1936 йилларда республикада пахтакорлари орасида гиждувонлик звено бошлиғи Ф. Юнусов ва Наманган район «Ижтимоиёт» колхозини бригада бошлиғи Иброҳим Раҳматовлар мавжуд имкониятларни ишга солиб, пахта ҳосилдорлигини ошириш учун кураш ташаббуси билан чиқдилар. Свердлов районидан звено бошлиғи А. Худоев, Тошкент район У. Юсупов номли колхоздан А. Тешабоев, изобсаканлик М. Бобораимов, далварзинлик Б. Саидов, норинлик Юнусов, боёвутлик механизатор Г. Қияков ва бошқалар пахтачиликда стахановчилик-рахматовчилик ҳаракатини кенг ёйдилар. Умуман, 1939 йилда бу ҳаракатда 7 минг бригада ва звено иштирок этиб, юқори ҳосил учун кураш олиб борди.

Бутунги кунда биз машхур пахтакор, теримчи хотин-қизлар орасида дастлаб «бешмингкилограммчилар», сўнгра «ўн бешмингкилограммчилар» ҳаракатининг ташаббускори, Ленин ордени кавалери Тожиқон Шодиева, пиллакорлар орасида стахановчилик ҳаракати ташаббускори, Социалистик Меҳнат Қахрамони Олияхон Султонова ва бошқа кўллаб новаторларнинг номларини фахр билан тилга оламиз.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 30-йиллар стахановчи новаторлар саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, қурилишда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бошлаган ташаббус авлодлар томонидан юксак қадрланмоқда ва ривожлантирилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида таъкидланганидек, «Меҳнат кишини тарихда биринчи марта мамлакатнинг хўжайини, ўз тақдирининг ижодкори бўлиб қолди». Она-Ватанимизнинг порлоқ келажаги, бахт-саодати йўлида шарафли меҳнат қилиб, юқори кўрсаткичларга эришган ташаббускорлар сафи кейинги йилларда ҳам кенгайиб бори. 60—70-йиллар социалистик мусобақа ташаббускорлари —

Тошкент Тўқимачилик комбинатидан Л. Казанцева, Л. Губина, самолётсозлик заводидан А. Девятова, қишлоқ хўжалигида икки марта Социалистик Меҳнат Қахрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Давлат мукофоти лауреати Турсунои Охунова, шунингдек, Ғанишер Юнусов, Мелиқўзи Умрзоков, Қурбон Кенжаев, Тўлан Дадажонов, Расул Ҳайдаров, Найин Маматқодиров, Холмўмин Сафаров, Светлана Продан ва бошқа юзлаб, минглаб ажойиб кишилар халқимиз ҳурмат-эъзозига сазовор бўлдилар. Ҳозирги кунда уларнинг изидан бораётган минглаб ишчилар ва колхозчилар ўзларининг самарали меҳнатлари билан Ватанимиз бойлигига бойлик, кучига куч қўшмоқдалар.

Йиллар ўтиши билан ишлаб чиқариш суръати, характери тақомиллашиб бормоқда. Ишчилар синфининг қахрамонона меҳнати, меҳнатга онгли муносабат натижасида стахановчилик-новаторлик ҳаракатининг янги-янги шакллари вужудга келмоқда. Фаровон турмуш, халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш совет кишиларининг муқаддас бурчига айланиб қолмоқда.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида омманинг ижодий ташаббускорлиги натижасида вужудга келган биринчи шанба-ликларни умумлаштириб, дохиймиз В. И. Ленин: бу онгли коммунист меҳнатнинг бошланиши, унинг куртагидир, деган эди. Ривожланган социализм шароитида омманинг ташаббускорлиги ва меҳнат кўтаринчилиги активлашгани сари социалистик мусобақа янада оммаланиб, унда миллион-миллион кишиларнинг қатнашаётганлиги дохий башоратининг ҳаётийлигини кўрсатмоқда.

Искандар ҲАЙИТОВ,
тарих фанлари кандидати

ХАЛҚ ОҚСОҚОЛИ

ИҶЛДОШ ОХУНБОБОВ ТУҒИЛГАНИГА 100 ЙИЛ
ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Йиллар ўтаверади. Турмуш фаровонлаша боради. Бироқ шу тўқин хаёт учун, ленинча улуг ишларнинг тантанаси учун ўзларини курашга сафарбар этган фидойиларнинг номлари унутилмайди, ишлари келажак авлодлар фаолиятида давом этади.

Биринчи ўзбек президенти, толмас ленинчи, партия ва давлат арбоби Иўлдош Охунбобоев халқимизнинг оташин меҳрига мушарраф бўлган ана шундай сиймолардан эди. У бутун онгли умрини, куч-қувватини жонажон халқининг бахт-саодати йўлига бағишлади. Ун саккиз йил давомида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимида туриб, халқ оқсоқоли деган шарафли номни оклади.

1885 йили Марғилон уездининг Жойбозор қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келган Иўлдош болалик йилларини чорночорликда ўтказди. У отадан ўн олти ёшида етим қолиб, беш иниси билан оғир меҳнат остида бир амаллаб кун кечирди. Йўқчилик, ҳақсизлик Иўлдош ва у кабиларни суяк-суяк гача сиркиратар, чорасизликдан ғазабланганларнинг саногий йўқ эди.

Улуг Октябрь социалистик революциясини Иўлдош Охунбобоев чексиз қувонч билан қутиб олди. Совет ҳокимиятининг оташин ҳимоячисига айланди. Аксикчиликнинг кучлар ва босмачиларга қарши курашда шонли Қизил Армияга сидқилдан ёрдам берди. У ўзининг ҳалоллиги, удабуронлиги билан ҳурмат қозонди, меҳнаткашларнинг меҳрибон маслаҳатгўйи бўлди. 1920 йил декабрь ойида Иўлдош Охунбобоев Марғилондаги «Қўшчи» уезд-шаҳар комитети раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Иўлдош Охунбобоев 1921 йил май ойида шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинди, бутун куч-ғайратини жамоатчилик ишларига бағишлади. 1921 йилдан 1924 йилгача у уезд-шаҳар партия комитетининг ташвиқотчиси сифатида қишлоқларда дастлабки комсомол аъёиқаларини тузишда фаоллик кўрсатди. Унинг ташаббуси билан жойларда «қизил чойхона»лар ташкил қилинди. Бу чойхоналар маҳаллий аҳоли орасида ташвиқот ва оммавий-оқартув ишларини олиб боришда катта аҳамиятга эга бўлди.

1925 йил 6 февралда Бухорода Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съезди бўлиб ўтди. Съезд ишида Марғилон партия ташкилотидан Иўлдош Охунбобоев ҳам иштирок этди. Бир вақтнинг ўзида у Шахрихон меҳнаткашлари томонидан шу ойда бўладиган Ўзбекистон Советлари I Таъсис қурултоғига делегат этиб сайланган эди. Съездда республика ҳокимиятининг олий органи — Марказий Ижроия Комитет сайланди. Иўлдош Охунбобоевга юксак ишонч, ҳурмат-эҳтиром билдирилиб, уни Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Раиси лавозимига, сўнгра эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раислигига тавсия этилди.

У Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Абдулла Абдурахмонов, генерал Иван Петров каби сафдошлари билан биргаликда республика маданияти ва экономикасини социалистик асосда қайта қуриш учун ўзбек халқи олиб бораётган улуг курашга раҳбарлик қилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш масалаларини жуда оғир шароитда ҳал қилишга тўғри келди. Масалан, 1927 йилдаёқ, республикада социалистик ҳокимият эндигина қарор топаётган бир пайтда Самарқанд областига қарашли Даҳбед яқинидаги Чоржў қишлоғида Клара Цеткин номли колхоз ташкил қилинди. Республикада социалистик индустрияни ривожлантириш, пахта мустақиллиги учун кураш, маданий революция, хотин-қизлар озолиги каби тарихий ишлар унинг номи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. 1924 йили Урта Осиё республикаларида миллий чегараланиш ўтказилгандан сўнг инқилобий ҳаракат марказларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳри республика пойтахти қилиб белгиланди. Шу муносабат билан 1925 йил 11 февралда Регистон майдонида умумшаҳар митинги бўлди. Унда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг атоқли арбоби Михаил Иванович Калинин сўзга чиқиб, шундай деган эди: «Бу жойда жуда кўп халқ оммаси биринчи марта тўпланаётгани йўқ. Самарқанд биринчи марта пойтахт қилинаётгани йўқ. Утмишда бу шаҳарда кўпгина ажойиб воқеалар бўлиб ўтган, бу воқеаларда юз минглаб кишилар қатнашган... хозирги кунда бу ерда овоз Ўзбекистон республикасидаги эркин халқ тўпланиб турибди. Буни — эркин халқнинг янги пойтахтдаги биринчи йиғилиши десак бўлади».

М. И. Калинин Урта Осиё республикаларининг ташкил топиши ва мустақамланишига катта ёрдам берди. У республика партия ва ҳукуматининг раҳбарлари — Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Иўлдош Охунбобоев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари А. Икромов, В. И. Иванов, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Ф. Хўжаев билан мавжуд масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

1925 йил 3 апрелда Самарқанд партия, комсомол ва ҳарбий ташкилот вакиллари-нинг қўшма мажлиси бўлди. Йиғилишда Иўлдош Охунбобоев сўзга чиқиб: «Эндиликда қизил пойтахт бўлиб қолган Самарқанд Шарқ халқлари учун ўрнак бўлиши ва ленинзм йўлидан дадил қадам ташлаб бориши лозим», деди. Биринчи президенти-миз ўз фаолияти давомида Самарқандда клуб, кутубхона, мактаб ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилишига муттасил ғам-хўрлик кўрсатди. Унинг тадбиркорлиги, халқ маданиятига муҳаббати туфайли бу қадимий шаҳарнинг ёдгорликларини асраш ва таъмирлаш ишларига алоҳида аҳамият берилди. Халқ оқсоқоли Педагогика акаде-

мияси биносининг пойдеворига биринчи ғиштни ўз қўли билан қўйди.

1938 йилда бўлиб ўтган СССР Олий Советининг биринчи сессиясида Иўлдош Охунбобоев СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайланди. Келгуси йили у пахтачиликни ривожлантириш ишига қўшган хизматлари учун Ленин ордени билан тақдирланди.

Улуг Ватан уруши йилларида Ўзбекистон зиммасига янада катта масъулият юкланди. Республика экономикасини ҳарбий изга солиб юборишга тўғри келди. Фронтга мунтазам равишда қурул-яроғ, ўқ-дори, дори-дармон, кийим-кечак етказиб берилди. Социалистик Ватан химоясида Иўлдош Охунбобоев партиянинг жанговар солдати сифатида фаолият кўрсатди.

1941 йил, декабрь. Иўлдош Охунбобоев фронтга республика меҳнаткашлари номидан ўзбек жангчиларига совға-салом олиб борган делегацияга бош бўлди.

«1942 йил 20 февралда, — деб эслайди В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти ходими, истефодаги гвардия полковниги Халил Набиев, — кузатув пунктида навбатчилик қилардим, бир пайт ўзбек халқининг сеvimли оқсоқоли Иўлдош ота келиб қолди. У киши мен билан салом-алиқ қилгач, қандай вазифани бажараётганим билан қизикди. Мен душман техникаси ва қўшинларининг ҳаракатини кузатаётганимни айтдим. Мабодо, душман ҳужумга ўтадиган бўлса, миномётчиларга душманга қарата ўқ узишга команда беришим керак эди».

Иўлдош ота кузатув асбобларидан фашистлар жойлашган участкаларини кўздан кечириб бўлгач, фашистлар штаби жойлашган блиндажни яқсон қилиб ташлашга кўрсатма берди. Шундан сўнг 18 миномётнинг шиддатли ўқ оловлари душман блиндажини яқсон қилиб ташлади».

Иўлдош Охунбобоев Буюк Ғалаба кунига-ча яшай олмади. Халқимизнинг эркин кунларга етишишини орзу қилган ва бу йўлда бутун борлигини аямаган инсон, халқнинг меҳрибон отаси 1943 йил 28 февралда вафот этди.

Эндиликда унинг номи, эркин хотираси тилларда, дилларда. Эндиликда республика-мизнинг энг обод жойлари — район ва колхозлар, мактаблар, институтлар, кўчалар халқ оқсоқолининг муборак номи билан аталади. Унинг ҳаётига бағишланган роман, шеър, драматик асарлар яратилган.

Ҳа, доимо халқ билан бирга нафас олган, дардида, ташвишига шерик бўлганлар ҳам-ша барҳаёт.

Ўткир РАСУЛОВ

Самарқанд

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ КЎЗЛАБ...

Тошкент. Лохутий кўчаси. «Моделлар уйи». Республикамиз маҳаллий саноат министрлиги корхоналарида тайёрланган буюмларнинг кўрик-ярмаркаси ўтказилмоқда.

Кенг зал. Зал бўлинмаларига турли хил саноат моллари дид билан терилган: Тошкент ва Самарқанд чинни заводларида тайёрланган ва турли гуллар билан жило берилган чойнак ва пиёла-лар, нафис лаганлар ва ликобчалар кишининг эътиборини ўзига тортади. «Миконд» заводининг кўли гул ишчилари аслаган тиниқ ва жарангдор биллур буюмлар кўзни қамаштиради.

Риштон ва Китоб бадий кулолчилик заводлари, Андижон нафис буюмлар фабрикаси ҳамда республика ўрмон хўжалиги министрлиги корхонасида ишлаб чиқарилган ранг-баранг маҳсулотлар ҳам ярмарка залидан ўрин олган.

Маҳаллий саноат моллари кўрик-ярмаркасига ташириб буюрганлар томошабинлар эмас эдилар, улар ўз маҳсулотларини намойиш этиш ва савдо ташкилотлари вакилларининг талаб ва эътирозларини ўрганиш, агар лозим топилса, маҳсулотларни аҳолига етказиб бериш бўйича тегишли савдо тармоқлари билан шартнома тузиш, мазкур корхоналарнинг мутахассислари ҳамда саноат моллари ассортименти ва сифати билан яқиндан танишиш истагида келишган савдо ташкилотларининг вакиллари эдилар.

Биз ўшанда кўрик-ярмарка залида ҳозир бўлган Ўзбекистон ССР Савдо министрининг ўринбосари ўртоқ Қутбиддин Шукуровдан кўрик-ярмарка аҳамиятини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Халқимиз турмуш фаровонлигининг ошиб бориши билан уларнинг уй-рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёжлари, эстетик дидлари ҳам тобора ортиб бормоқда. Вугун саноат моллари сифатига бўлган талаб-эътиборнинг ҳам боиси аслида шундадир. Тан олишимиз керак, ишлаб чиқарилаётган молларнинг сифати, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида ошқора айтилганидек, бугунги талаблар даражасидан жуда паст. Сифатсиз мол — бу харидор эътиборидан қолган ўлик товар. Сифат бугун маҳсулот қимматининг асосий мезони бўлиб қолди. Республикамиз савдо ташкилотларининг ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига изчил амал қилган ҳолда, ишлаб чиқариш мутахассислари билан ҳамкорликда, аҳолининг саноат молларига бўлган кундалик талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида турли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Маҳаллий саноат моллари кўрик-ярмаркаси ҳам худди шу мақсадга қаратилган тадбирлардан бирidir. Биз бундан кейин ҳам



Самарқанд Чинни заводи маҳсулотлари кўзларни қувонтиради.




Китоб шаҳар Бадий кулолчилик заводи маҳсулотлари ҳам кўрик-ярмаркада яхши баҳо олди.

В. Мосин фотолари

Шомурод СИДДИҚОВ

БУЮК АДИБ

Раҳматилла ИНОҒОМОВ,
филология фанлари кандидати



АСАРЛАРИ совет ва жаҳон адабиётининг олтин хазинасига ажойиб дурдоналар бўлиб қўшилган буюк ёзувчи, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Александрович Шолохов инсоният маданияти тарихидаги даҳо адиблардандир.

Михаил Шолохов 1905 йилнинг 24 майида Вешенская станицасининг (ҳозирги Ростов области) Кружилин кишлоғида оламга келди. Дастлаб у турли гимназияларда таълим олди. Сўнгра, гишт терувчи, юк ташувчи, муаллим бўлиб ишлади — ҳаёт қозонида қайнади.

Бўлажак ёзувчининг ижоди асосан 1923 йилдан бошланди. Шу йили унинг «Синов» сарлавхали фельетони босилиб чиқди. Эндигина 20 ёшга қадам қўйган ёш адибнинг ilk «Дон ҳикоялари» тўпламидек адабий жамоатчилик ва кенг ўқувчилар оммасининг диққатини ўзига тортиди. Бу тўпламнинг нашр этилишида унга сўзбоши ёзган, ёш ёзувчидаги фавқуллодда истеъдодни ўша пайтдаёқ пайкаган машҳур совет ёзувчиси А. Серафимовичнинг хизмати катта бўлди. Муаллиф «Дон ҳикоялари»да Совет ҳокимияти учун курашининг дастлабки йиллари ва граждандар уруши воқеаларини тасвирлади, ўт юракли ёшлар, комсомоллар образини яратди.

М. Шолохов 1926 йилда «Тинч Дон» романини ёзишга киришди. Орадан икки йил ўтгандан сўнг «Октябрь» журналида романининг биринчи китоби эълон қилинди. Шу даврдаёқ машҳур жамоат арбоби ва олим А. Луначарский мазкур асар адабиётда янги ҳодиса бўлганлигини мамнуният билан таъкидлаган эди: «Шолоховнинг ҳали тугалланмаган «Тинч Дон» романи манзараларнинг кенглиги, ҳаёт ва одамларни билиши, воқеалардаги алам-дарди жиҳатидан бениҳоя кучли асардир. Бу асар ҳамма даврдаги рус адабиётининг энг яхши ҳодисаларини эслатади. «Тинч Дон» кенг омма адабиётига қўшилган бебаҳо хазинадир».

Мазкур асари билан Михаил Шолохов энг яхши совет ёзувчилари қаторидан ўрин олди. Муаллиф роман устида, — орадаги баъзи танаффусларни ҳисобга олмаганда, — ўн беш йилга яқин машаққатли ижодий меҳнат қилиб, уни 1940 йилда тугаллади. Михаил Шолоховнинг номини бутун дунёга машҳур қилган «Тинч Дон» эпосеидада социалистик революция, граждандар уруши, буюк ўғаришлар давридаги халқ ҳаёти зўр маҳорат билан тасвир этилди. Унда адиб революция-

нинг фақат ижтимоий ҳаётга эмас, балки турмушнинг барча томонларига, оилавий муносабатларга ҳам таъсир этганлигини кўрсатди.

Социалистик реализмнинг классик асарига айланган «Тинч Дон»да давр қарама-қаршиликлари, мураккаблиги бутун кўлами билан ғоят санъаткорона акс эттирилди. Халқ ва революция, шахс ва омма, инсон ва жамят масалалари асарнинг етакчи мавзуини ташкил этди. Асарнинг марказий қаҳрамони Григорий Мелехов образида эски тузумнинг таназзулга юз тутганлигини англаган, лекин ҳаётдаги революцион ўзгаришлар, янгиликлар моҳиятини ўз вақтида тушуниб етмаган кишиларнинг фожиали тақдири кўрсатилди. «Тинч Дон» романи совет адабиётининг фахри ва ажойиб дурдонаси сифатида Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи қаторида туради. Шу сабабли бу асар учун адиб совет ёзувчилари орасида биринчилардан бўлиб Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Михаил Шолохов «Тинч Дон» асари билан ижод чўққисига кўтарилди. Адибнинг биринчи китоби 1932 йилда, иккинчи китоби 1939 йилда эълон қилинган «Очилган кўрик» романида коллективлаштириш йиллари кишлоқда юз берган революцион ўзгаришлар тасвирланди. Ёзувчи романнинг мақсади ҳақида гапириб шундай деган эди: «Менинг вазифам фақат икки уруш ва революцион даврдаги Дон аҳолисининг турли қатламларини кўрсатиб бериш, фақат 1914—1921 йилларда бўлиб ўтган қудратли воқеалар гирдобига тушиб қолган айрим кишиларнинг фожиавий тақдирини кузатиб қолиш билангина чекланмай, шу билан бирга, Совет ҳокимияти давридаги тинч қурилиш йилларидаги кишиларни кўрсатишдан иборатдир». «Очилган кўрик» мана шу вазифани бажаришга бағишлангандир.

Ёзувчи бу асарида халқнинг кулоқларга қарши курашини, оммада социалистик онгининг ўсишини, янгиликнинг эскилик устидан ғалабасини, большевикча раҳбарлик услубининг ҳақлигини тасвирлаб берди. Ўзида илгари сурилган ғоя ва оҳанглارнинг юксаклигини эмас, балки образ ва характерларнинг фавқуллодда ёрқин ва тўлақонлиги, тасвир кўламининг кенглиги, тилининг гўзал ва ширадорлиги, нозик ва бегубор юмор, сюжетининг ўткирлиги ва ҳаққонийлиги сингари ажойиб фазилатлар ҳам «Очилган кўрик» романининг муваффақиятини белгилайди.

Дунёдаги кўпгина тилларга таржима қи-

линган «Очилган кўрик» аллақачон ер юзидаги миллионлаб кишиларнинг сеvimли китобига, қандай яшаш ва курашиш кераклигини ўргатадиган ҳаёт дарслигига айланиб қолди. Романининг бош қаҳрамони Семен Давидов совет адабиётда яратилган энг баркамол ижобий образлардан биридир.

Асар бош қаҳрамонларнинг ўлими билан тугайди, лекин унинг оптимистик руҳи ғоят кучли. Михаил Шолохов 1960 йили «Очилган кўрик» асари учун Ленин мукофотига сазовор бўлди. Турли ўлка кишлоқларини қолхозлаштириш манзараларини чизувчи Наири Зарянининг «Ацаван», Нико Лордкипанидзенинг «Колхида тонги», Жалол Икромийнинг «Шоди», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчино», Ҳусайн Шамснинг «Душман» романларида «Очилган кўрик»нинг бевоесита ижодий таъсири сезилиб туради. «Очилган кўрик» ҳам «Тинч Дон» сингари, совет ва жаҳон адабиётининг классик асарлари қаторидан ўрин эгаллайди.

Ёзувчининг Улуғ Ватан уруши давридаги ижоди ҳам алоҳида диққатга сазовор. У урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ўзини фронтга сафарбар деб билди. Адиб 1941 йилнинг 24 июнида Москвага телеграмма юбориб, «Тинч Дон» учун олган мукофотини СССР Мудофаа фондида ўтказишни илтимос қилган, исталган дақиқада «Ишчи-деҳқон Қизил Армияси сафига ўтишга, социалистик Ватан учун сўнгги томчи қонига қурашишга тайёр»лигини билдирган эди. Июль ойида запасдаги полк комиссари Михаил Шолохов армия сафига қақирилди, бошқа ёзувчилар қатори фронтга жўнади. У совет информაციон бюросида хизмат қилади. «Правда», «Красная звезда» газеталарининг ҳарбий муҳбири бўлади, Смоленск, Ростов ёнларидаги, Волгадаги даҳшатли жангларда қатнашади, фронтнинг машаққатли йўллари билан Германия чегараларига боради. Совет кишиларининг фронтдаги бекиёс қаҳрамонлигини ўз кўзи билан кўрган ёзувчи кўплаб публицистик мақолалар, очерклар, ҳикоялар ёзади. Унинг «Нафрат илми» ҳикояси, «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романининг айрим боблари шу давр маҳсулидир. Бу асарларда совет кишиларининг фашизмга қарши оғир кураши, фронт билан мамлакат ичкарасининг бирлиги, фашизмнинг инсонга қарши моҳияти фош этилади.

Михаил Шолохов 1956 йилнинг охирида ҳажман мухтасар, мазмунан романларга тенг келадиган «Инсон тақдири» ҳикоясини яратди. Ёзувчининг қаҳрамонлари — ўзи-

нинг ҳаётдаги ўрнини яхши биладиган, ҳаётини бағишлаётган ишнинг ҳаққонийлигига ва ғалабасига ишонадиган кишилар. Асар қаҳрамони Андрей Соколовнинг ўз тилидан ҳикоя қилинган тақдири — бу бир кишининг тақдири эмас, балки қонли урушнинг беадад машаққатларини ўз елкасида кўтарган бутун халқнинг тақдири, дейиш мумкин.

Михаил Шолохов яратган образлар дунёси — бу ери, Ватани, ҳалқини севувчи, ўз қўллари билан келажакни барпо этаётган гўзал ва меҳнаткаш кишилар дунёси. У яратган образлар кучли туйғу ва эҳтиросларга эга бўлган шекспирона образлардир. Шолохов санъат дунёсини Григорий Мелехов, Акинья, Наталья, Михаил Кошевой, Штокман, Семен Давидов, Нагульнов, Андрей Соколов, Шчукар бобо сингари қайтарилмас образлар билан бойитди. Унинг ҳар бир асарини Ватанимизнинг, халқимизнинг қаҳрамонона тарихи, ўзига хос қомуси, бадиий солномаси, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, «Очилган қўриқ», «Тинч Дон», «Йисон тақдири», «Улар Ватан учун жанг қилдилар» асарлари халқимизнинг революция давридан бошлаб Улуғ Ватан урушининг охиригача бўлган даврнинг биографияси десак, хато бўлмас. Санъаткор бу асарлари билан Ватанимиз шухратини оширди, қаламкаш дўстлари билан биргаликда совет адабиётининг доврўига доврў, жаҳоншумул шухратига шухрат қўшди.

Жаҳондаги кўпгина улкан адиблар — Р. Роллан, Э. Хемингуэй, Г. Уэлс, Ханс Кирк, Мартти Ларни, Чарльз Сноу, Памела Жонсон, Вилли Вредель, Лиянага ва бошқалар Шолохов ижодига юксак баҳо берадилар. Бугина эмас, Совет адабиётининг ашаддий душманлари ҳам Михаил Шолохов йигирманчи асрнинг буюк ёзувчиси эканлигини эътироф этдилар. 1965 йилда Михаил Шолоховнинг Швеция Фанлар академиясининг Нобель мукофоти билан тақдирланиши бунинг ёрқин далилидир. 1967 йилда эса у, чет эл ёзувчилари орасида биринчи бўлиб поляк ёзувчиларининг «Олтин бошоқ» мукофотиغا сазовор кўрилди. Шу йили адиб совет маданиятини ривожлантиришдаги гоёят катта хизматлари, социалистик реализмнинг умумхалққа манзур бўлган асарларини яратгани, самарали жамоат фаолияти учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонни олишга мушарраф бўлди.

Ўзининг бутун ижодий, ижтимоий, публицистик фаолияти билан ёзувчининг халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқаси қанчалик самаралар беришини исботлаган М. Шолохов: «Чет эллардаги ашаддий душманларимизнинг айтишича биз, совет ёзувчилари гўё партия топшириғи билан ижод қилар эканмиз. Аслида вазият бошқача. Ҳар қайсимиз қалбимизнинг амри билан ижод қиламиз, қалбимиз эса жонажон партиямиз ва халқимизникидир. Биз ўз санъатимиз билан партия ва халққа хизмат қиламиз», деган эди.

Михаил Шолоховнинг барча асарлари халққа, партияга хизмат қилишнинг ажойиб намунаси бўла олади. Унинг китоблари жаҳондаги деярли барча тилларга таржима қилинган. Улар ер юзининг энг чекка ўлкаларида ҳам севиб ўқилмоқда. Михаил Шолоховнинг асарлари ер юзидаги кўпгина ёзувчилар учун чинакам санъаткорлик намунаси, маҳорат мактаби ролини ўйнамоқда.

Ўзбек адиблари ҳам Михаил Шолоховни ўзларига устоз деб биладилар. Унинг ижоди боғидан баҳраманд бўлмаган бирорта ўзбек ёзувчиси йўқ. Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек, Ўйғун, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Хусайн Шаме, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов сингари адибларимиз ҳаётни бутун кўлами билан ҳаққоний тасвирлашда улуғ санъаткорнинг ижодий тажрибасидан ўрганганлар.

Асримизнинг буюк адиби Михаил Шолоховнинг ўлмас асарлари инсониятнинг маънавий тараққиётига, истиқболига мангу хизмат қилажак.

Саодат ПЎЛКАНОВА

БОТИР БОБО

Улуғ Ватан уруши инвалиди
Ботир бобога

Ботир бобо ҳар кун
Ҳоли эмас хашардан:
Пахта терар бир қўллаб,
Орта қолмас ёшлардан.

Эгатларни оралаб,
Кенг пайкалга қарайди.
Ҳар туп гўза кўсагин
Эринмасдан санайди.

Урушгача колхозда,
Шу боғларни яратган.
Ҳосил олиб юқори,
Колхозда донг таратган.

Шул сабабдан ҳар кун,
Кенг даласин кўмсайди.
Ҳозир ҳам сув тарарди
Икки қўли бўлсайди.

ЮРТИМ МАДҲИН КУЙЛАЙМАН

Саёҳат қиламан тоғларга чиқиб,
Қулогим тутаман қушлар сасига.
Бирининг сайраши кетади ўхшаб,
Бобомнинг жарангдор дўмбирасига.

Қушлар ҳам сайроқи бўларкан шунча,
Мириқиб қарайман узмасдан кўзим.
Эртаклар юртига келиб қолгандай,
Боғи-Эрамларда юргандай ўзим.

Гўё Гўрўғлининг Ғироти кишнар,
Бобом айтиб берган Чамбил тоғими?
Пастликда бог-роғлар ястаниб ётар,
Достонда қуйланган Эрам боғими?

Қарайман, ҳисларга чулғаниб яна,
Тоғлардан богларга учиб ўтаман.
Эй, Она Ватаним, бу чиройинга
Ўмрим тугагунча қўшиқ битаман.

Саёҳат қиламан тоғларга чиқиб,
Қулогим тутаман қушлар сасига.
Мен ёниб юртимнинг мадҳин
куйлайман,
Жўр бўлиб бобомнинг дўмбирасига.

«ШЕЪРИНГ ЯХШИ» ДЕМАГИН, ДЎСТИМ

«Шеъринг яхши» демагин,
дўстим,
Оддий шеърим менга кифоя.
Менга таниш, мен билган
қўшиқ —
Бобомлардан қолган бир гоё.

Отам-бобом куйи ўзгача,
Улар айтган жарангдор
қўшиқ.
Юртимизда бўлмаса керак,
Улар куйи қирмаган эшик.

Мен қиламан уларга таъзим,
Кўзга суртгум улар хокини.
Инглаб-инглаб кўникар
киши,

Ўтганларнинг тортиб доғини.

Укам Масъуд улғайиб бир
кун,
Отам каби бўлар, албатта.
Балки ёзиб шеър дostonлар,
Донг таратар шонли авлодга.

«Шеъринг яхши» демагин,
дўстим,
Оддий шеърим менга кифоя.
Менга таниш, мен билган
қўшиқ —
Бобомлардан қолган бир гоё.

Навоий область,
Хатирчи район,
«Москва» колхозин

Абдулла ҚЎШБОҚОВ

ШАТИЛАГА БАҒИШЛОВ

1982 йилда Исроил агрессорлари фаластинлик қочоқлар лагеридан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийлик қилдилар

Юрагимга тоғлар қулар, осмонлар қулар,
Куйланмаган шеърлар қулар, дostonлар
қулар,
Агар шундай мунофиқлар келсалар голиб,
Битта қолмай гул яшнаган бўстонлар
қулар.

Эғуликнинг қушчалари учолмай ўлди,
Кафтдеккина замин узра қиёмат бўлди,
Евуз жаллод, билмам, нечун қарайсан
кулиб,
Шатилдан оққан қонлар бағримга тўлди.

Фазоларда мангу учар сўнгги нолалар,
Шатилани қоплар, балким, дардли лолалар,
Уятлисан, асрим, бир зум тиз чўк дод солиб,
Ҳолинг кўрсин ноҳақ кетган шахид
болалар.
Бахмал райони

ТРАКТОРСОЗЛАР ИБРАТИ



СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводида кейинги йилларда кишлоқ хўжалик машиналарининг бир қанча янги, техник жиҳатдан такомиллашган турлари яратилди. Жумладан, Т-28, Х-4 маркали тракторлар бошқарув кабинасининг такомиллаштирилганлиги, механик ҳайдовчилар учун қулайлиги, ихчамлиги, табиий иқлим шароитларига мослашга ўнғайлиги, ишининг унумлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, заводда ишлаб чиқарилаётган прицеплар ҳам бир қанча янги афзалликларга эга бўлди.

Яна бир қувончли хабар: Тошкент ГРЭСи энергиясини қабул қиладиган, заводни электр қувати билан таъминлайдиган «Трактор» подстанцияси фойдаланишга

тошпирилди. Бу эса Ўрта Осиёдаги энг катта машинасозлик корхонаси қувватини янада ошириш, келажакда бу ерда, юз от кучига эга бўлган тракторларни ишлаб чиқарадиган янги қувватларни барпо этиш имконини беради. Заводда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, саломатликларини тиклаши, спорт турлари билан муттасил шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар мавжуд. Тракторсозлар айниқса ритмик гимнастика, самбо, дзю-дони севадилар. Эндиликда трактор заводи коллективида 38 СССР спорт мастери, бир халқаро классдаги спорт мастери меҳнат қилмоқда. Ишчилар спорт билан мунтазам шуғулланаётганликлари туфайли ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам ўсмоқда.



Полвонлик машқи.



Гимнастикачи қизлар.

В. Мосин фотолари

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

130-артиллерия полки автомашина ҳайдовчиси Мамадали Топиболдиев мамнун. Ҳарбий хизмат муддати ҳам якунланай деб қолди. Ҳадемай яна жонажон юртига, ахил коллективи кучоғига — Риштон районига қайтади. У хизмат давомида командир ва полкдош дўстлари ҳурмати билан қозонганидан қувончи чексиз.

Мамадали ўз орзу-ҳавасларини қўшни қаравотда ётадиган Иван Рильковдан яширмайди, улар оға-инилардек бўлиб кетишган. Ўша оқшом бу икки дўст — ўзбек Мамадали Топиболдиев ва белорус Иван Рильков эртанги куннинг ширин орзулари билан осуда уйкуга кетишди. Бироқ улар каттиқ гумбургурдан чўчиб уйғонишди. Теварак-атрофда снаряд ва бомбалар портларди. Борлиқ ларзада. Дераза ойналари чил-чил бўлди. Солдатлар қуролланиб, ҳовлига отилдилар. Сўнгра эса, шафқатсиз жанглар, қуриш... Тиканли симлар ортидаги қийноқ, асирликдан қочиш...

* * *

Мамадали Топиболдиевни Александр Симдянкин томонидан ташкил этилган партизанлар отрядига қабул қилишди. Отряд Толочин ва Кругоянск районлари чегарасидаги Рацевск ўрмонларида жойлашган бўлиб, собиқ рота политруги мордвин А. Симдянкин Топиболдиев сингари душман қуршовидан чиқиш кетолмай, белорус ўрмонларида яшириниб юрган эди. У махфий ташкилот тuzиб, март ойининг бошларида ўзининг ўн бир сафдоши билан қуролли курашга отланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бир неча группалар бирлашиб, жанговар чегарачи-офицер Г. А. Кирпич командир қилиб сайланди. 1942 йил май ойининг охирига бориб, отряд шу қадар кенгайдики, уни партизанлар бригадаси сифатида қайта ташкил қилиш эҳтиёжи туғилди, бригадага «Чекист» деб ном берилди.

Ўша йилнинг ёзида «Чекист» бригадасининг умумий кучи бир ярим минг кишидан ортиқ бўлиб, тўққизта партизанлар отрядидан иборат эди. Бу бригада ҳарбий нуқтаи назардан жуда муҳим ҳисобланган Моги́лев — Толочи́но учбурчагида ҳаракат қилди. Бу жойда душмanning ғарбдан шарққа — фронт томон ва шимолдан жануб томон муҳим алоқа йўли ўтган эди.

Бригаданинг жанговар операцияларида Симдянкин бошлиқ партизанлар отряди алоҳида ажралиб турарди. Мазкур отряд жангчиси Мамадали Топиболдиев эса бригадада энг жасур разведкачилардан бири сифатида донг таратди. Партизанлар бу одамнинг жасорати ва довуракчилигига қойил қолишарди. У бир сутка давомида ўнлаб километр йўл босар ва ўта муҳим маълумотлар тўплаб қайтар эди. Кўпинча ўлжа қилиб олган пулемётни елкасига осиб, олис ва хавфли участкаларга разведкага бир ўзи отланаверар эди.

Довюрак солдат, партизан Мамадали Топиболдиев кўрсатган жасорат намуналари ҳақида унинг жанговар сафдошлари, Моги́левшина аҳолиси ҳали-ҳануз ҳикоя қилиб юришади.

...Май ойининг охирилари. Эрта тонгда Максимов кишлоғига уч киши чайқала-чайқала қўшиқ айтиб кириб келди. Улар деҳқонларнинг кулбаларига кириб чиқишар, пойинтар-сойинтар гапларни айтиб кулишар, гўё ўзларини дунёни сув босса тўпигага чиқмайдиган кишилар қилиб кўрсатишар эди.

Зум ўтмай кишлоқнинг қарама-қарши томонидан гарнизон йўналишига қараб киш-



лoқ оқсоқoли сездирмайгина йўлга чиқди. У фашист комендантига партизанлар пайдо бўлганлиги тўғрисида хабарни етказишга шошиларди.

Босқинчилар қармоққа илинди. Орадан ўн минут ҳам ўтмай, гарнизондан каллаке-сарлар группаси йўлга чиқди. Партизанлар ҳисоблаб кўришди — улар 18 киши экан. Фашист офицери тўқайзорга яқинлашиб, дурбин билан атроф-теваракни обдон кузатди. Ниҳоят, шубҳадан фoриг бўлган, олға юришга ишора қилди. Гитлерчилар партизанлар учун қулай бурчакка киришлари билан пистирмадагилар қўжумга ўтдилар. Мамадали Топиболдиев ўз пулемётдан душмanning «тера бошлади». Фашистларнинг жазо отряди кириб ташланди. Партизанлар қўплаб ўлжа олдилар.

Июнь ойининг бошларида фашист калла-кесарлари яқин кишлоқлардан бирига етиб бориб, гарнизонни гўшт, сут, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг тўхтатиб қўйган «итоатсиз» деҳқонларнинг адабини бериб қўйишга аҳд қилдилар. Партизанлар разведкаси рақибнинг шум ниятидан ўз вақтида хабар топди.

Босқинчилар юриши эҳтимол тутилган ҳамма йўللارга пистирма қўйиб чиқилди. Симдянкин бошчилигидаги етти нафар партизан, шу жумладан Топиболдиев душмanning Зайковская тегирмони яқинидаги Толочин-Логовшина йўли ёқасида пойлаб ётарди. Тонг ёришган пайтда командир танланган жой жанг учун бутунлай қулай эъмаслигини пайқаб қолди. Позицияларини ўзгартириш мақсадида у Топиболдиев ва жангчи Александр Иштокинга пулемёт билан йўлнинг

нариги томонига ўтиб жойлашишни буюрди.

Пулемётчилар буйруқни эндигина бажариб бўлган эдиларки, муюлишдан фашистларнинг юк машинаси кўриниб қолди. Партизанларни қутилмаган бу ҳолат шошириб қўйди. Машина эса яқинлашиб қолган эди... Кузовда бир-бирларига қапишиб ўтирган фашистлар қўллари билан Топиболдиевни кўрсатиб:

— Па-ар-ти-фа-ан! Па-ар-ти-за-ан! — дея қичкириб юборишди.

Душманлар бир-бирларига қапишиб ўтирганлари учун ҳадеганда қуролларидан фойдалана олмадилар.

— Ет, ўт оч! — дея буйруқ берди Симдянкин. Топиболдиев ҳам дарҳол пулемётдан душманга қараб ўт очди. Командир кузовга граната иргитди. Топиболдиев ва Иштокинлар ҳам шундай қилишди. Бир неча дақиқада гитлерчилар яқсон қилинди. Партизанлар душмanning ҳужжат ва қуролларини олдилар-да, ўрмонга яшириндилар.

* * *

1942 йилнинг ёзида партизанларнинг ҳаракат қилиш территорияси ўнлаб километрга чўзилиб кетган эди. Толочин районининг Воронцевичи кишлоғи ҳаракат майдонининг энг ичкарисида жойлашган бўлиб, ватанпарварларнинг ўзига хос «маркази»га айланган эди. Партизанлар оғир жанглардан сўнг у ерда хордиқ чиқаришарди. Қуяларнинг бирида Мамадали Топиболдиев олис разведкадан қайтиб, Жанговар бўғидаги партизанлар учрашадиган жойга бор-йўғи бир неча юз метр қолган эди. Бироқ, қаердандир, олдинда немис автоматларининг қисқа-қисқа ўт очган овози, нариги томонда эса, онда-сонда милтиқдан узилган ўқ овози қулоғига чалинди. Разведкачи ўйлаб ўтирмай, ўша ерга ошиқди.

Аслида воқеа бундай бўлган эди: немислар бир айғoқчилдан жанговар операцияга чиқиш кетган партизанларнинг марказда асосий кучлари йўқлиги тўғрисида маълумот олиб, Воронцевичи бўйлаб зарба беришни мўлжаллаб, яширин йўллар билан қичқоққа яқинлашган эканлар. Ҳўжалик заводидаги партизанлар узилган қўшиқлик кўрсатишган. Бироқ, фашистлар жангчиларимизни тобора сиқиш кела бошлаган. Агар Топиболдиев шошилинч етиб келмаганида, аҳвол танг эди. У душманга орқадан туриб ўз пулемёти билан зарба берди. Жанг майдонида 7 нафар жонсиз, 8 нафар ярадор солдатини қолдириб, душман галалари жуфтаникни ростлашди.

Партизан дўстларининг сўзларига қараганда, Мамадали разведкачи сифатида игна тешигидан ўтган ип сингари немисларнинг шундайгина бури тагида ҳаракат қилаверарди. Техника илмидан хабардор эмасми, бирортасининг қуроли ишдан чиқса, у ёқ-бўғини қавлаб, қайтариб қўлига тутказар, автомат ёки пулемёт нуқсонсиз «тилга» кирарди.

Топиболдиев топириқларни ниҳоятда масъулият билан бажарадиган жангчи эди. Шунинг учун зиммасига энг муҳим топириқлар юкланарди. 1942 йилнинг кузида ҳам худди шундай бўлди. «Чекист» партизанлар бригадасининг сафи бу пайтга келиб, ниҳоятда кенгайган бўлса-да, бироқ жанговар қўшинларимиз билан алоқа ҳали тикланмаган эди, буниинг имкони ҳам мавжуд эмас эди. Алоқа ўрнатиш мақсадида фронт чизигига алоқачи юборишга қарор қилинди. Қўпчилик бу ишни Мамадали Топиболдиев эплаши мумкин, деб топди.

Партизанлар алоқачиси ўрмон ва ботқoқликлар бўйлаб, фашист гарнизонларини

МАРДЛИК-МАНГУЛИК



айланиб, пистирмаларни четлаб, юзлаб километр йўл босди. Фронт чизигидан муваффақиятли кесиб ўтиб, Москвага етиб борди. У ерда Могилевшинадаги гитлерчи босқинчиларга қарши умумхалқ кураши тўғрисида ахборот берди.

У жангга — Белоруссиядаги партизан дўстлари хузурига талпинар эди. Бироқ миња-қўпурувчилик ишларини ўрганиш учун бу ерда маълум фурсат қолишга тўғри келди. Фақатгина 1943 йилнинг баҳорида алоқачи кадрдон бригадасига қайтиб келди. Партизанлар ўз жанговар дўстларини шодхурамлик билан кутиб олдилар.

Хамма янгликларни дўстларига сўзлаб берган Мамадали қайтадан партизанлар ҳаётига шўнғиб кетди. Энди у, — разведкага чиқишдан ташқари, — ёш жангчиларга портлатиш ишларини ҳам ўргатарди. Ва тез кунда темир йўл магистралларида, тош йўллар, душман гарнизонларининг оралигидаги муҳим объектларда кетма-кет портлашлар содир бўлди.

Таърибли разведкачининг ўзи ҳам бу операцияларда иштирок этишни дил-дилдан истарди. Рухсат берилгандан сўнг биринчи юришда Мамадали жасур ва ишончли кишининг грруппаси билан жўнаб кетди. Жангчиларимиз кулай лаҳзаларни пойлаш ва фашистларга кескин зарба бериш учун қарийб бир ҳафта вақт сарфладилар. Топиболдиев қўйган миња зарур жойда айни вақтида портлади. Фроннга йўл олган душман эшелони яқсон этилди.

Отряддаги Мамадали Топиболдиев ва Николай Каяновнинг жанговар ишлари тўғрисидаги ёзувлар билан бир танишинг-а:

27.9.43 й. Отряд разведкачилари ўртоқ Каянов ва Топиболдиевлар Толочин районидаги Свирия қишлоғи яқинидаги пистирмадан туриб, душманининг уч солдатини ўлдирдилар ва етти солдатини ярадор қилдилар.

12.10.43 й. Староселье яқинида босқинчилар жойлашган 3 та казармага ўт қўйилди. (Каянов, Топиболдиевлар бажаришди).

3.11.43 й. Оршанск районидаги Болев қишлоғи яқинида юк автомашинаси портлатилди. Офицер, кичик офицер, 7 солдат ўлдирилди. (Қўпурувчиликни Топиболдиев, Каяновлар бажардилар).

6.11.43 й. Разведкачи Топиболдиев ва Каяновлар Радча қишлоғи районида Круглое — Толочин шоссеси бўйлаб кетаётган қурола-яроғ ортилган юк машинасини портлатдилар. Беш гитлерчи ўлдирилди.

9.11.43 й. Разведкачилар Каянов ва Топиболдиевлар душманининг Толочин районидаги Воронецичи қишлоғида жойлашган 10 тонналик ем-хашак омборини ёндириб юбордилар.

14.12.43 й. Толочин районидаги Ветка қишлоғи яқинида душманининг автомашинаси портлатиб юборилган. 6 гитлерчи йўқ қилиб ташланган. (Бажарувчилар Топиболдиев, Каянов, Голубцов)...

* * *

1943 йилнинг ёзида Қизил Армия Орёл-Курск ёйида немис-фашист қўшинларини тор-мор қилди. Совет жангчиларининг қудратли зарбалари остида гитлерчилар тобора қарғаб қараб чекина бошлади. Фронт Белоруссия тупроғига яқинлаша борди. Партизанлар хужум қилиб келаётган Қизил Армия қўшинларига ёрдам қўрсатиш мақсадида ўз ҳарбий фаолиятларини янада кучайтирдилар. Душман эшелонларига хужумлар уюштирилди, йўллари портлатилди, партизан пистирмалари фашист қўшинларининг колонналарига қақшатқич зарбалар берадизилар. Гитлерчилар Совет қисмларини Днепрда тўхтатиб қолишни, уни эгаллаб бўлмайдиган маррага айлантиришни мўлжаллаётган эдилар. Шу мақсадда улар тубдан эшелонлашган ҳимоя чизигини вужудга келтирдилар. Муҳим коммуникация линияларидаги қўллаб аҳоли пунктлари



Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиболдиев тутинган онаси Анна Васильевна билан.

яхши мустаҳкамланган таянч нуқталарига айлантирилди.

Гитлерчилар ана шундай қалъаларни Толочин — Круглое — Могилев йўлидаги Пригани қишлоғида ҳам барпо қилишди. У каттагина террорини назорат қилиб, қўзга тушган чўпдек партизанларга ҳалакат беради. Партизанлар душман қалъасининг кулини қўққа совириш иштиёқи билан ёнардилар. «Чекист» бригадасининг разведкачилари — Топиболдиев ва Каянов ерининг ҳар бир қаричини кайта-кайта қўздан кечирдилар. Бироқ зарур маълумотларини қўлга киритиш имкони йўқ эди.

Ниҳоят, 1943 йилнинг 4 сентябрида кулай вазият юзага келди. Кундуз кунли соат икки. Пригани қўчаларида тирик жон қўзга чалинмади. Ўйларга қамалиб олган гитлерчилар шнабе ичиш билан овора эдилар. Фақатгина дарвозалар олдида соқчиларгина у ёқ-бу ёққа юришарди, холос. Шу вақтда Круглидан келадиган йўл бўйлаб немис формасидаги солдатлар колоннаси қўзга ташланди. Олдинда бўйинига автомат осган обер-лейтенант. Икки кадамча орқада эса автоматлар билан қуролланган таржимон ва адъютант келарди. Автоматлар ва гранаталар билан яхши қуролланган бўлима ҳар қандай кучни янчиб ташлайдигандек фикр тугдирарди. Орқада миномёт ва турли қуролли жиҳозлар ортан олти машина. Ҳар бир командир учун бундай «совга»ни қабул қилиб олиш ниҳоятда мароқли эди.

Рота қишлоққа яқинлашди. Энг четдаги уй ёнида турган соқчи обер-лейтенантга ҳеч берди-да, милтигини қўлга олиб, колоннага йўл бўшатибди. Очiq ойнадан шўхчан музика садолари таралар, оёқлар дупури эшитилар эди. Босқинчилар мириқиб дам олаётган эдилар. Партизанлар одимлашда давом этдилар. Қалъа дарвозаси ёнида колоннани немис комендант, унинг таржимони ва икки бўйчан солдат кутиб турарди. Обер-лейтенант унга яқинлашди ва немисчалаб:

— Жаноб комендант, 97 кишидан иборат отряд сизнинг ихтиёригизга келди. Пакетни топширишга рухсат берсангиз, — дея рапорт берди.

Немисча кийиниб олган партизанлар командири лейтенант Корпушенко, яъни «обер-лейтенант» дала сумкасида сўричланган пакетни тез ҳаракат билан олди-да, уни фашист офицерига узатди. Сўнгра бошини охиста чайкаб, ўз жангчиларига деди:

— Бошланглар!

«Меҳмонлар»нинг мутлақо улар кутган кишилар эмаслигини тушуниб қолган фашист комендант дарҳол тўппончасига ёпишди. Бироқ, автоматдан узилган ўқдан ер тинилади. Бошқаларнинг қисмати ҳам шундай бўлди.

Ана шу операциядан сўнг Мамадали Топиболдиев қўллаб бошқа жанговар опера-

цияларда ҳам иштирок этди. 1944 йилнинг июнида у ўзининг энг сўнгги жангини ўтказди.

Немис-фашист босқинчилари билан бўлган жангларда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун жасур партизан — ўзбек халқининг шоли фарзанди Мамадали Топиболдиев СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 15 августдаги фармонида буюган Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

У 1944 йилнинг окрида ўз она юртига ёруғ юз билан қайтди. Умрининг тўрт йили жангу жадалларда ўтган қаҳрамон қолхоз ишларига шўнғиб кетди. Кўп ўтмай бирлашган йирик хўжалик — «Коммунизм» қолхозига раис этиб сайланди. Уруш йилларида фронт ортидаги иқтисодий аҳвол ҳам аянчли эди. Энди жасур жангчи олдида қолхоз аҳлини юксак муваффақиятлар сари етаклаш вазифаси турарди. Коллектив кучининг аҳамиятини яхши англаган Мамадали Топиболдиев ишни меҳнаткашлар орасида тартиб-интизомни йўлга қўйишдан бошлади. Қолхоз эконоимикасини мустаҳкамлаш учун тарқоқ қишлоқ ва овуллари бирлаштириш, жамоатчилик биноларини тиклашни тезлаштиришга эътибор берди.

Қолхозчилар урушининг Ғалаба билан якунланганлигидан мамнун эдилар. Улар кўтаринкилик, фидокорлик билан меҳнат қилишарди. Қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган шифхона, дорихона, озиқ-овқат магазинлари каби жамоат бинолари қисқа вақт ичида бунёд этилди.

Буларнинг ҳаммаси қолхоз раиси Мамадали Топиболдиевнинг тadbиркорлиги билан бoғлиқ эди. Бу ерларда Зодиён, Омборобод аҳоли пунктлари қад ростлади. Хўжалик пахта, пилла, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича юксак кўрсаткичларга эришди. Бу хизматлари учун қолхоз раиси М. Топиболдиев Ватанимизнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига эга бўлди. Эндilikда қишлоқ Совети, Риштон районидаги қўчалардан бири, қатор мактаблар, ўнлаб пионер дружиналари Мамадали Топиболдиев номи билан аталади. «Коммунизм» қолхозида М. Топиболдиев ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил этилган. Шунингдек, Белоруссия ССРда қаҳрамон жанг қилган қишлоқларда, у озод этишда иштирок этган шаҳарларда мактаб, кўча, пионерлар дружиналарига ҳам жасур ўзбек фарзандининг номи берилган.

Айни кунларда «Коммунизм» қолхози меҳнаткашлари Мамадали Топиболдиев номи улуғлаб, барча соҳаларда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ

САВР ИНҚИЛОБИ ТАРОНАЛАРИ

Ашраф АЗИМИЙ

ДЎСТЛИК

Қанчалар ёрқин, чиройлидур фазои дўстлик,
Қанчалар форин эрур, дўстлар, ҳавои дўстлик,
Хар дам етганда қулоқларга садои дўстлик,
Хаста жонларга берар фарҳад навои дўстлик,
Арағтай гар айласам ман жон фидои дўстлик.

Дўстлик боғида бизлар бир баҳодир боғбон,
Бул чиройлик гунчаларга биз юракдан посбон,
Жон суви бирлан суғориб лаҳза-лаҳза, ҳар замон,
То жаҳон бор чакнасин, турсин ҳамиша яшнабон,
Қад кўтарсин кўк сари бул хуш бинои дўстлик.

Дўстлик недур, ёронлар? Қонимизнинг тўлқини,
Дўстлик бизга муҳаббат, биз анингдур мафтунни,
Дўстимиз дўстликда қоим, англасин дунё шуни,
Бизга қор қилмас бу йўлда ўзгаларнинг афсуни,
Чунки тарих бўйида биз ошнои дўстлик...

Бизга дўстлик халқи шўродан улуг бир армуғон,
Ушбу сўз ёрқин эрур билгай аниқ аҳли жаҳон,
Биз ниятга етмағаймиз ушбу йўлдан қайтибон,
Олга босгаймиз ҳадаф сари кадамни ҳар замон,
Халқ учундур негаким роҳат атои дўстлик.

Яшнасин дўстлик жаҳонда ваҳдати мардум билан,
Яшнасин бирлик жаҳонда улфати мардум билан,
Яшнасин тинчлик жаҳонда роҳати мардум билан,
Яшнасин тўқлик жаҳонда неъмат мардум билан,
Кўкка чиқсин байроғи сулҳи сафои дўстлик.

Муҳаммад Амин МАТИН

ИККИМИЗ

Бир чаманда яшнаган нехатли райҳон иккимиз,
Бир яқодан бош чиқарган сарви бўстони иккимиз.
Ҳар замон овозимдан янграгай, оҳанги сулҳ,
Халқ учун тинчликни истаб аҳд паймон иккимиз.
Яшнагай бу қўшнилик тобора дунё борича,
Асрларда бир тиник сойдан сув ичгон иккимиз...
Синдирилмаслар бизнинг паймонимизни ўзгалар,
Азми кескин, қалби жўшқин, кўкси қалқон иккимиз.
Икки дил, икки кўнгилдан бир ҳадаф чекмиш нур,
Бир тан ичра маскан ўлгон севгили жон иккимиз.
Икки тилдан бир биродарлик садоси келгуси,
Дўстлик гулзорида машхури даврон иккимиз.
Верди илҳом Инқилоби савримизга Октябрь,
Эл-улусга янги давронларни тузгон иккимиз.
Армуғон элнинг Матиндан ушбу мавзу номани
Икки ёру икки иногадек қадрдон иккимиз.

ЗИЕЛИ УСТОД

Навоийдур адаб йўлига устод,
Қилур эл кўнглини туйгулари шод.
Шири сўзлар ёзиб ўзбек тилида,
Қилибдур неча бир дурдона ижод.
Зафармандлик гўзал турмуш асосин,
Улусга сўз тили-ла қилди аршод.
Зиёли жомъе янглиг сочди нури
Анга парвона бўлди барча аҳфод.

Афғонистонда Савр инқилоби ғалаба қилганидан сўнг янги ҳаёт ва янгича ижод бошланди. Аввалги шоҳу вазирлар зулмидан эзилган меҳнатқашлар орасида билим ва қалами юзага чиқолмаётган ижодкорлар ҳам оз эмас эди. Эндиликда бу мамлакатда Савр инқилоби туғайли катта сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар афғон шоирлари томонидан қаламга олинмоқда.

Ҳозирги афғон адабиётининг илгор намоёндалари қаторида Сулаймон Лойик, Ғулом Дастигир Панжширий, Абдулло Бахтоний, Қавун Тўфоний, Селанмал Жувак ва бошқалар бор.

Афғон адабиёти — кўп миллатли адабиёт. Масалан, афғонистонлик ўзбек шоирларидан Ашраф Азимий, Қори Шарафиддин Шараф, Муҳаммад Амин Матин, Шогулом Аҳмадий, Зикрилло



Хунар¹ боғида яшнатти чекиб саи,²
Хунар севгучиларнинг маъшали Беҳзод...
Бу қутлуг асрининг ойдинлиғида,
Ватан абад ва мардум бўлди озод.
Навоий васфига ушбу замонда,
Езувчилар қилурлар гавҳари ижод.
Матин ҳам фахр айлаб бу ёзувда
Бу устод саҳнидин айлади ёд.

Қори Шарафиддин ШАРАФ

ХУШ РЎЗҒОР ЎЛДИ

Келинг, аҳли ватан, сизларга эмди бахт ёр ўлди,
Тушиб душманларингиз маснидидин хору зор ўлди.
Тараб майдонида жавлон қилинг хавфу хатарсизким,
Низом ва амният бу юртимизда барқарор ўлди.
Ажаб эрмас, агар сизларга рўшанлиг насиб ўлса,
Жаҳон бадҳоқларнинг кўзларига шому тор ўлди.
Келибдур, дўстлар, нашъу намо даври, олинг баҳра,
Ки моҳи савр фарҳат бахш сизларга баҳор ўлди.
Таажжуб қилмангиз дашту даман ранги қирмиз ўлса,
Шаҳидлар қони бирлан тоғу тошлар лозазор ўлди.
Еруғликка чиқибдур халқимиз бўлсин муборакким,
Кетиб дарду гам, ранжу алам хуш рўзғор ўлди.
Бу неъмат шукрини шому сахар вирди забон қилгил,
Шараф фатҳу зафар миллатга фазли кирдигор ўлди.

Зикрилло ШАРИҚ

«ЮЛДУЗИМ»

(Афғонистонда ўзбек тилида чиқадиган
«Юлдуз» газетасига)

Ярқираб кўк саридан чиқди бу тобон юлдузим,
Тийра бўлган мулк аро ёнди чарогон юлдузим.
Неча кунлар кўкслардин чиқмади бир оху дард,
Инқилобнинг файзидин бўлмади пинҳон юлдузим.
Миллиятлар ичра ёллар ташлади минг тафриқа,
Бирлашишдан кўп пайёмлар қилди эҳсон

юлдузим.

Қора йиллар ҳам ситам йўқ бўлди афғон юртидин,
Ким қоронгу узра чиқди, бўлди рахшон юлдузим.
Кўп қувонгил, эй Шарик, сен шеърят майдонида
Тенглигу эркин, саодатдан намоён юлдузим.

Акрам ҚИЗҒИН

ГЎЗАЛ СИНГЛИМ

Ёркин бўлди икболнинг, тургил эмди жавлон қил,
Кетди чўрилик даври, ўзлгинг намоён қил.
Қизни сота олмаслар кўнгли қаро инсонлар,
Порланиб улуг даврон келди, сайри бўстон қил.
Севикли гўзал синглим, сотмагай сени отанг,
Ол қалам бирла қоғоз, касби илм ва урфон қил.
Ўлжадошларинг бирла бирлашиб бажаргин иш,
Ўлжани бу йўлдан сен рашк боғу бўстон қил.
Барча Қизгин эҳсосли халқдек кураш айлаб,
Болта ва ўроқ олиб, ўзга бағрини қон қил.

¹ Хунар — санъат

² Саи — яхши, ажойиб

Шариқ, Осифа Шодоб, Акрам Қизгин ва бошқалар афғон адабиётини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Маданий мероснинг прогрессив ва миллий хусусиятларидан ижобий фойдаланиб, янги замон руҳини қуйлаш афғон адабиётига ҳос анъана тусини олган. Афғонистонлик ўзбек шоирлари битган асарларнинг тил ва услуби ҳамда маъмуни ўзига ҳос бўлиб, замон билан ҳамнафасдир. Бу ижодкорлар турли касб эгаларидирлар. Шу сабабли уларнинг бадий маҳоратлари ҳам турли-тумандир. Эътиборингизга афғонистонлик ўзбек шоирларининг шеърларидан баъзи намуналарни ҳавола этамиз.

Абдузхур АБДУАЗИЗОВ,
филология фанлари доктори, профессор

БАХШИНИНГ БАХТИ

ОТАЕР, Ўрол УТАЕВ

1962 йил, куз. Офтобда товланиб мезонлар учди... Самарканддан кайтаётган ижодий экспедиция йўлининг Бўкага қайрилишида тўхтади.

— Негадир оёғим шу ёққа тортаяпти, — деди ўрта бўй, миктигина киши. — Бўканинг бўз ерларини ўзлаштираётганлар — ўлкамизнинг турли томонидан келган ўтиюралар. Уларнинг орасида қашқадарёликлар ва самарқандликлар ҳам бор. Балки ораларида қулинг ўргулсин биронта халқ таланти топилиб қолар...

Машина Бўкага бурилди. Экспедиция йўлини ўзгартирган киши республикамиз фольклоршунослигида катта ишларни амалга оширган, ўша пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор секторининг мудири Ҳоди Зариф эди.

Экспедиция аъзолари район марказидан ўтиб, Ҳамаза номидаги колхоз чўлқуварлари ҳузурига ошқинди. Йўл ёқасидаги картада сув тутаётган, қуёшда қорайган, «меҳнатда суяги қотган» лиги тарзиданоқ билиниб турган кишини кўриб, Ҳоди Зариф хайдовчиға машинани тўхтаттирди ва деҳқонга сўз қилди:

— Ҳорманг! Бу йўл колхоз марказига олиб борадики?

— Бу Тошкент — Бекобод йўли, яқиндаям бу ерлар аталарди Бўка чўли, обод бўлди энди ўнгу сўли. Ҳар миллатдан эли бор, эгилмаган бели бор, — деди у лой оёқларини эгатдан сугуриб, меҳмонлар билан кўришар экан. — Колхоз маркази қочиб кетмас. Мана шу кўриниб турган бизнинг қишлоқ. Бир пайёла чой устида гурунглашиб, у ёқдан — бу ёқдан тиллашиб, дунё ишларидан кенгашиб кетсангизлар, бошим кўкка етарди.

Бахши табият бу одамнинг сўзларидан эриб кетган Ҳоди Зариф:

— Кишлоғингизнинг оти нима? Ўзингиз ким бўласиз? — деб сўради.

— Анали кўриниб турган қишлоқ Чалақудуқ, униси Галақудуқ, бўёқдагиси Олақудуқ, бизники эса Қорақудуқ. Отамни Хўжамберди дейишади, менинг исмим Чори, шу колхознинг бир пахтакори...

— Тўхтанг-тўхтанг, — деди олим, — сиз Хўжамберди бахшининг ўғли эмасмисиз?

— Топдингиз... Улар йўлга тушишди. Ҳоди Зариф ҳамроҳларига: «Айтмовдимми?» дегандай бир-бир қараб қўйди.

...Чори ака қўлига дўмбирани олди. Олимлар бир дунё бойлик

устидан чиққандай хурсанд эдилар. Ленин ва партия, меҳнат ва севги ҳақида термалар жараңлар, гоҳ аънавий дostonлардан айтилган парчалар дилларни мафтун этар, бахшнинг ширали овози олис-олисларга сингиб кетмокда эди...

Шу-шу бўлди-ю, Чори бахши хонадонидан олимлар пойқадами аримай қолди. Чори бахши ўзидан «Маҳмуд полвон», «Шароф мерган», «Дилором», «Жаҳонгир» сингари дostonларни, ўнлаб термаларни ёзиб олишганда бир қувонди, республика бахши-шоирлари конкурсларига қақирилиб, голиб чиққанида икки қувонди, марҳум олим Ҳамид Сулаймон унинг суратини чиздириб, уйига олиб келганида боши осмонга етди.

Чори бахши — меҳнат кишиси. У ўзи туғилган Қашқадарёнинг Уल्याнов районидagi Қозоқ қишлоғида эсини таниганданоқ меҳнат ва ижод тизгинини ушлади. Чори ҳам дўмбираси, ҳам беминнат меҳнати билан кишилар тилига тушди. Ёлнинг тўю маъракаси, қувончу ташвишлари Чорисиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

1951 йили партия ва ҳукуматимиз давлатига жавобан, кўрқирларни ўзлаштириш учун Чори бахши оиласи билан Бўка райониға кўчиб келди. Бўка чўли Чори бахшининг кўз ўнгига чирой очди. Бу ўзгаришлар жараёнида у сафарбарлар сафида бўлди. Дастлаб колхозчи, сўнгра участка бошлиғи бўлди. Мана, ўттиз йилдирки, у илгор бригада бошлиғи, тадбиркор-тажрибали пахтакор. Унинг фидойи меҳнатини улуглаб, партия ва ҳукуматимиз III ва II даражали Меҳнат шухрати орденлари билан мукофотлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Чори бахши Хўжамберди ўғли Ленин Ватанининг фазилатларини дўмбира куйига мос таразда тараннум этади:

Дохий Ленин бобом — тирик, ўлмайди, Экан гули яшна, сира ўлмайди.

Қанча терма, дoston айтсам бари кам, Лениндан айтсам, кўнглим тўймайди.

Унинг «Партия давлати» термаси эса Ленин ҳақидаги мадҳиянинг давомидай жаранглайди:

Партиянинг халққа зўрди ишончи, Рухий озиқ бўлиб халқнинг таянчи.

Меҳнаткашнинг ортида чексиз қувончи Мурожаат этти халққа партия.

Чори бахши тинчлик ва дўстлик ҳақида ҳам термалар яратди. Улардаги: «Осийишталик барча эллар тилаги», «Тинчлик деган етар охир муродга, уруш деган қолур бир кун уятга» каби мисралар дўмбира жўрлигида тингловчилар қалбини тўлқинлантиради. Шунингдек, бахши болаларни ҳам унутмади. У «Насихат», «Билим олинг» термаларида болаларни ростғўйликка, ҳалолликка қақиради.

Зеро, ҳалол ва беминнат тўкилган пешона тери инсон ҳаётини ҳам, турмушини ҳам гўзаллаштиришини Чори бахши ўз тажрибасида синади. Меҳнатдан топан фазилату қувончларини ёшлар билан ўртоқлашди. Унинг замонавий дostonлари ва термаларида чўлнинг ўзлаштирилиши мавзуи алоҳида ўрин тутади. «Жаҳонгир» дostonи шундай. «Эрка қиз» ва «Шароф мерган» дostonлари эса замонавий мавзудаги дostonлари кўламини кенгайттирди. Бахши куйлайдиган «Паҳлавон Маҳмуд» ва «Дилором» сингари дostonларда ҳам жонли, кишини ўйлантирадиган, ишонтирадиган, одамай фазилатларга ундайдиган ўринлар, образлар тигиз. Айни пайтда ихчамлаштирилиши зарур бўлган, сайқалталаб эпизодлар ҳам учрайди.

1985 йилнинг баҳорида, айни деҳқончилик ишлари бошланган де турганда, меҳнат ва ижод ветерани Чори бахши ўзининг 60 баҳорини нишонлади. Вахшининг, доно ва билимдон деҳқоннинг тўйи кўтаринки руҳда ўтказилди.

РАҚҚОСА

Инсон қалбига йўл топмок осон эмас. Бизнинг Дилафрўз Жабборов дилрабо рақслари билан юраклардан жой олди, дилларни мафтун қилди. Баҳорда Сурхон воҳасига борганимда «Ўзбекистон» совхозни чўнони, узоқ яйловларда кўй боқиб юрган Тошнйёз Усмонова шундай деган эди:

— Кенжа қизимга атайлаб Дилафрўз деб исм қўйдим. Машҳур раққоса Дилафрўз Жабборовага ўхшасин, дедим.

Тошнйёз сўзлар экан, худди шу кент, ям-яшил яйловда Дилафрўз Жабборованинг рақсларини томоша қилаётгандек юзи-кўзи яшнаб, хаяжонланиб кетди. Санъат сеҳри, Дилафрўз рақсларининг жозибаси чўнон аёл қалбини шунчалар тўлқинлантирган эдики, у мендан:

— Сиз Дилафрўз Жабборовани кўрганмисиз, суҳбатлашганмисиз? — деб сўради.

— Ҳа.

— Сўзлаб беринг Дилафрўз ҳақида.

— Дилафрўз рақс учун туғилган десам оз. Мактабда ўқиб юрганидаёқ пионерлар саройидаги тўғаракларга қатнашиб, рақс ўрганган. Кейин Тошкент хореография билим юртида, яъни раққосалар тайёрлаш мактабиде ўқиган. Устозлари Розияноним Каримова ва Ирина Александровадан рақс санъати сирларини ўрганган. 1967 йили ўқишни аълога тамомлаб, Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс ансамблига ишга қабул қилинган. Ана ўшандан бери Дилафрўз халқ хизматида. Қанча-қанча гўзал рақслар туффа қилди. Биринчи марта у бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг «Дил куйласин» куйига рақсга тушиб, кўпчиликни ўзига мафтун қилиб олди.

— Ҳа, — кўрганман, — дейди Тошнйёз, — имолари, қўллари — бир мўъжиза, кўзлари юлдуздек чарақлаб, шунчалар чиройли ўйнайди, худди қушга ўхшайди ёки оппоқ қабутарга. Чарх уриб, учиб ўйнайди. Капалакдек гул-

дан-гулга қўниб ўйнайди.

— Бундай гўзаллик, бундай жозоба катта меҳнатлар эвазига яратилади, Тошнйёз. Дилафрўз Жабборова — жуда меҳнаткаш, ўз ишига фидойи, тинмай изланадиган раққоса, камтарин инсон. У бундан беш-олти йил олдин катта рақслар гулдastasи яратиш орзуси борлигини айтган эди. Яратди. Яқинда телевизорда Дилафрўз Жабборова рақсларидан иборат фильм-концерт қўйилди. Кўргансиз-а? Элға маъқул тушди. Ўзбек рақслари қатори Дилафрўз рус, испан, араб ва бошқа халқлар рақсларини ҳам маҳорат билан ижро этди.

Яна сизга айтсам, Дилафрўз рақслари олам кезмокда. У Европа мамлакатларида, Осиё қитъасида, Африкада, Иттифокдosh республикаларда бўлиб, ўзбек рақслари жозибасини намоиш этди. Бир воқеани айттай. Дилафрўз Жабборова Ҳиндистонда бўлганда «Раққоса», «Гулрўх» рақсларини ижро этиб, зўр олқишлардан сўнг сахна орқасига ўтганда, ҳинд балетмейстерларидан бири:

— Сизга хиндча рақсни ўргатиб қўяйми? — деб таклиф қилди. Дилафрўз рози бўлди. Меҳбон ўзбек раққосасининг нозик ҳаракатларига, имо-ишораларининг мазмундорлигига, оёқларининг илдамлигига қойил қолган эди. Дилафрўз икки кун тинмай ишлаб, шўх хинд кизи рақсини ўрганди ва ўша ернинг ўзида томошабиларга намоиш этиб, олқиш олди.

Ҳа, Дилафрўзнинг рақслари бахт ва висол ҳикоясидан иборат. У севилян қиз нозини, гуллар очилишини, шаббадолар ўйинини рақсларида ифода этади. Юрагига сизматан нозик, ўтти тугўллари рақс тили билан айтиди. Дилафрўз Жабборова гўзал рақслари туғайли Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотиға, республикада хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. Ўтган йили эса унга Ўзбекистон ССР халқ артисти деган юксак унвон берилди.

...Тошнйёз узоқ яйловларидан гўзал раққосага саломлар йўллаб қолди.

Санъат МАҲМУДОВА




Ўзбекистон ССР халқ артисти, раққоса
Дилафруз Жабборова.




Куй сахри.

Р. Готов фотолари



Г. ЗИЛЬБЕРМАН. ТОШКЕНТ НОНИ.



Тарих сирдошлари...

Р. Готов фотоси

Т. ЖАМОЛИДДИНОВ. АБДУРАҲМОН ЖОМИИНИНГ
«БАҲОРИСТОН» АСЛИГА ИШЛАНГАН СУВРАТ



Т. ЖАМОЛИДДИНОВ. ШОИРА ЗЕБУННИСО ШОГИРДИ БИЛАН.






Ижод оғушида (геология-минералогия фанлари докторлари Ҳамза Миркамолов ва Мамажон Эгамбердиев).

ЎзССР Фанлар академиясининг биорганик кимё институти лаборатория раҳбари, химия фанлари доктори Абдусаттор Абдукаримов.

Б. Мизрохин фотоси



Ҳадимий қўлёзмалар...

Р. Готов фотоси



Самарқанд музейида сақланаётган XI асрга оид дирҳамлар.

Б. Кочнев фотолари



А. АБДУЛЛАЕВ. Ҳамза номидаги
ЎзССР Давлат мукофоти лауреати,
шоир Эркин Воҳидов.
В. Дубровский фотоси



Тор манзараси.
Р. Готов фотоси

Сураат



ХАДИЧА буви роса терлади. «Шуни ичмасам ўламаним, энди ичмаганим бўлсин», деб оқ гардин чойнакнинг копкоғини очиб қараган эди, гуп этиб хушбўй буг чиқдию, тагида кип-қизил чой кўринди. «Кел, увол бўлмасин, ичиб қўяқолай», деди ўзига ўзи.

Қип-қизил юзидан тер қуйилар, каттагина оқ дастурмоли билан тинмай артинар эди. Нимадир эсига тушди шекилли, бўйинини чўзиб, деразадан ташқарига қаради. Ариқ бўйидаги ҳали ўрилмаган чирмовуқ билан шўра худди занг босган симдай қорамтир тусга кирибди, олма дарахларининг барглари сарғайиб, чанг босиб кетибди. Уларнинг шу аҳволга келиб қолганига ачинаганидан, бориб ҳар биттасини ҳўл латта билан авайлаб артиб қўйгиси келди. Кунгай томондаги новдаларнинг олмалари қизара бошлабди. Маккажўхорилар попути тушиб, сўтаси сарғайиб қолибди. Кунгабоқарлар худди бировдан уялгандай бошларини эгиб турар, пилиб кетган памилдориларни эса товуқлар чўқишар эди. Хадича буви ичида: «Ха, харом ўлгурлар», деди. Памилдори ҳам ўзи бу йил роса бўлди-да. Бир ўзи қанча ям ерди, дейсиз. Қайиниси Чалабойнинг болаларига: «Мана буни териб олинглар», деган эди, улар: — Ўзимизда ҳам кўп, — деб қайрилиб ҳам қарашмади. «Садаган кетай тўқчилик-эй, — деб қўйди Хадича буви ичида. — Кўз тегмасин-да. Ҳаммаёқ маъмурчилик».

У кўчани энди кўраётгандай узок тикилиб қолди: қилт этган жон йўқ. Молхона деворининг соясида ётган сариқ теватнинг тили осилиб, икки буйри булқиллайди. Анчайин оромсиз «гуг-гуг, гуг-гуг»лаб юрган мусичалар ҳам дарахларнинг қалин япроқлари орасига кириб олиб, миқ этмай ўтирибди. Фақат қардадир чигиртка тинмай чириллади. Чилла чиқмаган пайт. Дала-туз иссиққа бардош беролмай пинакка кетган.

Теварак-атрофидаги бу сокинликни кўриб, Хадича бувининг ҳам уйқуси келди. Утирган ерида камзулини бошига қўйиб, энди қийшайган ҳам эдики, кўчада биров қичқиргандай бўлди. У бошини кўтариб кулоқ солди.

— Фото! Фотосурат!

Ҳозиргина жимжит бўлиб турган кўчага одамлар ёпирилиб югуриб чиқмишди.

Район маркази бу ердан анча олисда, бирорта бегона одам келгудай бўлса, ҳаммаининг кўргиси келади. Бу унча-мунча одам эмас, фотограф-суратчи! Суратчини

ким кўргиси келмайди дейсиз? — Э суратингни худо кўтарсин! — деб Хадича буви камзулига яна бош қўйди. Шу пайт тунов кунини мана шу суратчи келганида, Оқшай деган овулдоши ёшлигидаги суратини бериб, каттайтириб олгани эсига тушиб кетди.

«Бачкана бўлмай ўл! — деди Хадича буви лабини буриб. — Ҳозирги пўрм ёшларга ўхшаб суратини чолининг ёнига осиб қўйганига ўлайми! Шармандалик-ку бу! Тагин иккала суратнинг ҳам хошиясига кашта тикилган лунги осиб қўйганига қуяйми, шону шавкатингдан ўргидим!»

Хадича буви ўзича Оқшай кампирни қанчалик кесатиб-муқатмасин, овулга келган суратчини кўргиси келиб, ўрнидан қўлга олди. У дом-дараксиз кетган Мақсуднинг кичкина суратини каттайтириб олишни анчадан бери кўнглига тугиб юрган эди. Ўзи район марказига олиб бориб каттайтириб келай деса, оёқ-қўли чакқонгина қиз бола эмаски, чопиб бориб келса. Кейинги кунларда тиззаси тушмагур сирқирайдиган одат чиқарди. Бели ҳам тез-тез огриб туради. Мана шунинг ҳаммасини уруш пайтларида ялангоёқ сув кечиб, қор кечиб лавлаги сугорганидан дейишяпти. Ҳаммаси мана энди чиқяпти.

«Излагани олдидан чиқди, дегани шу эмасми? Бу нима ётиш?» — деб у ўрнидан турди-да, сандигининг тагида боғлоғлик турган қоғозлар орасидан суратни олиб, ёруққа тугиб кўрган эди, худди Мақсуд тирилиб келгандай бўлди-қолди: унинг кўз ўнгига пешанаси ярқираган, қовоқлари бўртиб чиққан бўз йигит намоён бўлди.

Бу суратга катта уруш арафасида тушган эди. Бунгача Мақсуд отлик аскарлар қаторида Халхингол урушида иштирок этиб, овулига қайтгач, овулдошлари унинг от қулоғида ўйнайдиган чавандозлик ҳунарини кўриб, ёқа ушлашган эди. У чопиб бораётди, отнинг бағрига шўнгир, яна чапдастлик билан отнинг устига чиқиб олар эди... Шундай қилиб, овулга отнинг қашқасидай танилиб юрган кезларида мана шу Хадичага дуч келди...

— Вой бевафо дунё-ей! — деб хўрсинди Хадича буви суратни рўмоли билан авайлаб артаркан.

Молхонанинг қўланқасида ётган Мойлиёқ Хадича бувини кўриб, занжирини шилдиратиб ўрнидан турди. Думини ликиллатиб, бирон нима таъма қилгандай бўлди. Хадича бувининг қўлида овқат эмас, қоғоз эканлигини кўргач, думига ёпишган итлашшани қувлаб чир-чир айланди. Пашшаси тушмагур унга осонликча тутқич бермади, овора қилди...

Суратчи Хадича буви олиб келган суратга бироз қараб турди-да:

— Бу сеники бола? — деб сўради.

— Ҳой, яшшамагур, эсинг жойидами? Бу менинг эрим! — деди Хадича буви жаҳли қичиб.

— Меники ўйлаган, бу сеники бола, — деди суратчи хижолат бўлиб. — Сен, ўйламай, ўйинг билан қўш мазор бўлгур. Қара бунинг гапини! Буни катта қилиб бер тагин бирор ерини бўзиб қўйма!

Хадича бувининг бунақа қаттиқ гапирадиган одати йўқ эди. Мақсуд ёшгина бўлатуриб, ўзининг қариб қолгани алам қилиб

кетди-да! Аслида қозоқлар: «Қўшилганинг билан қўша қари!» деб бекорга айтмасалар керак-да.

Унинг бу ачиқ-тиззик гапларидан суратчининг жаҳли чиқай дедю, аммо, билиб-билмай шўрликнинг ярасини тирнаб қўйганини сезиб, ўзини босди. У Хадича бувига қараб қолди:

— Сеники эр билан тушган сурат бор?

Бу савол ҳам Хадича бувининг нозик жойини тирнаб ўтди.

— Вой шўрлик, унақа сурат йўқ. Сен ҳам қаёқдаги гапларни сўра экансан-ку. Икковимиз ана бориб тушамиз, мана бориб тушамиз, деб юрганимизда катта уруш бошланиб кетмадим, ахир? У пайтларда турмушга чиқадиганлар ҳозиргиларга ўхшаб куёви билан ёнма-ён суратга тушишга уялишарди. Ҳозир яхши бўлди: бошлари энг аввал суратда қўшилди...

Суратчининг Хадича бувига раҳми келиб кетди. У Мақсуднинг аскар кийимида тушган суратини ушлаганча бироз ўйланиб қолди.

— А, сеники қиз пайтда тушган сурат бор? — деб сўради бир маҳал.

Болаларини кўтариб олган ёш келинлар, бола-чака суратчини ўраб олиб, қизқичиб қараб туришар эди: «Хадича бувининг қизлик пайтидаги сурати нима учун керак экан-а?»

Хадича буви беихтиёр Мақсуднинг суратига қўлини чўзиб: — Ха, қиз кунимдаги суратим сенга нима учун керак бўлиб қолди? Мен унда ёлғиз ўзим тушмаганман-да, битта дугонани билан бирга тушганман. Вилмадим, сандикда ётган бўлса керак-ов, ёв олармиди? — деди. У негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда Мақсуднинг суратига қўлини чўзганча турарди.

— А, сен подружка икков тушган сурат олиб кел, а? — деди суратчи.

— Уни нима қиласан, жоним-ов? — деди Хадича буви суратга чўзилган қўлини ҳалиям тортмай.

— А, сен олиб кел, а. Кейин кўрасан...

— Мени бошингга урасанми, шўрлик-ов. Ундан кўра манавини яхшилаб каттайтириб бер, — деди Хадича буви Мақсуднинг суратини кўрсатиб.

— Варибир сен ўзингники суратни олиб кел, — деб суратчи гапида туриб олди.

— Айтганингдан қайтмайсан... — деб Хадича буви уйига кетди ва бир вақтлар дугонаси билан тушган суратини олиб келди.

Суратчи бир икки дугона қучоқлашиб қулиб туриб тушган суратга, бир Мақсуднинг сурати-



Н. Иброҳимов чизган расм.



Охунжон ҲАКИМОВ

ОТАХОНЛАРГА

Ўтса қошингиздан ёшлар гуркираб,
Бўй-бастига боқиб, тилайсиз камол.
Оппоқ соқолингиз учини бураб,
Ёшликнинг шахтидан қолиб ҳайрон, лол,
«Яшанг, болаларим, ўлманглар», дейсиз,
«Қатордан ҳеч хато бўлманглар», дейсиз.

Обрўсини кўриб, тилайсиз обрў,
Ҳурмат қилганларни юрасиз алқаб.
Иссиқ чехрангизга туриб рўбарў
Ёшлар кўзида ҳам шу калом балқар:
«Мумтоз отахонлар, замину замон,
Бизнинг бахтимизга Сиз бўлинг омон».

Бир оғиз сўзингиз ўзи бир сабоқ,
Ҳар бир ўгитингиз адо этмоқ — фарз.
Бизларга бош бўлиб оқшому сабоқ,
Тинмай инсонликдан бераверинг дарс!
Яшангиз оламнинг ўзайди узоқ,
Ноб туйғуларни кўммасин тупроқ...

Ёшлик — гижинглаган тойдёк ўйноқ,
Гоҳида йўлидан тойиши аниқ.
Таассуфда бир бор кўйсангиз боқиб,
Ақл равшан тортар ва кўзлар тиниқ...
«Одам бўл» — шу фақат фикру зикрингиз,
Гоҳо манглайларга чертиб турингиз.

Гар уй бўм-бўш бўлса, чидамоқ мумкин,
Ахир, одаммаси уйнинг зийнати.
Отахонлар саси келмаса лекин,
Билмадим, қанчадир бу уй қиймати?
Тўрт муча зарурдай ҳар бир инсонга,
Нафасдай зарурсиз ҳар хонадонга!

Умр деганлари — ўткинчи нарса,
Истардим, кўрсангиз чинор ёшини.
Фарзандлар ҳамиша эшитиб турса,
Қўлдаги асонгиз тўқиллашини.
Бир сўз ҳаёлимга маҳкам бўлмиш жо:
«Ўлманг, отахонлар, ўлмангиз асло!»



АРТИБ ҚҶЯИ ЕШИНГНИ

Йиғлаган гўдакни кўриб қолсам ногоҳ
Жимирлаб кетади баданам.
Юрак этар мени бир нимадан огоҳ,
Ўз-ўзидан тўхтар қадамим.

«Нега йиғлаясан, менинг жажжи укам?»
Этиламан аста ёнида.
...Ошнаси коптогнни олиб қочган экан
(Копток болаларнинг жони-да!)

«Шунга йиғладингми,
вой полвон-ей», — дейман,
Оҳиста артаман кўзини.
«Йиғими? Йиғини, укам, мен кўрганман,
Терс айласин йиғи юзини!

Қирғинбарон бўлган, ундан беҳабарсан,
Билмайсан у нима эканин.
Жажжи юракларга солар эди ларза
Бу хабар...
«Қора хат» дегани!

У қирган ҳар уйни макон этди қайғу,
Заққум берди, дилни тиглади.
Вутун бир мамлакат болаларини у
Бирваракай зор-зор йиғлатди!

У кунлар даҳшати хотирдан ҳеч ўчмас,
Сўзлаш билан бўлмас адоғи.
Уруш учун қанча керак бўлса кўз ёш,
Уни бизлар тўқканмиз чоғи!

...Коптогнни олиб қочибди-да, ошнанг...
Парво қилма, кўтар бошингни.
Кулар экансан-ку... Шошма, укам, шошма,
Аввал артиб қўй ёшингни!»

Фаргона.



га тикилди. Шундан сўнг Хадича
бувиға қараб, негадир бошини
чайқаб кўйди.

— Нима, ўхшамаяпманми? —
деди Хадича буви. — Ишонма-
япсан-да, а? Мана бу — менман.
Мана бу — Ўлбўсин. Тенг ўсган
эдик, бир партада ўтириб ўқиган
эдик, бирга комсомолга ўтдик.
Бир овулнинг қизлари эдик.
У мендан бурун турмушга чиқиб
кетди. Бу суратга Ўлбўсиннинг
тўйидан сал олдин тушганмиз.
Иккаламиз ҳам хурсанд бўлиб
кулиб турган эканмиз. Ҳадемай
уруш бошланишини қаёқдан би-
лмбиз... Ўлбўсиннинг ҳам эри
урушга кетиб, қора хат келди...
Елғизгина ўғли бор эди, ҳозир
ўша ўғли азамат бўлган. Ўлбўсин
ўғлининг кўлида... Бу ҳам яхши.
Ўрнида бор ўнгалар, дегани шу-
да!

Суратчи олдидаги юзларини
ажин босган, қади эгик кампир
билан суратдаги яшнаб, кулиб
турган қиздан умумий ўхшашлик
қидириб биров турди. Аввалги
учкун кампирнинг кўзидагина
қолганини сездим...

келди. Одамларнинг буюртмала-
рини олиб келиб, қўл-қўлига топ-
ширди. Ҳамма хурсанд.

— Ие, илгаригидан ҳам чирой-
ли бўлиб кетибсан-ку, — дейи-
шарди улар бир-бирларига.

Бу суратчининг бир одати:
суратга тушган ким бўлишидан
қатъий назар, уни ҳозирги мода-
да кийинтириб қўяди. Илгари сен
чакмон ё камзул кийиб тушган
бўлсанг, энди ўша суратинг кат-
тайтирилганда яхши костюм, оқ
кўйлак, ажойиб галетук тақиб
тушилган бўлиб қолади.

Хадича буви ҳам боди бор
оёғини судраб босиб, зўрга етиб
келди. Суратчи дарҳол картон
қозғога ёпиштирилган патнисдай
расмини унинг қўлига тутқади.
Хадича буви аввалига суратдаги-
ларни танибмал қолди. У юз-
кўзларини, пешанасини ошиқмай
рўмоли билан артиб, суратни
ўзидан узокроқ ўшлаб қаради.
Пешанаси тиришиб, қошлари ке-
рилди. Кўзини юмиб-очиб яна
тикилди.

«Бу қанақаси бўлди?» дегандай
ёнидагилар ҳам ажабланиб қараб
туришар эди.

— Ие, Хадича, куёвинг сенга
тескари қараб қолдиби-ку. Нима
бало, иккаланг уришиб қолганла-
ринида тушганмисанлар? — деди
Оқшай кампир.

Худди мана шу сўзни Хадича

бувининг ўзи ҳам суратчиға
айтмоқчи эди, аммо, Оқшай кам-
пирнинг кесатигидан кейин фик-
ри ўзгарди. Энди у суратчиға
қараб:

— Қарашо, қарашо! — деб
қўйди.

«Жанжал қилмаса эди», деб
чўчиб турган суратчиға жон кир-
ди. У Мақсуднинг илгариги сура-
тидан нусха олиб, устидаги аскар
кийими ўрнига янги костюм, оқ
кўйлак кийдирибди, галетук тақ-
дирибди. Аммо фуражкасига те-
мабди. Фуражкасини олиб қўйиш
қийин бўлибди: уни олса, юз
кўриниши бузилар экан.

Шундай қилиб, Мақсуд суратда
қирқинчи йилларнинг ҳарбий фу-
ражкасинию, етмишинчи йиллар-
нинг модадаги костюминини кийиб,
жиддий йиғит бўлди-қолди. Ке-
йин суратчи Хадича билан Ўлбў-
син иккови кулиб туриб тушиш-
ган суратдан Ўлбўсинни кесиб
олиб ташлаб, унинг ўрнига Мақ-
судни қўйди-да, катта қилиб қай-
та кўчирди. Илгари Ўлбўсин
билан бошлари бир-бирига тегиб
турган Хадича мана бу суратда
сал эрига тескари қарагандай
бўлиб қолди; Мақсуддан қочиб-
роқ турибди. Хадичада нима-
дандир хафа бўлган эрини юпат-
моқчи бўлиб тургандай бир ҳолат
бор эди.

— Жоним-ов, қачон тушган

эдинглар? — деди Оқшай кампир
ҳайрон бўлиб.

— Хабаринг йўқмиди ҳали,
Оқшайбону, — деди Хадича буви
ёғинасида шилдираб оқаётган
сув бўйидаги терак тағига ўтираё-
тиб. — Ҳов анавинда, тўйимиз ўт-
ганидан сўнг тушмабмидик? Та-
лай марта кўрган эдинг-ку. Эсинг-
дан чиқибди-да? Ҳа, сенларга
ўхшаб деворда иккаламиз икки
ерда осилиб турганмиз йўқ.
Минг шукурки, ҳаммаша бирга-
миз...

Бу гал Хадича бувининг тову-
ши ўқтам чиқди. Оқшай кампир-
нинг руҳи тушиб кетди: кўрини-
шидан худди олчи турган ошиқ
соққа тегиб пукка тушгандай
ҳолатда эди.

— Мана, каттайтириб ол-
дим, — деди Хадича буви сурат-
ни рўмоли билан авайлаб артар-
кан. — Тўрга осиб қўяман. Минг
қатла шукур, ҳаммаша биргамиз...
Ҳой суратчи, — деди у бирдан
товушини балад кўтариб. — Ма-
на бундан яна биттасини тушириб
бер. Тулкибошдаги қизимга юбо-
рман, қарашо?

Оқшай кампирнинг нафаси
ичига тушиб кетди. Аммо, кетаё-
тиб негадир лабини буриб қўйди...

Қозоқчадан
Носир ФОЗИЛОВ
таржимаси

Навоийнинг

«Лисонут -

тайр» асари



Алишер Навоийнинг энг мураккаб асари, эпик шеърятининг қонуний якуни «Лисонут-тайр» достонининг насрий баёни нашрдан чиқди¹. Бу достон ҳақида ўз фикрини айтмаган йирик навоийшунослар кам. Совет шарқшунослигининг йирик намойидаларидан бири бўлмиш Е. Э. Бертельснинг 1928 йилда чоп этилган «Навоий ва Аттюр» мақоласидан кейин бу асарни ўрганиш соҳасида кўп ишлар амалга оширилди, ўзбек классик адабиётининг Олим Шарафиддинов, В. Зоҳидов, И. Султон, Воҳид Абдуллаев, А. Ҳайитметов, С. Ғаниева, Н. Маллаев каби билимдонлари бу асар ҳақида ўз тадқиқот ва кузатишларини эълон қилдилар. 60-йилларда «Лисонут-тайр»нинг III. Эшонхўжаев томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни босилиб чиқди. Охириги йилларда бу достонга бўлган қизиқиш кучайиб бораётганига далил қилиб, 1978 йилда ушбу асар бўйича бир йўла икки кандидатлик диссертацияси ёқланганлигини эслаб ўтish киёмиздир.

Дарҳақиқат, «куш тили ишорати» билан битилган бу ажойиб қомусий асар тадқиқотчилар томонидан турлича баҳолаб келинмоқда. Бунга мазкур достоннинг мажозий услуби ва унда Ўрта аср шарқ шеърятининг ўзига хос хусусиятлари жамланганлиги сабабдир. «Куш тили», яъни рамзий тил билан битилган бу асар — «Лисонут-тайр» Фариддин Атторнинг суфиёна-пантеистик «Мантиқут-тайр» асарига татаббу-жавоб тариқасида ёзилган. Унинг асосий сюжети 65 ҳикоятни ўз ичига қамраб, ажойиб бир қосинили тасвир тусини олган. Унда шоир биографиясига оид ишораларга ҳам, социал, ахлоқий, суфиёна, фалсафий ва бошқа турли масалаларга ҳам ўрин берилган.

Асарнинг бош ва етакчи образи Симуург — китобхон савияси, дунёқараши, салоҳиятига қараб — гоҳ олий маънавий хилқат — гўзаллик ва камолот тимсоли, гоҳ етишиб бўлмас олий қудрат тарзида гавдаланиши

мумкин. Албатта, кўп маънолик бу асарнинг асл моҳиятини ташкил қилади ва бу услуб адабиётнинг энг ёрқин анъаналари руҳидадир. Асардаги ярқ этиб кўзга ташланувчи Ўрта аср шарқ адабиётининг яна бир кучли бадиий анъанаси хайратомуз муболага қудратидир.

Муболагага асосланган турли поэтик санъатларнинг чекланган шаклларида ташқари, умуман муболага принципи мавжуддирки, Ўрта асрлар жаҳон адабиёти учун етакчи услубий хусусиятлардан саналиши мумкин бўлган кенг маънодаги муболага принципи Европа адабиётида Гартантхо ва Пантатгрюэль қиёфалари, «Ламанчлик қайғули рицар» Дон Кихотнинг қаҳрамонлик саргузаштлари ва бошқалар тимсолида намойён бўлса, Шарқда бунинг мисоллари янада беҳисобдир.

Биз муррак Алишернинг «Мантиқут-тайр»га оташин муҳаббати ҳақида ўйга чўмар эканмиз, юксакларда кенг қанот ёзиб парвоз этаётган бургут сари ҳавас билан талпинётган тийрак полопон кўз олдимизга келаверади. Ҳали у Фариддин Аттор шеърӣ оламини ўткир танқидий нигоҳи билан қайта кўриб чиққанича йўқ, бироқ тугма даҳоларга хос ички шуур билан унинг улугворлигини, атрофдаги мавжуд маънавий муҳитга нисбатан парвози жуда юксак эканини ҳис этади, унга ҳавас қилади, жондидан интилади. Навоийшуносо олимимиз Иззат Султон бу ҳолатни «дахонинг илк ўйрониси» деб жуда чиройли атаган эди. Аммо полопоннинг қанотлари қотмаган ҳали, қалб қўри энди учқун олабошлаган пайт.

Шунинг учун узок йиллар Навоий улуг Фариддин Аттор асарини фақат таржима қилишнинггина ороу этади. Кейин орадан кўп йиллар ўтади. Еш Алишер ҳаётнинг машаққатли довларидан сабот ва чидам билан ўтиб улғайди, ички маънавияти юксак камолотга кўтарилди. Юрагиди эрта уйғонган парвозга интилиш элга, инсониятга бўлган ёлқинли меҳр алангасига айланади. Шеърятига ундан сачраган шароралар кишилар қалбига ўт ёқади. Шеърят бобида бутун турк улусини яққалам қилиб, «Ҳазонул-маоний»нинг тўрт девонини ва «Ҳамса»нинг беш достонини ёзиб тугаллади. Устод Жомий унга ҳавас қилади. Энди

унинг қанотлари етти қават осмонни ҳам ёриб ўтишга қодир, юрагиди аланга қуёшга айланган. Энди «Мантиқут-тайр»нинг оддий таржимаси Навоийни қониқтирмайди, унга жавоб-татаббу ёзиши зарур.

Албатта, «Вадоеул-бидоя»дан «Лисонут-тайр»гача босиб ўтилган ижодий йўл ўзининг маълум тақомил поғоналарига эга эканлиги ўз-ўзидан равшан. Даҳолар ижодий тақомилида баъзан сониялар асрлар қудратига эга бўлади. «Ҳар бир фикронимни бир достонимда жо қилганман», дейди шоир. Демакки, Навоий бадиий тафаккури генезисининг энг олий нуқталаридан бўлмиш «кушлар тили» билан битилган достони унинг ғазалларида ифода қилган рангин дунё билан, китъа ва рубоийларидаги ҳикматлар ганжинаси билан, таржуман («Харобат аро кирдим ошуфта ҳол») ва соқийномаларидаги руҳий ҳолатлар, Мажнун изтироблари ва Баҳром саргузаштлари, Фарҳоднома ва Искандарнома қаҳрамонларининг чўнғ ва чигал камолот йўли билан ич-ичидан, томир-томирдан пайванд бўлиб кетганлиги ва ўшалар замиридан табиий ўсиб етишганлиги шубҳасиздир. Бахт қуши — Симуург излаб йўлга чиққан қушлар тақдир «Асрорнома», «Мусибатнома» ва «Ўштурнома»лар силсиласидаги «Мантиқут-тайр» образлар дунёсидан кўра Фарҳод ва Хусрав, Искандар ва Чин хоқони, Баҳром ва Шопурлар тақдирига кўпроқ боғлиқ эканлигига эътибор қилмаслик мумкин эмас.

Навоий қушлар саргузаштини уларнинг ўзаро маълум ижтимоий уюшув («ижтимоий тақдим ва таъхир») учун эҳтиёж пайдо қилганлари, бироқ тартиб бўлмагани сабабли пастрлар баланд ва баландлар паст жойлашиб, ўртада низо чиққан даҳадан бошлайди. Бу низои ҳал қилишга ожиз қолган паррандалар бир адолатли шох бўлганда, қийинчилик бартараф бўлди, деб умид қилдилар ва шу фурсатда Ҳудхуд орага тушди. Бироқ Аттор асариди раҳбар, йўлбошловчи бўлмиш бу образ Навоий асариди маълум маънода зоҳирӣ воситага айланиб қолади. Навоий достонининг суякли бош қаҳрамони Ҳудхуд эмас, Симуургдир. Қушлар Симуургга интилади.

Навоий ўз гоғларини турли ишоралар, композицион восита-

лар ва, айниқса, ҳикоятларнинг ўзига хос жилолари асосига қурган. Шу сабабли, бизнинг назари мизда асардаги ҳикоятларни нафақат алоҳида таҳлил қилиш, балки ҳатто композицион ўрин алмаштириш ҳам мумкин эмас. Баъзи навоийшунослар «Лисонут-тайр»да улуг шоир таржимаи ҳолига тааллуқли чизгилар ва шахсий кўнгил дардлари изхори-ни кўради. Дарҳақиқат, асарнинг кириш қисмида бу нарса маълум даражада сезилади. Лекин асарни бутунисича автобиографик ёки шахсий кўнгил изхори сифатида талқин қилиш уни муайян қобикқа тикиштиришга уриниш бўларди, албатта. Зеро, муқаддимадаги ҳикоя қилинган ҳаётӣ лавҳа бу «сеҳрли тилис»нинг биринчи эшикларини очувчи қалит вазифасини ўтайди.

Маълумки, Навоий, «одил шох» образини, янада аниқроқ қилиб, ўз тили билан айтсак, «дарвеш-шох» тимсолини ёшлиқдан бирга ўсган дўсти Султон Ҳусайн Мирзо қиёфасида реал ҳаётда яратмоқчи бўлган ва бу йўлда ўз умрининг энг қимматли даврларини сарф этган эди. Аммо натижа шоир кутганидек бўлиб чиқмади. Зеро, бу теурийзода ҳам ўз даври, ўз тоғифасининг фарзанди эди, ўзи келиб чиққан феодал гуруҳларга таянарди, яъни айрим маърифатпарварлик майлларидан холи бўлмаган феодал ҳукмдор эди ва шу сифатда иш олиб борарди. Даҳони — келиб чиқиши жиҳатидан, зоҳиран, ўзи мансуб ҳисобланган табақанинг интилиш ва манфаатлари қолиплариға асло сифатан улуг гуманист шоирни бу сифат мутлақо қониқтирмас эди. Ҳусайн Бойқароннинг феодал табақа доираларида урф бўлган барча қабиҳ иллатларга тобора муккасидан кетиши, бунинг оқибатида унинг хонадониди юз берган фожиялар, ота ва ўғил, оға ва инилар орасидиғи тинимсиз қонли тўқнашувлар, айниқса Навоийнинг бу сулоладаги сўнги умид учқуни — Мўмин Мирзонинг бобоси қўли билан маъв этилиши шоир руҳини бекиёс ларзага солган, ҳаёт ва жамият ҳақидаги ўзи илгари ҳам унча бовар қилмаган гоғларини чил-чил этган эди. Бу изтироб алғии, аччиқ ўқинч «Лисонут-тайр»нинг ҳар сатрида яққол намойён бўлиб туради.

Дарҳақиқат, «Лисонут-тайр»нинг ёзилиш даврига келиб,

¹ Алишер Навоий. Лисонут-тайр (куш тили). Насрий баён муаллифи III. Шариф. Масъул муҳаррир С. Ғаниева. Ғ. Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984 йил.

эл дарди билан ёнган Алишерни на афсонавий Искандар қониқтира олар эди, на реал Хусайн Бойқаро. Шундай экан, зоҳиран қараганда, «Мантikut-тайр»нинг осмоний мистикаси айни мудоа бўлиши мумкиндек. Аммо буга Навоийдек улуг арбоб ва бадий тафаккур ҳақосининг бутун умр йўли, унинг катта ижтимоий фаолият тажрибаси ва ўз илдири билан реал воқеликдан бир дам узилмаган беҳудуд поэтик олами бутун борлиги билан қарши туради. Натижада, зоҳирий пантеизм қобигида машаққатли ва ҳайратомуз янги дунё ҳеҳраси ёришиб келади. Навоий ўз мислсиз журъдининг ниҳоятда жиддий, бениҳоя машаққатли эканини қалбан ҳис қилади, у бунга қайта-қайта таъкидлайди, китобхондан уни тушунишда ўта эҳтиёткорлик талаб қилади. Достоннинг «қушлар тили» билан баён қилиниши, ундаги асл мазмуннинг жуда ичма-ич қобикқа ўраб берилиши, асарнинг бошидан охиригача тараддуд зилзиласи билан чулганганлиги, Худхуд тилидан ҳар қадамда ўлимга тайёр туриш лозимлигининг қайта-қайта такрор этилиши — ҳаммаси Навоий журъдининг нақадавр юксак парвоз этганлигидан ҳамда шу билан бирга бу интилишда оёқ остидаги реал заминдан узилиб кетиш хавфи шоирни чексиз изтиробга солаётганлигидан нишона беради.

Ахли башарнинг идеал ижтимоий уюшув сари интилиши унинг ҳар бир аъзоси маънавий камолоти билан узвий боғлиқ эканлигини адабиёт қадимдан ғайри шуурий бўлса ҳам ҳис этиб келган. Туркийзабон адабиётнинг биринчи атоқли вакиллариёқ социял ва ахлоқий масалаларнинг ўзаро боғлиқлигига асос-этиборини қаратган эдилар. Юсуф Хос Ҳожиб бу масалага бағишланган улуг китобини «Қутадғу билик» — «Бахт келтирувчи билим» деб атади. Аммо туркий эллар аро феодализм жамияти энди мустаққил шаклланиб келаятган бу кўтарилиш босқичида муаммо адолатли шох ва унинг доно маслаҳатчилари диққат марказига қўйилган тарзда ҳал қилинган ва бу — ўз

даври учун табиий ҳол эди. Одил шох, дарвеш-шох ҳақидаги орзулар сароб эканлигини англаб етган Навоий қушларнинг маъжозий образларини яратиш воситасида, халқнинг ўзига мурожаат қилади.

Алишер Навоий айтади: «Ҳар бир киши ранг, нақш ва бўёқдан — ўзлigidан чиқмай туриб, бундай ишни қилиши мумкин эмас».

Эй Фоний, сен ҳам ҳақдан ана шундай йўқлик тила! Бу хил йўқ бўлиш билан абадий борлиқни қўлга киритасан!»

Шундай қилиб, Навоий матида тасаввуфнинг кўплаб одатий терминлари мутлақо бошқача маъно касб этади, ташқи томондан Аттот ва Навоийда учурчи бир-бирига ўхшаш ҳикоятларнинг ботиний принциплал фарқи яққол билинади.

Масалан, Мажнун ҳақидаги ҳикоятда Аттот талқини бўйича Ошиқ ўз Лайлисини қидириб, йўл бўйида тупроқ элаб ўтиради. Унга: «Сен нега маъшумангни тупроқ ичидан қидираясан?» дейишса, «Мен уни қаердан бўлмасин, қайси йўл билан бўлмасин излай бераман, топсам, бас», деб жавоб қилади. Бу ҳикоятни албатта фақат пантеистик илоҳий ишқ маъносидagina талқин қилиш мумкин.

Навоийда ҳам Мажнун ҳақида бир неча ривоят учрайди. Уларнинг ҳар бири ташқи жиҳатдан юқоридаги мотивга маълум даражада мос келади. Масалан, даштда ўзи билан ўзи сўзлашиб кетаятган Мажнундан: «Ким билан сўзлашмоқдасан?» деб сўрашса, «Лайли билан», деб жавоб беради. «Ахир у сендан жуда узокда-ку», дейишса, Мажнун: «Эй, гофил, у менинг жонимдан ўрин олган!» деб жавоб қилади.

Искинчи бир ҳикоятда Қайсдан отини сўрашса: «Лайли» деб жавоб беради. Яъни Навоий ишқ йўлида ўзидан кечиш гоёсини ҳамisha инсоннинг ўзга реал инсонга меҳри планида ҳал қилади ва пантеистик гоё аслида фақат қобик даражасига тушиб қолади. Ишқ тушунчаси «Инсон-утайр» ҳикоятларида баъзан қиз-йигит орасидаги табиий муносабатлар тарзида ҳам талқин

қилинади. Ҳатто ҳолат аниқ бўлин учун шоир ўз одатига хилоф густохликка ҳам йўл қўйиб: «Ҳам йигит муштоқ, ҳам қиз мухтож бўлиб, улар юзга-юз, оғизга-оғиз қўйганча ётар эдилар. Қолган галларни ҳам шунга қиёс этса бўлади», деб очик таъкид беради. Айниқса, бу батафсил ҳикоят тариқат йўлининг олтинчи манзили «ҳайрат водийси» таърифига мисол тарзида келтирилган ҳисобга олинса, Навоий маънавий камолотни асло таркидунёчилик деб тушулмагани аён бўлади. Бироқ шоирнинг асосий этибори бу каби оддий турмуш воқеаларида эмас, у суфийна пок ишқ тушунчасини инсонларнинг бир-бирига бўлган ва ҳар бир комил инсоннинг бутун инсониятга нисбатан бўлган ёниқ дил меҳри маъносида талқин этади. Ушбу улуг ва табаррук тушунчани оддий халққа тушунарли тил билан етказиш учун ошиқ-маъшуклик йўлидаги жонфидойликлар тасвирига тасмиллий ифода сифатида кўп ўрин беради. Достоннинг марказий эпизоди бир тарсо қиз ишқиде дину имонидан кечиб, Қуръонни ўтга ёндирган исёнкор ошиқ Шайх Санъон саргузашти шу жиҳатдан жуда характерлидир.

«Ишқ сўнмас бир машъалдир», дейди Навоий, унинг акси эса худбинлик, манманлик ва кибрдир. Узгалар ғамини ёйиш инсонга ўз ғамини енгиб ўтиш учун ёрдам беради. Инсоният камолоти учун кураш йўлида, одамийлик йўлида одамлар ғамини ёйиш мардларнинг йўл озигидир. Бундай ғамдан «муҳаббат аҳли» шод бўлади. Навоий лафзидеги «ўзлик бандидан халос бўлмоқлик» гоёсини ҳар инсон учун маънавий камолотда худбинлик, ўз шахсий манфаатларида умуминсоний манфаатларни устун қўймоқлик, кибру ҳавонинг барча кўринишларида фориглик маъносиде тушунмоқ лозимдир.

Машҳур тасаввуф термини «ваҳдат» тушунчаси ҳам, Навоий талқинининг умумий руҳидан келиб чиқилса, инсонларнинг қайси дин, қайси гуруҳга мансублигидан қатъий назар ўзаро меҳр асосидеги бирликка эришуви маъносига айланади ва идеал

ижтимоий уюшувнинг энг асосий омилларидан бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Навоий рамзи жуда чуқур социял маънога эга. Унинг назидеда бахт камолотга етган, ваҳдатга эришган инсонларнинг ўз қўлида, Бахт қуши — Симуург — маънавий камолот йўлининг бутун машаққатларини енгиб, меҳр алаңасиде ўзаро бирикиб кетган инсонларнинг — рамзий ўттиз қушининг — ўзидир. Энди уларга шох ҳам, оллоҳ ҳам керак эмас: «Эшик очилиб, ичкари кирганинде, унда на куфр, на дин қолади, уларнинг барчасидан қутулсан», деб уқтиради Навоий.

Аммо Симуург машаққати — оғир ва беҳудуд. Ҳали унга етгунча, инсоният беш юз йилдан ортик йўл босмоғи, «бошдан-оёқ ғам манзили» бўлмиш бу жаҳоннинг «ҳар дам юз минг дарду алам» офат ва маломатларга тўла неча водийларини кечиб ўтмоғи керак эди. Ҳали «бу водийлардеги манзиллардан ҳеч ким хабар берган эмас» эди.

«Ботирларнинг довораклиги — ҳаёт ҳикматидир!» дейди Максим Горький тасвиридаги кекса чўпон — доно чол Нодир Раҳим ўғли. Навоий бу ҳаёт ҳикмати бутун қалби билан ҳис қилган улуг курашчи эди. Унинг юрагидеги буюк гуманистик меҳр, инсонларни, элни, башари ятни бахтга етказишга бўлган худудсиз истак — даҳо қўсидеги порлоқ алаंगा — уни Симуург машаққатини ўз зиммасига олишга мажбур етган эдики, бутун ижоди, ижтимоий фаолияти бунинг исботидир. Алишер Навоий сиймосини кўз ўнгимизга келтирганда, устод Горький яратган ушбу манзара беҳтитар тасаввуридеда жонланади:

«У бирдан кўксини ёрди, ичидан юрагини юлиб олиб, боши узра балад кўтарди...

— Юринлар! — деб ҳайқирди-ю, ёниб турган юрагини балад кўтариб олдинга тушди...»

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ, филология фанлари кандидати, Тошкент Олий партия мактабининг катта ўқитувчиси



Бу воқеа Петропавловскдеги Тельман номи колхозда содир бўди. Тракторчи Н. Карпенко юлчючи механизаторда эски гарамдаги халқини тиркалма аравага ортаётган эди. Тракторчида ёрдамлашаётган колхозчи Н. Токарева кузовга халқини энди жойлаётган пайда чинқирган товуш эшитилди.

Бу, гарам орасиде ором олаётган, автокловчи «чангали»даги халқ билан кузовга тушган тўнгиз эди. Тўнгиз халқ жойлаётган аёлга бир тикилди-да, бордан сакраб тушиб қочиб қолди.

Ҳа, бу жойларда тўнгизлар учраб туради. Ёввойи ҳайвонлар учун ҳам нукулай келган ўтган қаттиқ қишда қўшни «Тихий Дон» колхозиде ёш тўнгизлар галаси озук ахтариб ҳўжалик фермаларигача келишди. Шунингдек, қишда буғи сингари бошқа ҳайвонлар ҳам озук ташвишида қишлоқларга бир неча бор келдилар. Бу жониворлар, гарчи ёввойи бўлсалар-да, инсон саховатига умид боғладилар. Одамлар эса бу

ҳайвонларни фермалардеги маккажўхори сўтаси каби тўйимли озук билан сийладилар.

Цеце пашшаси

Тадқиқотчилардан бири цеце пашшасини «Африка вабоси» деб атади. Бу бежиз эмас. Бу қанотли қароқчиларнинг бир неча зоти Африкадаги етти давлат территориясининг 15-даража шимолви ва 21-даража жанубий кеңлигиде кўп тарқалган. Бу бир ҳужайрали паразитлар уй ҳайвонлари касалликларини кўплаб тарқатмоқда, қишлоқ ҳўжалигига ҳам катта зиён етказмоқда, энг ёмони, киши-

ларни уйку касаллигига дучор қилиб, ҳар йили 20 мингга яқин кишининг ёстигини қурутмоқда.

Африкада қанотли қароқчиларга қарши кураш асри-мизининг бошларида бошланган эди. Ушунда касалланган ҳайвонлар ёппасига отиб ташланганди. Лекин бу чора қутилган натижа бермади. Кейин эса махсус препарат (инсектицидлар)дан фойдаланилди. Сўнгги вақтларда махсус асралган қопқонлар ва ҳашаротларни зарарсизлантириш усули қўлланилмоқда.

Цеце пашшасида қарини курашда Зимбабведа маълум натижаларга эришилди. Масалан, бу мамлакатда цеце пашшалари шимолӣ районларга ҳайдаб юборил-

ди. Нигерияда ҳам катта территорияда уни йўқотиш чоралари қўрилди. Лекин цеце пашшаларини тўла йўқотиш қийин бўлаётир.

Зимбабвенинг Хараре шаҳрида яқинда худди шу муаммога бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда одамхўр пашша хуруж қилган барча мамлакатларнинг, шунингдек, Африка бирдамлиги ташкилотининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жаҳон Соғлиқни сақлаш ҳамда Озиқ-овқат ва Қишлоқ ҳўжалик ташкилотларининг вакиллари иштирок етдилар. Семинарда бутун китъа миқёсиде умумий куч билан цеце пашшаси қарши курашини уюштириш масаласи кеңг муҳокама қилинди.

ОРА-БОРА юлдузпар бинолар кўпайиб, шаҳарлар қиёфаси яна ҳам ўзгариб боради. Қуни кеча ясси томларни тўлдириб, алвон бўлиб очилган лолақизгалдоқлар, ҳовлима-ҳовли оқиб, ялпиз ва райҳон бўйини уфуриб ўтган ариқлар, туш сингари, ўтмиш қаърига сингиб кетади. Аммо авлодлар учқур даврлар нафасини, садарайҳону гул-сафсарлар ўсган ҳовуз бўйларини, улар этагига ўрнатилган сўриларда ўтириб, тан-бур наволарини тинглаган оппоқ яхтали мўйсафидларни, Навоий ва Лутфийнигина эмас, балки, назаримда, уларнинг олис шогирдлари — Ҳабибий ва Чархий ғазалларини ўқиб ҳам кўз одилларига келтирадилар.


Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий ўзбек классик шеърятининг сўнгги ва янги ўзбек адабиётининг дастлабки намоёндаларидан бири эди. Ҳабибийнинг ғазал ва мухаммасларида бугунги даврнинг гоёлари тараннум этилади, айна пайтда бу асарларнинг ҳар бир сатридан классик шоирлар руҳи, уларнинг вазмин ва ёкимтой овози жаранглаб туради. Дарҳақиқат, шоирнинг сўзи дутор пардаларидан кўтарилган садо-лардек чертма: гоҳ энгил бир ҳазил, гоҳ латиф бир хотира, гоҳ устозларга таъзим — унинг сўзларида товланган ранглар шулар эди.

Ҳабибий — ўзбек шоирлари орасида энг узоқ умр кўрган сиймолардан бири. Яна беш йилдан кейин унинг таваллуд тоғганига бир аср тўлади. Шоирнинг ана шу умр чўққисини забт этишига атиги бир неча баҳа қолган эди, холос. Аммо тўксон йил яшаш ҳам ҳазил эмас. Шоир умри давомида икки тарихий даврни, халқнинг тарихий тақдирида рўй берган инқилобий ўзгаришларнинг барча тўлқинларини ўз кўзи билан кўрди.

Андижон областининг Пахтабод районида бир қишлоқ бор. Бир пайтлар Қўқонда истиқомат қилган аҳолининг катта бир гуруҳи замона зайли билан шу ерга келиб қолган. Улар шу ерда, Собир Абдулла айтмоқчи, «шоирлар шаҳри, фозиллар фаҳри» бўлган Қўқоннинг кичик бир тимсоли ҳисобланган қишлоққа пойдевор қурганлар, уни она тупроқ шаънига Қўқонқишлоқ деб атаганлар. Улар шеърят ва мусиқага айрича ихлос қўйган ҳамшаҳарларнинг ўлмас анъаналарини янги заминда давом эттирганлар. Ҳабибий 1890 йилда шу қишлоқда олам юзини кўрди. Шу қишлоқда у Маҳжурий, Зокирий, Бимий сингари нуқтадон шоир ва шеърхонлар билан танишиб-топишиб, улар билан бирга илми арузни, шеърини санъатларни, қофиянинг ранго-ранг оламини ўрганди. Маҳаллий созанда ва хонандалар билан гуфтори мулоқат эса, унинг нафосат тўғрисидаги, ғазалиёт тўғрисидаги тушунчаларига янги бир нур бағишлади. Хуллас, у Қўқонқишлоқда туриб, худди Навоий, Лутфий мактабида, Гулҳаний ва Муқимий мухитида, Фурқат ва Завқий ижодхонасида сабоқ олгандек, устоз шоирлар ижодининг сирини асридан хабардор бўлиб ўсди.

Классик шоирлар иззат қилинган мухитда, одатда, бирор асаргина эмас, балки унинг кичик бир «ғишти», шу асар оламини бамисоли юлдуз янглиг ёритиб турган бирор ташбех ҳам баҳс ва муҳокамаи уйғотади. Зеро, ғазалда муайян мундарижа ва гоё мавжуд бўлгани ҳолда шоир маҳоратининг бош мезонини белгилайдиган ёрқин ва сирли образлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу образлар гоёга хизмат қилиш билан бирга мустақил ҳаёт кечириши ҳам, шеърхонларнинг диди ва дилга ором бағишлаши ҳам лозим. Шунинг учун мухлислар Навоий, Фузулий ва Бедил байтларининг мазмун-моҳиятини асрлар давомида талқин этиб келадилар.

Ҳабибий билан бир бор суҳбат қурган киши унинг устоз шоирлар қаламидан тўкилган заррин сатрларни ёд ўқиб, улар магзини қақишга уринганини яхши билади. Унинг ўзи ҳам ғазалларида устозларнинг фосоҳату балоғатидан, зарофату маҳорати-



Ўзбекистон ССР халқ шоири ҲАБИБИЙ

дан баҳраманд бўлган дилини тўқишга уринади.

Шоирнинг қайси бир ғазалини мисолга олманг, унда Советлар замони, советлар юртининг образи жилва сочиб туради. Айна пайтда, шоир бу давронга, бу юртга ҳам замондошларни, ҳам эгзу кунлар орзуси билан яшаган салафларининг нигоҳи билан боқ-қандай бўлади ва бу юртининг чиройига тўймай, унинг тавсифига сўз тополмай, ўз муҳаббатини ғазалдан ғазалга ташиб юради:

Эй ғўзал гулистоним, хушхаво
кишинг, ёнинг,
Баҳр олурга ҳар фаслинг —
янги-янги пардозинг...

Ҳабибий ўз юртини гулистон деб атайди, уни гулруҳсор аёлга муқоёса этади. Унинг шоирона мушоҳадасига кўра, она юрт табии-тадидаги фаслар алмашуви шу аёл чехрасида-ги кунма-кун ўзгариб турувчи пардозлардир. Бу пардоз аёл жамолига ҳар сафар янги бир ёғду бағишлаганидек, ҳар бир фасл ҳам юртимизнинг руҳсорию янгича бир шуқуқ сингдиради. Демак, унинг киши ва ёни ҳам, қуви ва баҳори ҳам ғўзалдир. Вояги байтдан ана шундай ғўзал бир маъно уфуриб туради.

Аммо шоир, шунга қарамай, ҳар бир фаслнинг ўзига хос фазилатларини ҳам теран ҳис этади. Мана, у навбаҳор келиши-дан қувониб, ёр-дўстларини муборакбод эт-моқда:

Дўстлар, қиш кетдию келди
муборак навбаҳор,
Жилвагар бўлди ҳамал буржида
хуршид ошкор.

Шамсия йил ҳисобига кўра, баҳорнинг илк оғи — ҳамал 22 мартдан эътиборан бошла-нади. Шоир бу мисралар орқали баҳор қуёши

(хуршид)нинг ҳамал буржида жилва бера бошлаши билан дўстларни қутлайди. Сўнг, навбаҳор белгиларини — маржон каби шеър-ий сатрларга тизади.

Ҳабибий худди шу фазилати — шеър-ий овози ила Октябрь ўлкасига хизмат қилиши, халқни социалистик меҳнатга даъват этиши, янги ҳаёт тароналарини қуйлашга интилиши билан ўз салафларидан фарқ қилади. Унинг ижодида ўша аруз, ўша анъанавий шакллар, ўша дилбар садолар ҳукмрон бўлгани ҳолда, асарлари негизини янги мундарижа ташкил этади.

Мана, унинг ижодидаги куз тасвири. Бугунги ўзбек шоири учун куз аввало пахта терими билан боғлиқ умумхалқ ҳаракати авж олган фаслдир.

Шоир пахтани зар ва гавҳарга муқоёса этади, шу билан бирга уни экиб ундирган кишиларни заргарга ўхшатади. Натижада пахта ва пахтакор мавзулари ўзаро узвий ва нафис алоқада бадий ечимини топади.

Ана шу тарзда Ҳабибий воқелигимизни ўзига хос нигоҳ билан кўрди, замон ва замондошларга бўлган муносабатларини ифодалаш орқали, ҳаётни, эзгуликни, гўзалликни қуйлаш орқали воқеликда рўй бераётган жараёнларга аралашди, ундаги янги ва ижобий кулчларни, майлларни, интилишларни тасдиқлади.

Ҳабибий ва умуман арузнавис шоирлар учун яна шу нарса муҳимки, улар ғўзаллик шайдоси сифатида майдонга чиқадилар. Ҳаётдаги ғўзалликни, умуман, яшаш лаъзати-ни туйиш улар ижодида етакчилик қила-ди. Улар қаламига мансуб асарлардаги ёр, май каби образларни айнан тушунмаслик керак. Улар бу анъанавий образлар орқали ўзларидаги яшаш шавқини, бутун умрга татирли баҳор, ёшлик ва муҳаббат фаслини қуйлаб ва алқаб келдилар. Ана шу нафосат туйғуси уларнинг асарларига, тунги юлдуз-лар янглиг сочилиб, ажиб бир манзарани юзага келтиради.

Ҳабибий ғазалларида ранг-баранг сўз ўйинлари, шеър-ий оҳанг ва мусиқанинг қилма-хил мақомлари мавжуд.

Ғўзал бир меҳрибон маҳбубу маъшук
нигорим бор,
Ғам эрмас қоқишу андуху қайгу,
ғамгузорим бор.

Билимли ҳамнишини мунису улфатларим
бирла
Буюқ, озода, олий кишвару шахру
диёрим бор...

Бу ғазалнинг қайси бир мисраини олманг, ундаги сўнгги уч сўз бир маънони ифода-лаб келади. Шоир маънодош сўзларни таъкид-лаш орқали поэтик фикрни қучайтиришни кўзда tutади. У гўё ҳар бир мисрадаги етакчи фикрни, бош сўзини уч хил ранг билан безатгандек бўлади. Ўзбек тилининг бойлиги-дан у ана шу мақсадда истифода этади.

Ҳабибий — овоз ва ғўзал ўлканинг қуйчи-си. Унинг бутун ижодида шу ўлка таронала-ри фавқуллодда катта ўрин эгаллайди. Шу-нинг учун ҳам у бир ғазалида: «Дам-бадам ўқир мадҳинг, жонга бахш этиб роҳат, турли-турли хушхонлар, булбули хушвозинг», деб ёзган эди. Ҳа, Ҳабибийнинг ўзи ҳам — деб диёрининг хушвоз булбулларида бири. Ўйлаймизки, унинг девонини беэза турган ғазаллар ҳали узоқ йиллар давомида шеър-ят мухлисларига роҳат бағишлайди.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати



ОШКЕНТ шахрининг марказида ўтган аср меъморчилик ёдгорлиги бўлган бино таъмир этилиб, унда ғаройиб музей — Антик-заргарлик фонди очилди.

Гарчи бу Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг филиали ҳисобланса-да, экспонатларнинг юксак бадий ва тарихий қиммати мазкур масканни алоҳида музей деб аташга тўла ҳуқуқ беради.

Антик-заргарлик фондининг мавжуд 10 та залида кўрғазмага эрамиздан аввалги Х асрдан тортиб, то эрамизнинг XIX асри иккинчи ярмигача бўлган даврларга мансуб 1000 дан ортиқ экспонатлар қўйилгандир. Улар орасида кўплаб заргарлик безаклари, зардўзлик санъатининг ҳайратомуз гўзал нусхалари, нафис, чиройли мис ва чинни идишлар, музыка асбоблари бор. Бу гўзаллик намуналарига боқиб, беихтиёр халқ истеъдоди тўғрисида, аjoyиб санъат усталарининг қандай муҳитда етишиб чиққанликлари, уларнинг ижодий маҳсулотлари асрларни доғда қолдириб бизнинг давргача етиб келганлиги ва халқнинг юксак

тиллақошларга ўхшаб кетади. Умуман тилла ва тилла суви буюмлари энг аввало Ўрта Осиёда кўплаб ясалган, чунки тўй безаклари — исирга, узук, билагузук, тиллақош, зебигардон каби бир қатор тақинчоқлар келинлар, асосан зодагон оила қизлари сепида бўлиши шарт ҳисобланган.

Кўрғазмада турган узук, билагузук, исирга, тиллақош, зебигардон каби безакларнинг ҳар бири жуда ноёб, чунки уларнинг бошқа нусхаси йўқ, ягонадир.

Қадимги замонда ўзларини ҳақиқий ижодкор ҳисоблаган заргарлар бир марта ясаган безакларни қайта такрорлашни ор билганлар. Бу коидага нафақат заргарлар, бошқа санъат усталари ҳам амал қилганлар. Маҳаллий бойларнинг зардўзлик кийимларидаги безаклар ҳам бир-бирига ўхшамайди. Бухоро залида кўрғазмага қўйилган тўнлар, этиклар, белбоғлар, ҳарбий чакмонлар, аёлларнинг дўппилари ва пешанабандларидаги зар безаклар халқ усталарининг юксак маданияти ва истеъдодларидан, нозик бадий дидларидан гувоҳлик беради.

Зардўзлик усталарининг ишлари юксак баҳоланган, зар билан

эрамиздан аввалги Х асрга мансублиги аниқланди. Мана, қора бахмал узра нилуфар гули нусхасидаги иккита исирга. Аниқланишича, улар бир-бирига қанчалик ўхшамасин, бир жуфт эмас экан. Биттаси Самарқанд области (Чекка қалъаси)дан, иккинчиси эса Сурхондарё области (Мўминобод қалъаси)дан топилиган.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги Г. А. Пугаченкова экспедицияси томонидан Сурхондарё областида топилиган Далварзинтепа хазинаси — «тилла хазина»нинг фахри ҳисобланади. Мазкур буюмлар ўза бадий ва тарихий қимматиға кўра Ўрта Осиё территориясидаги антик даврга оид энг катта топиладир, у асримизнинг бошида топилиган ва аynи пайтда Лондондаги Британия музейидан жой олган, машҳур Амударё хазинаси билан тенглаша олади.

Далварзинтепа бизнинг эрамизгача бўлган IV асрдан, то эрамизнинг II асригача ҳукм сурган Кушон давлатининг энг катта ва бой шаҳарларидан бири ҳисобланган.

Далварзинтепа хазинаси бадавлат кишининг уйидан топилиган бўлиб, унинг эгаси шошилинича

асрлар ҳозирги Жанубий Қозоғистон территориясида яшаган сак қабилалари услубига мансуб экан. Бу услуб яна «ёввойи услуб» деб ҳам аталади. Чунки унда кўчманчи қабила аъзоларининг ҳайвонларга бўлган муҳаббати ўзифодасини топган. Бу таъсир жуда ҳам кучли бўлган ва то XIX асргача сезилиб турган. Бу ҳақда Антик-заргарлик фонди намоиш залига Хоразм области ва айниқса Қорақалпоғистон АССР томонидан қўйилган заргарлик безаклари гувоҳлик беради.

Антик-заргарлик фонди оз вақт ичида Тошкент шахрининг гавжум зиёратгоҳларидан бирига айланиб қолди. Бу ерда турли саёхатчилар, чет эллик сайёҳлар меҳмон бўлмокдалар. Тошкентликларнинг биродарлари Скопел шахрининг делегацияси биринчилардан бўлиб музейни зиёрат қилдилар.

Швейцариялик сайёҳ аёл музейда бўлгач, шу каби хазиналарнинг сақланиб қолганлигидан ҳайратга тушганлигини яшириб туролмади. Унинг тасаввурича, бу бойликлар ҳаммаси ё албатта йўқ этилиши ёки чет элларга олиб чиқиб кетилиши керак эди. Шу

ГЎЗАЛЛИК — ХАЛҚ МУЛКИ

маданий савияси, бадий диди, миллий анъаналарга содиқлигига гувоҳ бўлиб турганлиги ҳақида ўйга толасан.

Қадимдан Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси, Хоразм ва Шахрисабда усталарининг шухрати бутун жаҳонга таралган. Ҳар бир область халқ санъатининг — ҳоҳ у заргарликми, ҳоҳ мисдан зарб қилишми, гиламдўзлик ё меъморчиликми, рақс ёки музыка санъатими — ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик экспонатларнинг жойлаштирилишида ҳисобга олинганлиги, залларнинг — Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона заллари деб аталишида ҳам яққол кўриниб турибди. Заргарлик безаклари эса кимга қарашлилигига қараб, аниқроғи шу безаклар эгасининг ёшига қараб ҳам фарқ қилади. Ёнг қимматбаҳо ва тانتанавор безаклар албатта келинчаларга атаб тайёрланган. Келинларнинг сепидаги ҳар хил тақинчоқларнинг қиммати ҳамда сони оиланинг моддий мавқеини белгиллаган ва кўпинча авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Бундай безакларнинг удум бўлиши Ўрта Осиёдан чиққан ва бошқа ёқларга ҳам тарқалган. Рус халқида удум бўлган «русские кокошники» деб аталадиган пешанабанд безак ўз шакли билан

тикилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган тўнларни элчилик совғалари сифатида олиб юрилганлиги ҳам бежиз эмас. Бундай совғаларнинг айримлари Иван Грозний, Пётр I, Шаҳзода — Иоаннларга ҳам юборилган. Мазкур совғалар аynи пайтда Кремлдаги қурол-аслаҳа палатаси кўрғазмаларида ҳам сақланаётир.

Тошкентликлар «тилла хазина» деб аташга улгуришган ертўлага тушиб борамиз, бу ерда юксак бадий ва тарихий қимматга эга бўлган ноёб безаклар кўни олади... Мазкур антик давр санъат асарлари Ўзбекистон археологлари томонидан ҳар хил вақтда Чекка, Мўминобод, Иштихон ва Далварзинтепа каби қалъалар ўрнида олиб борилган қазилмалар пайтида топилиган. Бу қалъаларнинг ҳаммаси Искандар Зулқарнайн империясининг емирилишидан кейин юзгага келган ва босқинчилар билан бўлган жанглар пайтида мудофаа қалъалари хизматиға ўтаган. Тинч ҳаёт даврида эса қарвонлар кўниб ўтадиган марказлар вазифасини бажарган.

Бу қалъалардан топилиган топиломалар ичида Чекка хазинаси — тилла тангалар, исиргалар ва бошқа олтин буюмлар энг қадимий ҳисобланади. Уларнинг

кўпол ишланган кўзага кўпроқ буюм ҳошилаш ниятида, кўзанинг ингичка бўйнига сиймаган баъзи тақинчоқларни узиб, ҳатто синдириб жойлаштирган. Мутахассисларнинг аниқлашича, хазинанинг ҳамма бойликлари ҳинд усталарининг иши бўлиб, эрамизнинг I асри 60-йилларидаги Шимолий Ҳиндистонга қилинган Кушон юришидан ҳарбий ўлжа сифатида келтирилган. Бу заргарлик буюмларида, кхарошти тилида уларнинг вазни, ишланган вақти ва асл олтиннинг нисбати ёзиб қўйилган. Ёзувларни ўқиб олимлар, антик даврдаги Шимолий Ҳиндистон ўлчов системаси билан танишишга муваффақ бўлдилар. Бу ўлчов системаси шунчалик аниқ ва мукаммалки, ҳозирги ўлчов системаси ҳақидаги тасаввурларга мос тушади.

Жаҳонда биринчи марта топилиган асл нусхадаги тақинчоқ жуда ҳам катта бадий ва тарихий аҳамиятга эга. Бу тақинчоқ Далварзинтепа хазинаси топилигунча, фақат будданинг расми ва қўйма ҳайкалчалари орқалигина маълум эди.

Ўзбек археологлари томонидан топилиган энг қизиқарли топиломалардан бири — эркакларнинг тўр кийимларидир. Аниқланишича, булар эрамизгача бўлган V—IV

ўринда, Совет давлати ташкил этилишининг дастлабки йилларидаёқ, хусусий қўлларда, идоралар ҳамда ташкилотлар ихтиёрида бўлган тарихий ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилишга киришганлигини ёслаб ўтмаслик мумкин эмас. Бу ҳақда 1918 йил 5 октябрда Халқ Комиссарлари Советининг Декретиға В. И. Ленин имзо чеккан эди.

Қадимий халқ усталарининг санъат асарларини сақлаб қолиш бўйича Ўзбекистонда ҳам катта ишлар амалга оширилаётир. Шу сабабли бугунги кунда Тошкентдек асим шаҳарда Антик-заргарлик фонди каби ноёб музей очилиши имкони туғилди. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу ердаги кўплаб экспонатлар музейга совға қилинган. Бу совғаларни одамларнинг ўзлари ҳеч бир таъмагирилксиз, чин дилдан келтирилганлар. «Гўзаллик айрим шахсларнинггина эмас, балки бутун бир халқнинг мулкидир», дейишади улар.

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Тошкент шаҳридаги ушбу музейга ташриф буюрувчилар сони бу қадар кўпчилигининг боиси ҳам мана шунда.

Валентина КАРПЕНКО

УЛУҒ СИЙМО

Табобат илмининг отаси Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижоди асрлар давомида барча ижод аҳлини ўзига мафтун этиб келадиган туганмас илҳом манбаидир. Шунинг учун ҳам улуг аллома сиймосини ўзида акс эттирган илмий-бадий асарлар йил сайин кўпайиб бормоқда. «Шарқ юлдузи» журналининг ўтган йилги 11—12-сонларида чоп этилган «Абу Али ибн Сино» асари таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Азиз Қаюмовнинг кўп йиллик ижодий изланишларининг самараси бўлиб, муаллифнинг катта меҳнат ва машаққатлари маҳсули сифатида кўзга ташланди, жамоатчилик фикрини ўзига тортиди. Шу сабабли таниқли олимизнинг бу асари ўзбек адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб кўшилди, қисқа муддат ичида ўқувчиларнинг сууюкли асарига айланди, десак бўлади.

Асар тўғридан-тўғри Абу Али ибн Синонинг Бухоро амири Нух ибн Мансур рухсати билан «бебаҳо бойликлар жам бўлган — Бухоро кутубхонасига» кириш лавҳаси билан бошланади: «— Амир ҳазратларининг фармониға биноан ушбу кундан эътиборан жаноб табиб Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синоға кутубхонада мутлоаа этмоққа рухсат бўлди. Бундан буён табиб жанобларига нимаики китоб зарур бўлса, танишмоққа ёрдам кўрсатишингиз вожибдир».

Кекса кутубхоначи йигитчага қаради. Хусайннинг қирмизи юзи, текис ёноқлари, латиф бурни, гунчадек оғзи ўспиринлик кўркемдигини намоиш этар, бошидаги кичик, оқ симобий шоҳи салла, эғнидаги ҳушбичим, озода авра тўн нозик қоматига ярашиб,



уни беэаб турар эди. Кутубхоначининг кўзи Хусайннинг кўзи билан учрашди. Еш табибнинг ўткир нигоҳида шижоат, қатъият, кўнгилнинг поклиги кўринар, интилиш нурлари чарақлар эди».

Бу лавҳани ўқиган ўқувчи кўз ўнгига бўлажак алломанинг жонли сиймоси ярқ этиб гавдаланади, унга нисбатан киши қалбида меҳр алангалаанади. Беихтиёр олимнинг кейинги ҳаётига кизиқиш уйғонади. Ибн Сино ўша даврнинг энг катта китоб хазинаси ҳисобланган Бухоро кутубхонасидан фойдаланар экан, «ёш олимнинг кўз ўнгига унга тамоман нотаниш бўлган билимлар қасрининг дарвозалари ланг очилгандай» бўлади.

Тарихдан маълумки, амирнинг бу кутубхонасига кириб, бирор китобни мутлоаа этиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Лекин ёш табиб Хусайн ибн Абдуллоҳ Абу Али ибн Сино амирини оғир касаллик чангалидан қутқаргандан кейингина бундай бахтга сазовор бўлади. Азиз Қаюмов мазкур асарининг «Амирнинг касали» бўлимида бу ҳақда батафсил маълумот беради. Муаллиф Ибн Сино ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқувчиларга маълумот беришга қолмай, балки унинг жаҳон маданияти хазинасидан муносиб жой олган «Тиб қонунлари», «Донишнома» ёки «Китоб Аллойи», «Ашшифо», «Юрак дорилари», «Одоб рисоласи» каби асарларининг ёзилиш тарихи тўғрисида ҳам жиддий фикр юритади, уларнинг кадр-қимматини улугʻлайди.

Сир эмаски, Абу Али ибн Синодек улугʻ табиб, қомусий олим сиймосини, унинг салобатли кўркини, у яшаган мураккаб давр, тож-тахт учун талон-тарож

можароларини, жаҳолат ва зиё, қабохат ва нурнинг курашини узоқ тарих оша чизиб бериш ижодкордан катта билим, маҳорат ва истеъдод талаб этади. Азиз Қаюмов бунинг улдасидан чиқа олган. Зеро, «Абу Али ибн Сино» асари ҳурматли олимизнинг бу йўлда анча машаққат чекканидан шохидлик бериб турибди. Асарнинг қувонч билан эътироф этиладиган фазилати шундаки, ўзбек совет адабиётида шу кунга қадар Абу Али ибн Сино борасида бу асар сингари ҳам композицион, ҳам музунан яхлит, тарихий фактларга бой, гоят ўқишли, оммабоп асар яратилган эмасди.

Асарнинг муҳим қиммати биргина бунда эмас, балки ибн Сино яшаган давр ҳам, унинг ноёб асарларининг вужудга келиши тарихи ҳам илмий жиҳатдан чуқур ўрганилганлигидадир. Бинобарин, муаллиф ибн Сино яратган асарлар тўғрисида тўхталиб, уларнинг моҳиятини илмий жиҳатдан таҳлил қилади, асл маъносини очиб беради, уларнинг ҳозирги кунда ҳам қанчалик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтириб ўтади. Масалан, қуйдаги парчага эътибор беринг:

«Тиб қонунлари»нинг иккинчи китоби содда (ёлғиз ҳолда ишлатиладиган) дориларга бағишланган. Бу китобда келтирилган ўсимликлардан олинувчи дориларнинг кўпи ҳозиргача қўлланилади. Бу дорилар ўрта аср Европасига Ибн Сино асарлари орқали маълум бўлган. В. М. Карасикнинг аниқлашига кўра, «Қонун»нинг иккинчи китобидаги дорилардан 150 га яқини бизнинг мамлакатимизда нашр этилган фармоқея ўйатида бора. Бу нашрлар жами 8 та бўлиб, биринчи нашри 1866 йилда, еттинчи нашри эса 1946 йилда амалга оширилган. Шунинг ўзи ҳам «Қонун»нинг доришунослик тарихида қандай катта ўрин тутганини кўрсатиб туради».

Азиз Қаюмов табибнинг «Юрак дорилари» асарининг яратилиш тарихи ҳақида сўз юритар экан: «Шайхурраис Хусайн ибн Абдуллоҳ Абу Али ибн Синонинг «Юрак дорилари» китоби улугʻ табиб яшаган замондан то XX асргача Шарқ мамлакатларидаги табиблар учун энг қимматли қўланма бўлиб келган. XI—XIX асрлар давомида тиббий асар ёзган барча табиблар Абу Алининг бу асарида кенг фойдаланган», дейди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, кўз ўнгимизда ибн Сино образиги-

на эмас, балки у яшаган давр картиналари ҳам жонли тарзда гавдаланади. Асарда китобхон қалбини титратувчи лавҳалар кўп. Муаллиф асарнинг жонли чиқиши учун тарихий манбалардан, хусусан ибн Синонинг халқ орасида тилдан-тилга кўчиб юрган «Лукмон ҳақим» ҳикоятини келтирганки, бу китобхон учун ибн Синонинг буюқ табобат отаси эканлигини исботлашда яна бир қарра ишончли далил бўлиб хизмат қилади. Асарнинг «Аҳдам ва Зулфия» бўлимидаги ҳикоят алоҳида таъсирчанликка эга. Ундаги воқеа-ҳодисалар узоқ вақт киши хотирасидан ўчмайди. Қабрни очиб лаҳат ичкарисига кирган ёш табиб кафанга ўралган марҳумани даволаб тирилтирилганлиги ўқувчининг қалбини ларзага солади:

«Табиб машъалани ёқиб лаҳат ичига тушди ва машъалани бир қулай жойга ўрнатди. У яна Зулфиянинг қўлини ушлади ва узоқ вақт тик турди. Шундан сўнг Абу Али қатъият билан жасадни латталардан ажратди. Табибнинг ҳаракатлари жиддий, шошилич эди. Чунки у қизнинг шоҳ томири аҳёнда бир телиб қўяётганини сезган эди. Табиб асбоблар, доридармонлар ва бир тугун олиб келган. У аввал Зулфиядан қон чиқармоқчи бўлиб уриниб кўрди. Сўнгра гул ёғи, сирка, денгиз пиёзи аралаштирган дори билан унинг танасини ишқалай бошлади: бу жараён анча давом этди.

Сўнгра табиб Зулфиянинг лавҳарини бармоқлари билан очиб, унга бир неча муддат сув томизиб турди. Шундан кейин бурнига денгиз пиёзини қидлатди. Зира, дала ялпизи, асал, денгиз пиёзи аралаштириб тайёрланган дориларини Зулфиянинг бурнига тутди, оғзига томизди, ханқалдан қилинган ёғ билан бошини ишқалади, оёқ-қўлларини узоқ уқалади. Табиб ўлим билан олишмоқда эди».

Буюқ ҳақимнинг шифоси билан Зулфия тирилиб, Аҳдам билан турмуш қуради. Асарда бундай ўринлар кўп. Лекин бизнинг бир тақлифимиз бор: асар Ибн Синонинг болалиги ва ўсмирлик даврига оид маълумотлар билан янада кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Азиз Қаюмовнинг бу асари улугʻ бобокалонимиз Ибн Сино ҳақида қимматли манба бўлиб, ўзбек адабиёти хазинасини бойитди.

Рашид АСЛОНОВ

ХАЛҚ ҲИҚМАТЛАРИ

Игна билан батадиган ишга жу-
волдиз урма.

Тил ақл хазинасининг қиличи

бўлса, фаросат гилофидир.

Қалб кўздан олдин кўради.

Қоровулнинг уйкуси — ўғрининг
чироғи.

Қуролсиз юрган овчи оч бўрига
дуч келар.

Кўнгил гулини севги суви сўго-
ради.

Таваккални ҳам тафаккур бош-
қарсин.

Чумолининг бир йил йиққани —
туянинг бир ютгани.

Яланғоч игна кийинтиради.

Қулоқдан кирган совуқ сўз кўн-
гилга бориб муз бўлар.

Довжурак саркарданинг кўрқок
аскари бўлмайди.

Тўпловчи: Чори ҲАМРО

ҚОРА ҚҶҶҚОР

ТУРСУНБОЙ ака кенжа кизини узатадиган бўлди. Атрофи баланд уйлар билан ўралган катта майдон ўртасидаги шийпон меҳмонлар билан тўла. Кираверишдаги жосонлик стол атрофида тўй оғалари жой олишган. Магнитофондан кўшиқлар янграб турибди. Ашулар бирор катта йигинда ёзиб олинган бўлса керак, ора-сира ғовур ва хушомад қийқириқлари ҳам аралашиб туради.

Турсунбой аканинг бошида тўрт каржли духоба дўппи. Оёғида амиркон ковуш. Эғнида — оқ жужунча китель. Юзида табасум ва мамнуният, икки қўли кўксидан, сертавозе.

Айтилган вақтда — кундузги соат бирда тўй ортилган катта юк машинаси шийпон олдига кўндаланг бўлди. Машинанинг орқа борти очилиши билан қора қўчқор сакраб ерга тушди. Қўй етаклаган бола бошвоғини қўйиб юбормаганида кўнглисизлик бўлиши аниқ эди. Бошвоғи ўнг оёғига ўрилиб қолган қўчқор мункиб кетиб, тезда ўзини ўнглаб олди. Тўрда ўтирган кўзойнакли чолнинг назаридан циркдаги отларга ўхшаб, қўчқор ҳам салом бергандек бўлди.

— Баракалло, одамлар қўйни ҳам саломга ўргатишибди.

— Ана, бўй-басту, ана думба! Бу шу мавсумда Тошкент тўйларини беазаб юрган машҳур қора қўчқор.

— Бунинг нархи 650 дан кам эмас, қудангизнинг ҳимматиға бали!

Мамнун Турсунбой ака миннатдорчилик изҳор қилди.

Азамат йигитлар елкаларига дастурхон ташлаб, қоплардаги гуруч, ун, сабази-пиёзларни орқалаб ўттирди. Чой янгида нон, телевизор қоробкасида патир, челақда нисходла, тоғораларда пиширик, мева-чевалар. Эски қорикшакга ўрнатилган ошқозон машинадан аранг туширилди. Дастёрлар шай, «чойнингиз борми?» овозлари тез-тез такрорланиб турибди. Уч оворадан норин, тўрт оворадан ҳасип тортилди.

— Эракларнинг садағаси кетсанг арзийди. Мана, бир пасда тўй таркади. Хай-хай хотиналар... — Бош чайқади чоллардан бири. Ниҳоят, тўртинчи қаватдаги очқоқ ойнадан эшитилаётган хотиналарнинг ғовури тинди. Бирин-кетин ўн иккита тоғора ва тугунлардаги қайтариқ машинага ортилди. «Сарсон сарпо» кўтарган аёллар ўтирди. Расмийта кўра, катта қозон тағида ош қолдириб, машина — қорикшакка устига ўрнатилди.

Тўй келтирган вакилга кўк тўн, қўй етаклаган бола ва шофёрға биттадан салафан пакетда қўйлақ ва тугун тутқазилди. Турсунбой

ака қўчқорни судраб келиб, катта столнинг оёғига боғлаб ташқариға чиқди. Ниҳоят, энди қўли бўшаб, бирор нарсга еб олса бўлади. У ўз хонасига кўтарилди. Ерда сочилиб ётган ноз-неъматлардан оёқ босиб бўлмади, қайтган ошга бир катта тоғора тўлибди. Нон бурдалари бурчакка уйиб қўйилган. Катта патнисларда турли сомса, чучвара, варақ, қатлама ва бошқалар. Қимматбаҳо шоколадлар эриб, шаклини йўқотган — хамир. Уйдан ачиган қатикнинг ҳиди келади.

— Норин дарров бузилибди, ҳасип ҳам.

Турсунбой аканинг хотини тоғора-у туғунлар орасида нимадан иш бошлашиға ҳайрон.

— Қолган овқатни оқизай десанг, акин-ўртада анҳор йўқ. Бериовар десанг, молли одам йўқ. Ахлатта ташласанг, увол.

Бу исрофгарчиликини кўриб, Турсунбой аканинг юраги ачшиди, феъли айнади. У тик туриб, икки бурда нон билан икки пиёла совуб қолган чой ичди-да, паства тушиб шийпонга югурди. Қўчқор столни суриб кетибди. У икки оёғини шийпон панжарасига қўйиб, яшнаб турган гулларни ғажиб улгурибди.

Турсунбой ака катта ҳовли ўртасида табуретка қўйиб, қўчқорни ушлаб ўтирар эди. Агар кечгача уни бир ёғлик қилмаса, ҳоли нима кечади? Турсунбой аканинг режасига, қўй ерталабгача шу ерда туради; ўзи шийпонда раскладушка қўйиб тонг оттирмақчи.

Айтганларидек, қўчқор одамга ўрганган экан. Атрофдагилар тарқаша билан олдидagi тоғорани тегиб, депсина берди. Тинмай маърай бошлади. Турсунбой ака бўлак иложи қолмагач, қўчқорни етаклаб жойидан қўзғалди. Омади бор экан, етакласа эргашиб кетаверар экан. Бир жойда туриб олиб маърайверса, нима қилар эди. У шу ёшга етиб, қўйнинг бунчалик «дабдабали» маърашини эшитмаган экан. — Тўрт томондан акс-садо бериб, деразаларгача ларзага келади.

Қўчқор маърагани сари Турсунбой ака: «Одамларни безовта қилиб қўймадиммикан?» деб олазарак бўлар, юришини тезлатар эди. Ниҳоят, у скамейкалардан бирига ўтирди. Тўй тарадудинда бир неча кундан бери уйқининг тайини бўлмади, қаттиқ хориганидан уйку элитмокда. Иложи бўлса, шу ўтиришда бироз мизғиб олади. Емоннинг бир қилиғи ортик деганидек, қўчқор Турсунбой аканинг бошини искаб, чап қулоғини ялай бошлади. У ўтирган жойида орқага бурилиб, елкасида турган қўчқорни пешонасидан итарди. Жойидан жилмагач, тумшугиға зарда билан бир муштлади. Қўчқорға шу етмай турган экан: у икки қадам орқага тиса-

рилди-да, мудраб ўтирган эгасини елка аралаш «калла қилди». Турсунбой ака чўккалаб йиқилди. Кафталарини ерга тираб қолмаганида, башараси пачоқ бўлар эди. Тиззасидаги оғриққа чидолмай, шу йўсинда «тўрт оёқ»лаб туриб қолди ва оқсоқланиб йўл қарши-сидаги скамейкага ўтиб ўтирди. Қўчқор ҳам гуноҳини сезгандек, энди юмшоқроқ маърамоқда.

Шу ўтиришда Турсунбой аканинг хўрлиғи келди. Наҳотки, бир уш одамдан бирортаси қаерда қолди, деб қидириб келмаса?! Хўрлик аста-секин ғазабга айланди. Энди у тўйларда қўй беришини расм қилган ғойибона душмани билан олишарди.

— Шу ёшга етиб, тўйга юборилган қўй сўйилганини кўрганми йўқ. Албатта, бозорга чиқади. Қанча оворагарчиликдан кейин зарарига сотилади. Қудамга ачинаман. Маошига яшайдиган одам. Яна қизим борадиган даргоҳ. Шу қўчқорни олиб келиш шартмикан?

Қўчқор ер тегиб депсинди. Яқинлашиб келаётган шарпа қаршидаги болалар боғчасининг қоровули экан. Турсунбой ака туриб қўришди. Икки оғиз сўз билан сарсонгарчилик сабабини тушунтирди.

— Энди сизга бир маслаҳат, биродари азиз. Анча азият чекибсиз. Эртага бозор — секин ўша томонга юраверинг. Боргунингизча тонг отиб қолади. Бозорга борадиган машиналар ҳам кўп, ўзи тўхтади. Бозорингизни берсин.

Бозорга бориш Турсунбой аканинг хаёлида ҳам йўқ эди. Бу доно маслаҳатдан қўзи мошдек очилиб, мудроғи тарқаб, чарчоғи унутилгандай бўлди.

— Дарҳақиқат, ишим бароридан келса, бола-чақа уйғонгунча пуллаб қайтаман...

Қолган гаплар қоровул чол айтгандай бўлди. Ярим йўлга борганда тонг ёришди. Қутилмаганда усти ёпик машина келиб тўхтади.

— 10 сўм. Чикинг.

Шофёр машина эшигини очиб турар эди. Турсунбой ака бошвоғини енгил силташи билан қўчқор лип этиб машинанинг ичига кириб кетди. У ерда бир тана ва яна икки эчки бор экан. Турсунбой ака оёқ остидаги челақни тўнкариб, шофёрнинг орқа томонига ўтирди. Хайдовчи чап бериб, нотекис йўлдан бораётган бўлса керак, машина шафқатсиз силкилар, тоҳ у томон, тоҳ бу томонга отиб юборар эди. Елиб бораётган машина қўкқисдан тўхтади. Тана Турсунбой акани бурчакка қисди. Қўзининг оловини чиқариб, ўнг оёғини босди. Қўнгли беҳузур бўлди.

Машина бозор олдига келиб тўхтади. У чўнтагини кавлаб, 9 сўм топди. Кечаги харажатлар-

дан сўнг қанча пули борлигини ўзи ҳам билмас эди. Пулни санаб олар экан, шофёрнинг кўнгли тўлмади.

— Наҳорга бировини алдаш... — Ука, узр, бори шу экан.

— Қўйинг, бир сўмга пастлик қилиб...

Зарда билан эшикни ёпар экан, бу ҳақорат камдек туюлди.

— Инсонга лафз керак!

Вақт эрта бўлишиға қарамай, бозор гавжум. Кираверишдаги чойхонада одам ғуж. Тошқўмир иси билан мол бозорига хос сассиқ ҳид димоқни ёради.

Ҳали машинада тана иргишлаганида Турсунбой аканинг ковуши жағидан кетган экан, оёғидан тушиб қолаверди. Энди қаноп билан боғлаб олиши ёки ердан узмай судраб босиши керак, у шундай қилди. Оқсоқланиб оломон орасига кириб борганида қаршисида йўгон, қорин қўйган, доқалардан рўмолини яхтак устидан учма-уч боғлаб олган, юзидан қон томиб турган киши рўпара бўлди.

— Қани, бир кўришиб қўяйлик, жигаргўша. Бозорни оруз қилибсиз-да. Ия, ковушдан ажрабсиз-ку?

— Шундай бўлди... — У қўзига иссиқ кўринган ширинсўз кишини танимаганидан ўнғайсизланди. Бозорга келиш сабабларини, ниҳоятда тинкаси қуриб, чарчаганидан ҳасрат қилди.

— Унақа гапни гапирманг, — деди «жигаргўша» хафа бўлган оҳангда, — бозорда мендек қадрдонингиз туриб. — Турсунбой ака қаршисида турган «жигаргўша» — бозорнинг қасам урган даллоли эканлигини билмас эди.

— Қани, жигаргўша, менга қаранг, — деди бетига тикилиб.

Елкасидаги рўмоли учини тили билан намлади-да, Турсунбой аканинг пешонасига қотиб қолган доғ-дугни артиб қўйди. Елкасига қоқиб, яна пешонасидан силади.

— Ҳеч хафа бўлманг. Ҳозир қўчқорни қандек пуллаб, қуртдек белнингизга тугиб қўямиз.

Бу ғамхўрликлардан Турсунбой аканинг кўнгли бўшашиб кетди.

— Иси-шарифингизни унутибман.

— Турсунбой.

— Сўраганинг айтиб йўқ, мўлжалингиз қанча?

— Қудам 650 га олган экан.

— Унингиз ҳам бозорчиға ўхшайсиз, жигаргўша. Ҳали қўй бу нархга чиққапи йўқ. Майли, шакарингиз оғзингизда.

Шу пайтда уч-тўрт харидор айланишиб қолди. Бозор лаҳжаси ишга солинди.

— Қапара носирга бўлади-ми? — Биёз кам, харажати ичида?

— Бу киши ўзимизнинг кишиниз, қўчқор сотилган, — деди «жигаргўша» харидорларга.

Сизсираб турган жигаргўша энди «сенга» ўтиб олди.

— Турсунбой ука, менга мол керак эмас. Шу ерда ўзингга ўхшаган бир йигит юрибди. Худойига қора қўчқор атаган экан. Савоб иш. Шу йигитнинг пулини олиб берай. — Шу чора кам беш. Бундан ортигини бозор кўтармайди.

— Утган бозор қудам 650 га...

— Майли, энди, бундан ортигига сотиб кўр. Биласанми, боягилар 450 қилди.

Турсунбой ака хотинини бирга олиб келмаганига ачинди. У бозорга пишпикроқ эди.

У айрилган нархга рози бўлмай, қўчқорга қўл узатган эди, «жигаргўша» силтаб берди. Энди бояги ширинсуханликдан асар ҳам қолмаган эди. У атрофига аланглади.

— Хотамтой!

Оғзи тўла тилла тишларини ярмигача чирк босган башара пайдо бўлди. У бепарво писта чақар эди.

— Қани, пулни чиқар, — деди «жигаргўша» Хотамтойга Турсунбой аканинг қўлини олиб. — Бор барака, она сутидан ҳалол — бешта! Хотамтой юзини буриштириб, тескари қараб турар, «жигаргўша» эса Турсунбой аканинг қўлини бетўхтов силтар эди. Ниҳоят, унинг розилигини кутмай, қўчқорни Хотамтойга тутқазди.

— Пулни сана. Турсунбой сен айтган пасткашлардан эмас. — «Жигаргўша» Хотамтойдан тўртта яхлит юзталиқ, қолгани белига белбоғ солинган ўн сўмликлар — юз сўм олди. У битта ўн сўмликни суғириб, кўкрак чўнтагига солар экан:

— Розимисан? — деди Турсунбойга тикилиб. — Кейин қолган 490 сўмни, гижимлаб, унинг кафтига бор куч билан урди. — Бор, барака топ. Яхшиликка буюрсин. Хотамтой, бошвогини акангга бер.

Хотамтой белбоғини ечиб, қўчқорнинг бўйнидан боғлади-да, арғамчини Турсунбойга тутқазди. Бир зумда оломон орасида кўздан ғойиб бўлди.

Турсунбой ака нима бўлганини тушунолмай, аланглади.

— Муттаҳамлар бир бечорани шилиб кетди, — деди боядан бери четдан кузатиб турган чол.

Турсунбой ака кечаси йиқилганда, тиззалари шикастланган экан, оғриқ зўрайиб бормоқда. Устидаги кўп йилдан бери аяб киядиган жужунча кителнинг этагидан то кўкрак чўнтагигача қайси бир мол думини сурқаб ўтибди. У жағи ажраган ковушини судраб, такси бекатига чиқди. Нима бўлса ҳам, тезроқ уйга етиб олиши керак. Бола-чақа ҳам ташвишланаётгандир, ахир, бугун никоҳ. Бошида қанча режа. Шу туришда одамларнинг «пўшт-пўшт»ларидан оғохланиб, ўзини четга олди. Бир йигит кўчани тўлдириб, қора қўчқорни етаклаб келмоқда эди. Вазорнинг расми бўйича кимдир баланд овоз билан сўради:

— Қўчқор неча пул бўлди?

— 650.

— Арзон.

Турсунбой аканинг кулоғи чип битиб, кўз олди қоронғилашди. Қўлидаги чувалиб ётган бошвоғи ерга тушиб кетди...

Қардошларимиз ижодидан

Геворг ЭМИН

ВАТАНИМГА

Агарда бўлмаса замину номинг,
Айт-чи, қайга учди қўшиқ дафтери,
Қайга қўнди экан шеър кабутари,
Бўлмаса юртинг бошингда томинг!

Замин меҳри қалбда урмаганда барқ,
Шеър кеманг сенинг ботарди лойга,
Олиб кетар эди бўронлар қайга,
Бўлардинг муқаррар тўфонларда ғарқ.

Қуёш деб аталса мабодо отим,
Сенга беролмасам нур — ҳароратим,
Унда нега керак бу ном, эй-юртим!

МИРМУҲСИН таржимаси



* * *

Ўғирлик бу — тенгсиз гуноҳ,
Ўғирликка қўл урма ҳар дам.
Геворг Эмин этар оғоҳ,
Ўғирликка қўл урма ҳар дам.
Ўғирлашлик шарт бўлса гар
Ўғирлагил ёр қалбин фақат,
Хурсанд бўлсин то ўғри ҳам,
Ўғирлатган қалб эгаси ҳам.

* * *

Кўзинг ерга тикма, жонон, —
кўзим тўйиб боқсин сенга.
Севги билан гўзал жаҳон, —
кўзим тўйиб боқсин сенга.
Ким билади, мени қандай,
сени қандай йўллар кутар,
Бизни аяб қўймас ҳижрон —
кўзим тўйиб боқсин сенга.



* * *

Шиша урса гар тошга бош —
Кимга жабр? — Шишага жабр!
Бош урса гар шишага тош —
Кимга жабр? — Шишага жабр!
Уй ёнидан сен ўтдингми,
Мен ўтдимки — нима фарқи бор?
Кимки севса, шу тўкар ёш —
Кимга жабр? — Шишага жабр!

ЛОРИ ТОҒИДА ЕЗИЛГАН ШЕЪР


Ўтиб бўлмас юксак Лори тоғида
Ҳориб-толган отим олимлар

секин.
Қувнайман — гўзаллик ҳамма
ёғимда,
От эса бепарво элтар ўз юкин:

Гар йўл машаққатли, юк бўлса
оғир —
Гўзалликни илғаш қийин-да,
ахир.

* * *

Езмам узра эгилган чоқ
соянг тушди шеъримга, ёр.
Севгинг дилда гўё чироқ —
соянг тушди шеъримга, ёр.
Билсанг, ўша кундан кейин
қайга бормай, нени ёзмай,
Сенинг соянг тушар тайин —
соянг ҳар бир сатримда бор.



ТУНГИ МАНЗАРА

Тунги сукунатда шитирлар терак,
Қайғули шитирлар этар экан хит
Тупроқ том устида акиллар кўппак,
Балки у кўргандир ойда бошқа ит...
Тоғ улкан туяга ўхшаб ҳам кетар,
Турар қўнғироғи олисда куйлаб,
Ўркачида кўҳна қишлоқни элтар
Асрларни кўрган узун йўл бўйлаб...
Охиста... охиста... терак шитирлар,
Бутун дунё сокин ухлаган чоғи.
Тим-қора осмоннинг бағрида оқар
Факат Сомон йўли олтин ирмоғи...

* * *

Бўлдинг сен меҳмон
Уйсиз юрган дам.
Кутдинг базму шон,
Мен чекканда ғам...
Сени туш кўриш
Бирдан бир хоҳиш, —
Қандай кўрай туш,
Қочган уйку ҳам?

Эрғаш МУҲАММАД
таржималари



ОЛАМ қандай пайдо бўлган? Бу муаммо ҳануз олимлар ва тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Кўпчиликни қизиқтириб келатган бу саволларнинг

ечими анчагина жумбоқ бўлса-да, сўнгги тадқиқотларнинг натижалари уни бироз ойдинлаштиради.

Олам, Галактика, Куёш системаси, жумладан, Ернинг пайдо бўлиши ягона қонуният асосида юз беради. Куёш системаси ва Ернинг пайдо бўлиши тўғрисидаги фаразлар XX асргача механиканинг қонуниятларига таянган фаразий хулосалардан иборат эди.

Бизнинг асримизда физика, кимё, астрономия, фалсафа, биология, геология, география ва янги фан тармоқлари — геохимия, геофизика, космохимия, астрофизика, астробиология каби Ер ҳақидаги бошқа қўлгина фанларда мисли кўрилмаган даражада кашфиётлар қилинди.

Кейинги йилларда оламнинг пайдо бўлиши тўғрисида «Катта портлаш» деб аталувчи назария майдонга келди.

Эйнштейн таъкидлаганидек, макон ҳам, замон ҳам материк мавжудотдан ажралмасдир. Буюк олимнинг Олам тўғрисидаги назариясига кўра бўш макон ёки макон-замон — бу факат ўзининг динамик ҳаёти билангина ияйдиган, қатъий қонуниятларга бўйсунадиган ҳолда эгриланиб, кенгайиб, сиқилиб турадиган жараёндир. Олим ўз тенгламаларида Оламнинг доимо кенгайиб бораётганлигини исботлаган эди. Шу нарса киши диққатини ўзига жалб қиладик, кенгайиш жараёнида Оламнинг ҳарорати ва зичлиги камайган. Катта портлаш сочилмалари бўлган заррачалар материя (модда)ни ташкил этган бўлиб, улар юз миллиардлаб галактикаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Хўш, кенгайётган чексиз бўшлиқ — коинот томон Оламнинг кенгайиши абадий давом этадими ёки унинг чегараси борми? Унинг охири нима билан тугайди? Олимлар бугун шу муаммолар талқини билан қизиқмоқдалар.

Ҳа, Олам кенгайиб бормоқда, галактикалар бир-бирдан тобора узоқлашмоқда. Қудратли портлашнинг кучи эндиликда заифлашди, Оламнинг ҳарорати ва зичлиги камайди.

Куёш системаси сингари галактикаларда ва умуман, Оламда барча жисмлар гравитацион куч таъсирида бир-бирлари билан тортишиб, «ушлашиб» турадилар. Агар Оламда материя етарли даражада бўлса, гравитацион тортилиш аста-секин кучсизланади ва кейинчалик бутунлай тўхтайд. Оқибат натижада барча жараён худди кино плёнкасини тескари айлантиргандек, такрорланади.

Совет олими, етук геолог Э. В. Соболевичнинг фикрича, 5—4,7 миллиард йил аввал янги портлаш содир бўлганлигини, ана шу портлаш радиоактивлиги кучли бўлган моддаларнинг туманлиқларини ҳосил қилган бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Сўнгра, Куёш ва планеталарнинг

пайдо бўлган даври 4,7—4,6 миллиард йилликларга, планеталардаги моддаларнинг дифференциациясини эса 4,6—4 миллиард йил бурун содир бўлган деб ҳисоблайди. Лекин, бошқа мулоҳазаларга кўра, спиралсимон галактикаларнинг типик вакили бўлган бизнинг галактикамиз Оламдаги бошқа юз миллиардлаб галактикаларнинг бири сифатида ўн беш-ўн миллиард йил аввал вужудга келган. Куёш ва унинг атрофидаги планеталар эса, етти-етти ярим миллиард йил муқаддам қизиган, баъзи фикрларга кўра совуқ жисмлар тариқасида таркиби ва солиштирама огирлиги турлича бўлган каттиқ заррали моддалар тўпламининг гравитацион кучлар таъсири билан сиқилиши натижасида ҳосил бўлган.

Куёш абадийми? Куёш учинчи авлодлик юлдузлар туркумига мансуб бўлган ўта қизиган-оловли сферик массадир. Унинг диа-

ходиса Куёшнинг юза қисмида кузатилади. Бунинг оқибатида Куёшнинг диаметри 50 маротаба ортади. Куёшнинг марказида ҳарорат критик нуқтага етганда гелий ёна бошлайди ва гелийнинг чакнаши кузатилади. Фараз қилинишича, охир-оқибатда, вақтинча сиқилишдан сўнг Куёшнинг диаметри ҳозиргига нисбатан 400 марта йириклашади. Бу пайтга келиб барча ички планеталар — Меркурий, Марс, Венера, Ер вайрон бўлади. Куёш тараққиётининг критик босқичига етиб келади ва унда турғунсизлик ҳолати бошланади. У эндиликда қизиган зич ядро ва нисбатан совуқ юзига эга бўлиб, ғоят катта олов шарга айланади. Сўнгра, жуда зич кичик оқ шар бўлиб қолади. Вақт ўтиши билан куёш ёруғлик таратмай қўйди ва ўлик митти қора шарга айланиб, ўз фаолиятини тугатади. Демак, бошқа осмон юлдузлари қачон-

шакллари иштирок этгандир.

Ерни ташкил этган заррачалар орасида, шубҳасиз, радиоактив моддалар ҳам бўлиб, улар ўзидан парчаланиши оқибатида жуда кучли иссиқлик чиқаради. Бунинг оқибатида сайёрамиздаги моддалар юқори ҳароратда ва босим таъсирида юмшаб эластиклик ҳолатга айланади. Ернинг ички қисмларидаги мураккаб физикавий ва кимёвий жараёнлар моддаларнинг қатламланишига олиб келган, яъни бошқача айтганда, огирроқ массали моддалар — темир ва унинг оксидлари, қўрғошин, платина, мис, сульфидлар, кумуш, олтин каби элементлар Ернинг маркази томон «чўкиб», енгилроқлар — хлор, фтор, натрий, калий, сув буглари эса юзасига «сузиб» чиқа бошлаган.

Турли массали моддаларнинг сараланиши туфайли, тахминан 4,6—3,8 миллиард йил аввал Ернинг ички қишлоқлари, яъни ядро, мантия ва ер пўсти шакллана бошлаган. Жумладан, 4,6—4,5 миллиард йиллар олдин Ер таркиби жиҳатидан деярли бир хил тузилишга эга бўлган бўлса, тўрт миллиард йил аввал дастлаб ядро таркиб топади. Геология фанининг йирик олимлари А. С. Монин ва О. Г. Сорокинларнинг ҳисобларига қараганда, бу даврда ядронинг массаси ҳозиргига нисбатан 40—50 процент кам бўлиб, 5·10²⁰ даражада иссиқлик чиқарган. Натижада, бу ҳолат ядродан юқоридаги моддаларнинг қизиб қарақатга келишига сабаб бўлди ва мантия таркиб топади. Ер сатҳи тузилиши ҳам ҳозирги Ой юзасининг рельефига ўхшаш бўлган бўлса, 4,2—3,7 миллиард йилликларда ички кучлар — магматизм, жумладан, вулканизм ҳодисалари туфайли биринчи бор Ер пўстининг базальтли, сўнгра гранитли қатламлари ҳосил бўлган.

Энг сўнгги илмий тадқиқот ишлари Ер пўстининг шаклланишида космогенети ҳодисаларининг иштироки сезиларли эканлигини далolat бермоқда. Куёш системаси бир Галактика йилида, яъни 200—230 миллион йил давомида галактикамизнинг марказий қисмини бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Бу давр мобайнида Куёш системаси юлдузлараро қуюқ материяга дуч келиб қолади ва материя-материаллар «хужуми»га учрайди. Жумладан, олимларимизнинг фикрича 4,1—3,9 миллиард йил муқаддам сайёрамиз метеоритлар оқими таъсирида кучли бомбардимон қилинган. Натижада яшилтошли жинслар ҳосил бўлган, ултраасосий магма Ер юзасига оқиб чиққан, ҳозирги Ой, Марс, Вене-

ОЛАМ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН ?

Коинот

сирлари

метри 1 миллион 392000 километри ташкил этади. Барча юлдузлар сингари Куёшнинг марказида ҳарорат цельсий шкаласи бўйича ўн-ўн уч миллионга етади. Бундай шароитда водород гелийга айланиб, узлуқсиз ядро реакцияси содир бўлиб туради. Бунинг оқибатида юлдузнинг марказидан иссиқлик энергияси ташқарига чиқиб, Оламга таралади. Масалан, Куёш 160 миң километр, баъзан 586 миң километр баландликкача оловли массаларни пуркаб туради. Бу энергия, ўз навбатида, гравитацион сиқилишга йўл қўймайди. Натижада, газли шар сиқилмайди ва ўзгармасдан доимо нур таратиб туради. Барча осмон юлдузларининг тақдирини ҳам ҳозир шу йўсиндадир. Демак, энергиянинг ажралиши билан гравитация ўртасидаги турғун мувозанатлик қанча узоқ давом этса, юлдуз шунча узоқ яшайди. Шунинг учун ҳам бу давр водороднинг «ёниш пайти» деб аталади ва юлдузлар ҳаётининг энг узоқ мuddати ҳисобланади. Ҳозир Куёш худди ана шу босқични кечирмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бундан буён Куёшнинг катталиги ундан таралаётган энергиянинг ортиши ҳисобига тобора йириклаша боради. Ҳозир термоядроли ёниш Куёшнинг марказида содир бўлаётган бўлса, тахминан 600 миллион йилдан сўнг бу

дир ўзларининг марказидаги ёқилғи запаси бўлмиш водородни «ёкиб» тугатгандан сўнг термоядро реакцияси ҳам тўхтайд, натижада юлдуз сўнади. Куёшга ўхшаш юлдузларда ҳам бу давр ўн миллиард, баъзи мулоҳазаларга қараганда, беш ярим миллиард йилдан кейин кечади. Бу инсоният умрига нисбатан жуда-жуда узоқ мuddатдир. Баъзи юлдузлар ўз ёқилғи заррасини бир неча миллион йиллар ўтар-ўтмас тугатиши ҳам мумкин.

Куёшдан узоқлиги жиҳатидан Меркурий ва Венера (Зухро)дан кейинги учинчи планета — Ер, унинг табиий йўлдоши Ой ҳам эҳтимол Куёш билан бир даврларда таркиб топиб шарсимон шаклга эга бўлгандир. Ернинг ёши деганда унинг планета шаклига эга бўлган даврини тушунмоқ керак. Охирги маълумотларга кўра, Ернинг ёши 4,6 миллиард йилдир.

Фридрих Энгельс таъбири билан айтганда, кузатилаётган ҳар қандай ўзгариш материя ҳаракатининг маълум шакллари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу диалектик ўзгариш объектив Оламнинг тараққиёт қонуналари асосида содир бўлади. Жумладан, Катта портлашдан сўнг дастлаб Олам, Галактика, Куёш системасидаги планеталарнинг пайдо бўлиш жараёнида материя ҳаракатининг аввал механик, кейинчалик физикавий ва кимёвий

радагидек Ер пўстининг континентал ва океан типлари ҳам шу пайтларда таркиб топган.

Уша пайтлардан бошлаб планетамиз материя ҳаракатининг кимёвий шаклидан мустақил янги геологик шакли алоҳида тармоқ бўлиб ажралиб чиқади ва ўз фаолиятини бошлайди. Биринчи бор геологик жараёнлар, яъни вулқонларнинг дахшатли портлашлари, зилзилалар, тоғ ва чўкмаларнинг пайдо бўлиши планетамиз ташқи қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган. Бу пайтларда, эҳтимол сайёрамиз ҳозирги ўрганилаётган планеталарга, жумладан, Венерара жуда ўхшаш бўлгандир.

Дарҳақиқат, Венерани «геологик қўриқхона» десак бўлади. Негаки, унда шамоллар фаолиятини айтмасак, ташқи кучлар йўқ ҳисоби. Барча нотекисларлар дастлабки ҳолатидагидек, яъни улар сув ва чўкинди тоғ жинслари билан қопланмаган. Тоғларнинг баландлиги 12 километр, каналсимон ботиқларнинг узунлиги 1 минг 400 километр, эни 150 километр, чуқурлиги эса икки километрга етади; ҳаракатдаги ва сўнгган вулқонлар мавжуд. Ушман, сайёранинг пўсти доимо ҳаракатда, нотинчдир.

Ўзга планеталардан фарқли ўлароқ, Ер бундан 3,8—3 миллиард йил муқаддам ҳаво қобиғи — атмосфера, сув қобиғи — гидросфера бирин-кетин таркиб топган. Кўпгина мулоҳазаларга кўра, бу сфералар вулқонлар фаолияти туфайли юзага келган. Ернинг ички қатламларида чиқаётган сув буғлари билан бирга карбонат ангидрит гази, олтингурут, хлор, бор, фтор, йод каби фаол элементлар Ер пўстига, гидросферага чиқиб, вулқон маҳсулотлари ташқи муҳит билан реакцияга киришган. Тахминан 3,8 миллиард йил аввал эндигина таркиб топган унинг атмосферасида, эҳтимол, углевод оксиди, азот, сув буғи, олтингурут, хлорли водород, метан, аммиак, эркин кислород (0,1 процентдан ҳам кам) бўлган. Лекин бошқа бир мулоҳазаларга кўра Ер атмосфераси ҳозирги Марс ва Венерадигидек, асосан карбонат ангидриди унча кўп бўлмаган азот, сув буғи ва бошқа бирикмалардан иборат бўлган ҳолос.

Уша даврларда Қуёш энергиясини ҳозиргига нисбатан кам олган. Ой Ерга уч мартаба яқин жойлашган, Ер ўз ўқи атрофида ҳозиргига қараганда тўрт марта тез айлانган. Беш юз миллион йил муқаддам еримизда бир сутка 20,8 соатнигина ташкил этган. Ҳозирги кунда ҳам Ой — Қуёш таъсирида юзага келадиган ўзаро тортилиш кучи, аиникса, Дунё океани сувининг кўтарилиши ҳисобига Ер ўз ўқи атрофида секин айланмоқда. Бунинг оқибатида бир аср давомида сутка 0,0017 секундга узаймоқда.

Ер тараққиётининг геологик босқичида унинг сатҳидаги нотекисларини геологик жараёнлар бунёд этган бўлса, ундан сўнг литосфера, гидросфера ва атмосфераларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган табиий географик

жараёнлар ўз фаолиятини бошлайди. Атмосферадаги метеорологик ва иклимий ҳодисалар, яъни Ер юзаси бўйлаб ҳаво босимининг ўзгариб туриши, шамоллар, ёғин-сочинлар ва ҳоказолар таъсирида она Сайёрамизнинг қон тирмилари бўлган дарёлар, ер ости сувлари, қўл, денгиз ва океанлар вужудга келади. Тоғлар емирила бошлайди, емирилган тоғ жинслари сув оқими, шамоллар, муз каби табиий жараёнлар ёрдамида дастлабки пайдо бўлган ва бўш ётган пасткам жойларга оқиб келиб тўпланга боради. Йирик чўкма ва ботиқлар сув билан банд бўлиб, қўл, денгиз ва океанларга айланади. Ҳисобларга қараганда, тарқоқ денгизларнинг бир-бирига қўшилиб бирламчи океанларни ҳосил қилган даври эраимиздан аввалги уч миллиардинчи йилга тўғри келади. Лекин Ер тараққиётининг геологик босқичидага ҳозирги сувларнинг 10 проценти таркиб топганлиги ҳақидаги маълумотларни баъзи адабиётларда учратиб мумкин.

Қўриқиб турибдики, материя ҳаракати геологик шаклнинг ҳосиласи бўлган гидросфера билан атмосфера туфайлигина материя ҳаракатининг янги — географик шакли юзага келди. Баъзи олимларнинг фикрича, материя ҳаракатининг геологик шаклидан географик шаклига ўтишда сув, яъни гидросфера асосий ролни ўйнаган. Демак, деярли километрлик атмосфера шароитида ҳаётнинг пайдо бўлиши учун, албатта, сув муҳити бўлиши муқаррар эди. Шу даврдан бошлаб геосфераларнинг диалектик бирилиги ва қарама-қаршичилигидаги ўзаро таъсири материя ҳаракатининг географик шаклини келтириб чиқарди.

Эндикда мавжуд бўлган Ер пўсти — литосфера (тош қобиғи), гидросфера (сув қобиғи) ва атмосфера бир-бирлари билан узвий алоқада ривожланиб боради. Уларни ҳақли равишда она-табиатга «жон» ато этишга тайёр бўлган ҳаёт заминлари деб атасак бўлади. Бошқача айтганда, геосфераларнинг ўзаро киришиб ўйғуналуши табиий географик қобиқнинг бир бутунлигини ташкиллай бошлаган эди. Шундай қилиб, бундан 3,5-3 миллиард йил муқаддам сув муҳитида тиррик организм пайдо бўлади ва Сайёрамизга янги ҳаёт сфераси — биосфера қўшилиди. Она-табиатнинг «дунёга келиш» даври, барча сфераларнинг маълум нисбатдаги мутаносиблиги мавжуд бўлган ҳудди ана шу пайтга тўғри келади. Мабодо, ўзга сайёралардан ташириб бузурган бирор қимса ўша пайтда гувоҳ бўлиб турганда эди: «Ерда ҳаёт пайдо бўлди! Ерда табиат тўғилди!», деб овоз қилган бўларди. Шу дақиқадан бошлаб неорганик географик қобиқ органик олам билан тўлдиринида борди ва материя ҳаракатининг биологик шакли таркиб топди.

Материализм ердаги ҳаётни мавжудотнинг бир шакли деб қарайди. Жумладан, материалист Демокрит (эраимиздан аввалги V—VI асрлар) қуйидаги фикрга

келган эди: «Ердаги ҳаёт ҳаракатдаги атомларнинг бир-бирига фавқуллода тўқнашуви ёки мос келиши оқибатида вужудга келган». Ернинг барча сфералари ўзаро туташган ҳамда бир-бирига доимо таъсир этиб турадиган, шакл ва мазмун жиҳатидан янги географик қобиқ шу тариқа пайдо бўла бошлайди.

Ердаги материя ҳаракатининг ҳар бир шакли ўзига хос характерга эга бўлиб, у тараққиёт туфайли бирдан иккинчисига ўтиб боради. Демак, материя ҳаракати шакллариининг барчаси фақат маълум макон ва замонда илгариланма ҳаракат томон ривожланиб боради. Жумладан, материя ҳаракатининг географик шакли ҳам географик қобиқ доирасидаги макон ва замонда содир бўлади. География фанлари доктори, профессор Ф. Н. Мильковнинг ҳисобича, географик қобиқнинг қалинлиги 20 километрдан 35 километр атрофида бўлиб, геосфераларнинг туташган ва ўзаро таъсир этиб турадиган қисмини ташкил этади.

Тадқиқотлар натижаси шундан далолат берадики, юлдузлар оралигидаги бўшлиқлар газ ва чаңгли туманиклардан ташқари органик моддалардан ҳам иборат экан. Радиотелескоплар ёрдамида органик молекулаларнинг турли хилларини топишга муваффақ бўлинди. Бундай молекулаларнинг қўллиги ҳаёт пайдо бўлиши учун ҳамма ерда (қоинотда) асос борлигини далолат бермоқда. Эҳтимол, ўзга планеталарда бактериялар бордир, лекин ана заминимиздагидек йирик ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳозирча Қуёш системасида учраганича йўқ.

Ер қуррасидаги иқлим минтақалари ва ўзига хос тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот оламига эга бўлган табиий-географик зоналар сифат ва микдор жиҳатидан бир неча бор ўзгариб шакллана борган. Жумладан, икки миллиард йил муқаддам дастлаб яшил сув ўтларида жинслар пайдо бўлади. Бу организм тараққиётининг бурилиш нуқтаси бўлиб, ўзига хос мураккаб биологик механизм тариксида кейинчалик камол топди. Жинсларнинг келиб чиқиши муносабати билан генетик-ирсий наслчилик информацияларининг ўзаро алмашинуви юзага келди. Бу ҳодиса ердаги ҳаёт шакллариининг ва турларининг кўп қиррали тармоқланишига сабабчи бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб туради.

Табиат инсонни яратгунга қадар ердаги ҳаётни қарий 3,5 миллиард йил асраб, авайлаб парварिश қилди. Унда ўн миллионлар йил бурун одамсимон жонзод пайдо бўлди ва нихоят, тахминан 2—1 миллион йил муқаддам дастлаб қадимги аждодларимизнинг келиб чиқишига имконият пайдо бўлди. Бу даврлар мобайлида табиат қанчадан-қанча офатлар — зилзилалар, сув тошқинлари, муз қоплашлар, вулқонлар портлашларининг гувоҳи бўлмади, дейсиз. Шунини айтиб ўтиш жоиздирки, ердаги ҳаётнинг марказида ҳужайраларнинг кимёвий реакциясини бошқариб

турувчи оксиллар ва ирсий наслчилик информациясини ўзида элтувчи нуклеинли кислоталар ётади. Бу молекулалар барча ўсимлик ва ҳайвонот оламида бир хилдир. Демак, одам билан дарахт бир хил «материалдан» тузилган. Дарҳақат, узоқ ўтмишга назар солсак, ҳаётнинг авлоди битта, яъни ягона бўлиб чиқади. Шу боисдан ҳам инсон сув-тупроқдан «униб» чиқкан дейиш тўғрироқдир. Шундай қилиб, инсоннинг пайдо бўлиши сайёрамизда материя ҳаракатининг олий шакли бўлган ижтимоий, социал шаклини келтириб чиқарди.

Тарихий ва диалектик материализм асосларига таянган ҳолда юқоридagi айтилганларга қуйидагича хотима яшаш мумкин. Модда ҳаракатининг механик, физик ва химиявий шакллари Олам, Галактика, Қуёш системаси ва планетамизнинг дастлабки ривожланиш тараққиётида ўз аксини топган. Ернинг ички қобиқларининг шаклланишида ҳаракатининг геологик, қисман географик шакллари ҳам иштирок эта бошлайди. Шунини алоҳида таъкидламоқчимизки, материя ҳаракатининг геологик ва географик шакллари асосий ҳаракатининг химик шаклидан биологик шаклига ўтишда заруратли «кўприк» ролини ўйнаган. Негаки, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши учун маълум шарт-шароит вужудга келиши керак эдики, уни фақат геологик ва табиий географик жараёнларгина бунёд этиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам материя ҳаракатининг асосий шаклларидаги бешлик (механик, физик, химик, биологик, социал)да марказий — «боғловчи» ўрнини химик шакли эгаллайди. Материя ҳаракатининг геологик ва географик шакллариининг рўёбга келишида химик шаклнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги ҳам ана шундандир. Модда ҳаракатининг географик шакли литосфера, гидросфера, атмосфера таркиб топгандан сўнг намён бўла бошлади. Планетамиздаги материя ҳаракатининг биологик шакли биосферанинг эволюцияси билан ҳамбарчас боғлиқдир. Нихоят, одамнинг пайдо бўлиши муносабати билан материя ҳаракатининг энг олий формаси тариқада ижтимоий-социал шакли ҳосил бўлди.

Машаққатли узоқ ўтмиш маҳсули бўлган ва тириклик тимсоли бўлган она-Табиат бундан буён ҳам ривожланишда давом этиб, инсониятни ўз саховати, инъомлари билан баҳраманд этаверади. Шубҳасизки, илмий-техника тараққиёти туфайли янги факти маълумотлар тўплана боради, Олам, Ер ҳақида фанда мисли кўрилмаган кашфиётлар қилинади. Ҳа, олимлар Олам сирларини билиш борасида тинимсиз изланишда. Ҳали фанда янги-янги истиқболли йўналишларнинг кашф этилиши табиийдир.

Абдурауул СОАТОВ,
СССР География жамиятининг
ҳақиқий аъзоси



ЕНИҚ МИСРАЛАР

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳалима Худойбердиеванинг «Ўзбекистон даласи» шеъри шундай бошланади:

Жоним туташ бўлиқ ер, Ўзбекистон
даласи,
Авжи саратонида ё кишининг
чилласи
Унинг бағридан қачон, келса
ниманинг саси,
Мухрладим хотирга.
Бир-бирини суяган Ўзбекистон
тоғлари,
Не тоғ, тик чўққилардан ошса
арғумоқлари,
Арғумоқлар ёлида бўрон турган
чоқлари
Қимиз тутдим ботирга.

Биз арғумоқлар ёлида бўрон
яшашидан хайратланиб, жонга
туташ бўлиқ ернинг муқаддас
бағридан келган сасларини хоти-
рига мухрлаб, гўдакларини жан-
натдан келган элчилар деб, ўзбек-
нинг дўстлари пойқадамини кўзи
устига қўйиб, дўстликнинг жаво-
ҳирини йўқотмайин деб тили
остиға қўя олган шоира мисрала-
ридан тўлқинланиб, «Садоқат»ни
варақлаймиз.

Бу мажмуа мисралари остида
ҳақиқат ҳеч қачон ёш тўкмайди,
вафо йингламайди, уларда севги
енгилмас қудратга айланади.
У ўзининг олча гулидай маъ-
сумлиги, бокиралиги, яшил кўк-
лам, яшил ҳаяжон бўлиб бегубор

дунёлар ваъда этиши билан, энг
муҳими бу мисраларни шийпон-
ларга беланчак осиб пахта тера-
ётган ўзбек аёлларининг битта
вакили қуйлаётганлиги, аёллар-
га, оналарга хос мунис ва гўзал
жасорат билан қуйлаётганлиги
дилларни энтиктиради. Мен маж-
муадаги дунё дарди, халқ тақди-
ри ҳақида қайғурувчи оташин
руҳ билан сугорилган мисралар-
ни ёрқин мисралар деб атадим.
Чунки замонасида кечаётган во-
қеаларни шоира шунчаки ку-
затмайди, балки коммунистларга
хос тийрак кўз билан қузатади.
Шоира бир шеърида бугунги
айрим енгилтабиат эр-хотинлар
ҳақида қуйиниб: «Икки нураб
бораётган тоғ. Бир гўдакка қилар
огирлик», дейди.

Бу ерда она — бир тоғ, ота —
бир тоғ. Уларнинг ажралишиб
кетиши эса, шу тоғларнинг нура-
ши деб тасвирланади. Шу она ва
ота ўртасида қолаётган гўдакка
бу икки тоғнинг нурашини кўта-
риш қанчалик огирлигини шоира
изтироб билан ёзади.

Неча-неча асрлар давомида
қуйлиниб келинаётган муҳаббат
ҳақида янги гап айтиш қанчалик
машаққатли ва шарафли. Тўп-
ламни варақлар эканмиз, Ҳалима
Худойбердиева бу борада ўзига
хос оҳанг, тасвир, портретлар,
характерлар ярата олганининг
гувоҳи бўламиз. У муҳаббат ҳа-

қида ёзганида ургуни қайси сўзга
ташлаш кераклигини жуда яхши
билиди ва бу билан оҳангнинг
равонлигини, жарангдорлигини
янада оширади:

Мен сени топгандим, аммо яхши қол,
Сен «яхши қол», дегил,
«кўришгунча»мас.
Бу қуёш хали кўп ол
бўлади, ол,
Бу ой ҳам умримга кўп қилади
қасд.

Мазкур парчада ургу «ол»
сўзига тушаяпти. Ботаётган қуёш
ол бўлиб ботаяпти. Шу ҳолатни
шоира уфқ сариқ ёки қора дея
олмади, айнан қизил деб ҳам
эмас, ол деб атади. Бу шоиранинг
рангларни танлай билиш маҳора-
тини кўрсатади. Дарҳақиқат, рас-
сомона тасвир.

Тўпламдаги мисраларнинг ак-
сарияти муҳаббат ҳақида жўшиб
сўзалайди. Унинг лирик қаҳрамо-
ни — севилган қиз гоёт мағрур.
У бир шеърида: «Мен гурур
тожини бошга кийганман. Уни
абад бошимда сақлайман», —
дейди.

Ҳалима Худойбердиеванинг
муҳаббат ҳақида битилган шеър-
лари ҳақида гапириш қанчалик
масъулиятли. Шоира шеърининг
қудрати, айниқса, муҳаббат ҳақи-
да битилган шеърларининг қуд-
рати шунчаликки, ўқиб туриб бир
лаҳза дунёни унутасан. Назар-
рингда, бутун борлиқ сеҳр билан
тўла. Уқир экансан, мисралар
билан бирга сен муҳаббатнинг
чайқалиб турган лозазорларини
ҳам, қараган саҳроларини ҳам
кезиб чиқасан. Дарди йўқ кўнгли-
нинг қуйлаши қийин, деб ёзади
шоира, юракка муҳаббат — қи-
зил ўқ санчилгандан кейин у ал-
вон қўшиқлар қуйлай бошлайди:

Алданган ишончдир сенга теккан
ўқ,
Ўқ — бу ўз қадрини топмаган қадр.
Аччиқ ўқ азобин бермасми тўлиқ
Езганда юрагинг қуймаган сатр.

Тўпламдаги ҳар бир шеър би-
лан алоҳида-алоҳида яшай би-
лиш керак. Чунки уларнинг ҳар
бирида ўзгача драма, кечмиш,
бахт ва тасодиф ётади.

Америкалик нейтрон бомба их-
тирочисининг: «Ҳамма одам-
лар — ёвуз», деган гапига қарши
шоира:

Эркак яратувчи зот, Сиз-чи
қуришмоқчисиз,
Борки тирик жонзотни лаҳзада
юшмоқчисиз.
Гўдак, гулни кул қилиб устидан
ўтмоқчисиз,
Қайдан сизда бул қадар ёвуз ақл,
ёвуз ўт,
Ахир сизга ҳам аёл она бўлиб
берган сут, —

дея хайкиради. Бу нидо олам
дарди билан ёнаётган қалбданги-
на отилиб чиқиши мумкин. Ахир:

Тўрақўргон районида мингта қизил
гул ётар,
Мингта шунқор йигит рамиз, кўнгли
фарёд солма бас,
Оппоқ-оппоқ тонлар отар,
қирмиз-қирмиз кун ботар,
Бу йигитлар қаттиқ ухлар,
Зухроларин эсламас.

Тоҳирлару мангу ухлаган Зух-
ролар — солдат бевавлари, аёл-
лардир.

Урушда аёллардан кўра кўпроқ
қурбон берган жон, зот йўқ. Бир
йигитга отилган ўқ икки аёл
кўксини тешиб ўтди, умрига оғу
солди. Аёллардан бири бу йигит-
нинг онаси бўлса, иккинчиси —
унинг севики ёри. Шоира мисра-
ларида ўтмишнинг, бугуннинг,
эртанинг дарди, қудда ўсган Хи-
росима гўдакларининг қайғуси,
мислсиз шафқат, инсоният тақ-
дирига жавобгарлик жаранглаб
туради. Чунки у тинчликсевар
коммунистик мамлакат фар-
занди:

Мен коммунист дейилганда, қалбан
қалқдим оёққа.
Мен коммунист дейилганда, сафга
турдим, собит, мард.
Коммунистик партияни ўқшатадим
таянч тоққа,
Шу тоғ боис яшапман ҳаётимга
юқмай гард.


Коммунист шоиранинг Ватан
ҳақида, юрт, эл ҳақида айтганла-
ри китобхон юрагининг бепоён
манзилларига баҳор бошлаб бора-
ди.

Зулфия МҒМИНОВА

КИТОБЛАР
ОЛАМИДА

С.А.СУЛТОНОВ

СОВЕТ
КУРИЛИШИ



ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Халқ депутатлари Советлари
умумхалқ давлати, ҳокимият ор-
гани бўлиб ўз моҳияти, состави,

тузилиш тартиби, фаолиятининг
ташкилий формалари ва бошқа
ўзига хос муҳим белгилари ва

хусусиятлари билан СССРда ко-
мунистик жамият қуришнинг
қудратли воситаси сифатида амал
қилади.

Ривожланган социализм шаро-
итида халқ депутатлари Советла-
ри фаолиятининг тўб моҳияти
меҳнаткашлар оммасининг яра-
тувчилик куч-ғайратини оши-
ришга қаратилган. Советлар кенг
меҳнаткашлар оммасига давлат-
ни бошқаришда актив қатнашиш,
давлат ва жамият масалаларини
ҳал қилиш имкониятини беради.

КПСС давлат, хўжалик ва соци-
ал-маданий қурилишга раҳбар-
лик қилишда, совет халқини со-
циалистик жамият ва давлат
ишларини бошқаришга жалб
этишда, Совет давлати функция-
сини тўла-тўқис рўёбга чиқаради-
ган давлат ҳокимияти органла-
ри — халқ депутатлари Советла-

ри ролини янада кўтариш за-
рурилигини алоҳида таъкидлайди.

Бу ҳақида КПСС Марказий Ко-
митетининг 1984 йил Апрель
пленими қарориди: «Халқ депу-
татлари ҳар бир Совети ўз фаоли-
ятининг мазмуни ва услубини
сабот билан такомиллаштиришга,
ўз имкониятларини ҳамда СССР
Конституциясида белгиланган қў-
йилган ваколатларини самарали
белгиланган чиқаришга эришин-
лар» деб уқтирилди.

Мамнуният билан айтиш мум-
кинки, кейинги йилларда халқ
депутатлари Советларининг фао-
лияти кучайди, улар ҳал қила-
ётган масалалар доираси кенгай-
ди.

Халқ депутатлари Советлари-
нинг кўп қирралли ташкилий-
оммавий фаолиятида тўпланган
ижобий тажрибаларни кенг тар-

ЗУХРОНИНГ ЖАМОЛИ

Коинот сирларига доир берилаётган материаллар журнал-хонларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Журналнинг шу йил 3-сонига босилган «Зухро сайёрасининг осмони» мақола-си бўйича ҳам анчагина хатлар олдик. Эълон қилинаётган мазкур мақола ҳам журналхонларнинг Зухро сайёраси ҳақидаги таассуротларини бойитиш мақсадида қаратилгандир.

— Мана бу суратларнинг автоматлар «кўзлари» билан кўрилиб, «кўллари» билан туширилганига ҳатто ишонгинг ҳам келмайди, — деди СССР Фанлар академияси Радиотехника ва электроника институти радиоастрономия лабораториясининг мудури, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати А. Шаховский столга терилган суратларга кўз югуртираркан. — Аслида булар Зухро осмонидagi улкан булутлар орасидан кўриб, космик фазодан — миллионлаб километр узоқликдан ерга узатилган. Фақат радиотўлқинлар шундай қудратга эгадир...

Бундан бир неча йил аввал Радиотехника ва электроника институтининг директори, академик В. Котельников раҳбарлигида радиотўлқинлар ёрдамида Зухро сайёраси биринчи марта радиолокация қилинган эди. Сайёранинг бутун сатҳи-юзасини (ландшафтини) катта миқёсда кўриш учун

Коинот сирлари

гиб қилиш эса совет қурилиши фанининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, юридик фанлари кандидати Солих Султоновнинг «Совет қурилиши»¹ деб номланган китоби халқ депутатлари Советлари амалий фаолияти тажрибаси билан ҳар томонлама таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, ўзбек тилида яратилган дастлабки қўлланмадир.

Совет қурилиши фани социалистик умумхалқ демократияси принципларини ҳаётга татбиқ қилиш тажрибасини умумлаштирган ва амалиёт билан чамбарчас боғланган ҳолда халқ депутатлари Советлари, унинг органлари, депутатлар, жамоат ташкилотлари кундалик фаолиятидаги илгор жиҳатларни тарғиб қилишга кўмаклашади. Шунинг учун мазкур

эса, радиолокаторни сайёрага яқинлаштириш лозим эди. Бу нарса «Венера-15», «Венера-16» қитъалараро автоматик станциялар ёрдамида амалга оширилди.

Бундай тадқиқот ғояси Радиотехника институти коллективи томонидан ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш учун эса бир қатор илмий-тадқиқот коллективларининг кучини бирлаштириш керак эди. Худди шундай қилинди. Асбоб-ускуналар саноати министрлигига қарашли Электрон-бошқарув машиналари институти билан ҳамкорликда махсус электрон-ҳисоблаш қурилмаси — Фурье-процессор яратилди.

1983 йилнинг ноябридан 1984 йилнинг июлигача бўлган вақт ичида «Венера-15» ва «Венера-16» автоматик станцияларининг радиолокаторлари ёрдамида Зухро сайёрасининг шимолий-ярим шар қутбнинг ўттиз градусгача бўлган кенлиги суратга туширилди, унинг юза баландлиги йўналишларининг тасвири ҳам олинди. Булар электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида картографик схемаларда ўз аксини топти.

Ҳа, гарчи инсон узоқ сайёраларнинг ғўбори сўқмоқларида хали ўз изини қолдирмаган бўлса-да, лекин самовий қўшнларимизни ўрганишнинг қулай ва тўғри йўлини топти. Унинг қўли ва тафаккур қудрати билан яратилган автоматлар бугун ўша сайёралар сирини очмоқда.

Мана, кўз ўнгимизда кўрсатувга қўйилган самовий экспонат — Зухро сайёраси сирининг кенг бир кўлами акс этган харита.

китоб фақат юридик олий ўқув юртлири студентлари учун эмас, балки совет аппарати ва жамоат ташкилоти ходимлари, депутатлар, жамоатчилар, пропагандист ва агитаторлар учун ҳам керакли китобдир.

Автор совет қурилиши фани, биринчидан, социалистик жаҳимиздаги давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ сиёсий-ташкилий муносабатлар ҳуқуқий нормаларга тўла мос келишини, ҳуқуқий талабларнинг тўғри бажарилишини мисоллар асосида кўрсатади. Иккинчидан, давлат ҳокимияти ва уларнинг ижроия органлари ўз вазифаларини қандай йўллар ва воситалар билан, қайси тартибда амалга ошириш йўл-йўриқларини баён қилади.

Мазкур қўлланмада ҳокимият

Унинг марказини тоғ массиви эгаллаган. Бир-бирига ёндош тоғ қоялари улкан, юмалоқ кратерни худди циркулда қизилгандек жанубдан шимол томон бўйлаб ўраб олган. Қоялар жануб ва шимолга қўзилган сари ясиланиб борган. Қоялар тепасига машинада «Венера. Максвелл тоғи. Фотокарта» деган ёзув битилган.

Қизиги яна шундаки, Халқаро астрономия союзи Зухро сайёрасидаги барча яратмаларга фақат аёлларнинг исмини беришга қарор қилган. Максвелл тоғигина бундан мустасно. У Зухро сайёрасининг энг қизикarli райони. Унда сайёранинг ўртача радиусидан 11 минг 500 метр баландликдаги қўқни мавжуд. Қиёс қилинг: она заминимиздаги энг баланд Эверест қўққисининг денгиз сатҳидан бўлган баландлиги эса 8 минг 848 метрдир. Унинг усти абадий қорлик билан қопланган бўлса, Зухро сайёраси «томи»нинг ҳарорати 350 градус цельсийдан пасаймайди. Ўша баландликдан чамаси 200 километр нарироқда биз хали айтган улкан кратер жойлашган. Ҳозир маълум бўлишича, косанинг ичига ним қоса жойлашгандек, диаметри 90 километр ва чуқурлиги бир ярим километрли бу улкан кратернинг ичкарасида диаметри 55 километр ва чуқурлиги яна бир километр бўлган кратер мавжуддир.

Фотохаритада ифодаланган территориянинг шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбгача бўлган узунлиги 2 минг километрини ташкил этади. Бунда «Венера-15» ва «Венера-16» автоматик станциялари ёрдамида туширилган Зухро сайёраси майдонининг атиги 4 проценти акс этган.

Москвада бўлиб ўтган 27-Халқаро геологик конгрессда совет мутахассислари томонидан тайёрланган ва Зухро сайёрасининг шимолий қисми 1:10.000.000 масштабда ифодаланган геологик-геоморфологик харитаси намоён қилинди. У конгресс қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Бундай хаританинг ярати-лиши шу соҳада амалга оширила-

диган кенг миқёсдаги картография ишларининг дебочасидир ҳолос.

Мазкур фотохаритада кўрсатилган тоғ массиви, Ерда кечганидек, у ерда юз берган тектоник жараёнларнинг ҳосиласидир. Харитадаги тасвиринг турли жойларида конуссимон группалар кўзга ташланади. Улар вулконий ҳосилалар бўлиб, ҳозир аниқ тасдиқлаш кийин бўлса-да, хали ҳаракатда. Бу эса, Зухро сайёрасида вулконий ҳолатлар мавжудлигидан далолат беради.

Тоғ массивининг қариб марказида жойлашган улкан кратер фавқулодда ажойиб: қоялар кратерни ғарб томондан худди ўраб олгандек. Кратерга бевосита туташ жойлар эса текисроқдек кўринади. Бу ерларда бўлган тоғ тизмалари, афтидан, емирилиб кетганга ўхшайди. Нимадан емирилган? Катта бир метеоритнинг урилиш зарбиданими? Олимлар хали бу ҳақда аниқ ягона фикрга келганларича йўқ. Бу борада тадқиқотлар изчил давом эттирилмоқда. Ўшандан бери «Венера-15», «Венера-16» автоматик станцияларида яна Зухро сайёрасининг атмосфераси, юзасининг ҳарорати ўлчанди. Шу йилнинг июнь ойида эса «Венера-1», «Венера-2» космик аппаратлари ёрдамида Зухро сайёрасининг атмосфераси ва об-ҳавоси ҳақида янги маълумотлар олинди. Мана шу маълумотларнинг ҳаммаси унинг жамолини нисбатан тўлароқ тасаввур қилиш имконини беради.

Ҳа, фанининг кучи, инсон тафаккурининг қудрати билан дастлаб биз яшаётган Она-Сайёрамиз ҳақида янги фан — Ер геологияси вузудга келган бўлса, энди Ой геологияси, Марс геологияси, Венера (Зухро) геологияси майдонга келмоқда. Буларнинг йиғиндиси эса янги фан — қисий планетологиянинг асосини ташкил этади. Албатта, янги фанининг марказий этиборида ҳам биз яшаётган ям-яшил Она-Сайёрамиз туради.

А. ПОКРОВСКИЙ

борасидаги халқ депутатлари Советларининг кўп қиррали фаолияти янада чуқурроқ ёритилиши лозим.

Унда Советлар, уларнинг органлари, депутатларнинг илгор иш тажрибалари етарли даражада ўрганилмаган. Халқ депутатлари Совети, ижроия комитет, доимий комиссиялар, депутатларнинг намунавий иш пландаридан мисоллар кам.

К. КОМИЛОВ,
Л. ОХУНЖОНОВ,

юридик фанлари кандидатлари

Лекин мазкур қўлланма айрим камчиликлардан ҳам холи эмас.

Чунончи давлатни мустахкамлаш, социалистик демократияни ривожлантириш, совет жаҳияти сиёсий ташкилотлари бутун системасини такомиллаштириш

¹ С. А. Султонов. «Совет қурилиши». Т., «Ўқитувчи» нашриёти. 1984 й.

ОВОЗ СЕҲРИ



Хира

ХАЖВИИ

ХИКОЯ

Журнал муқовасининг 4-саҳифасида сувроти эълон қилинаётган хонандани яхши танийсиз: Исмоил Жалилов. Бугунги кунда республикаимиз қўшиқ ва опера санъати муҳлисларига бу ном яхши маълум. Унинг ижросидаги қўшиқлар, опералардан ариялар тинглаганимиз, майин, аммо кучли овозидан баҳра олган-миз.

Эсимда, бундан олти йил муқаддам Исмоил Жалилов Бразилияда ўтган халқаро конкурсда қатнашиб, биринчи ўринни олган эди. Рео-де-Жанейродан қайтгач, Исмоил конкурс ҳақида жуда тўқинланиб гапирганди. Унда дунёнинг йигирма мамлакатидан 65 ижрочи қатнашган. Шулардан йигирма бештаси турли халқаро конкурсларнинг лауреати эди. Исмоил эса эндигина Москва Давлат консерваториясини битирган ёш ижрочи эди. Конкурснинг шартлари, талаблари жуда масъулиятли бўлган. Опералардан ариялар, романслар билан бирга Бразилия композиторлари ижодидан намуна бўлиши албатта шарт эди.

Учинчи даврада Исмоил Бразилия композиторларидан Ж. Сикейранинг «Матрослар қўшиғи» асарини қуйлайди ва Бразилия композиторлари асарларининг энг яхши ижроси учун белгиланган олтин медал билан тақдирланади. Бу муваффақиятини қўлга киритиш осон бўлмаган, албатта. У СССР Бозарий театрининг солисти, СССР халқ артисти Зураб Садилова раҳбарлигида бир йил тайёргарлик кўрган эди.

...Исмоил М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида Надежда Исмоилова классида ўқиди. Учинчи курсдан бошлаб Москва Давлат консерваториясида ўқишни давом эттирди. Пойтахтда у устоз санъаткорлардан таҳсил олди. Консерваторияни битиргач, бир неча йил СССР Бозарий театрида ишлайди. Бу табарруқ санъат даргоҳида қатор операларда етакчи партияларни ижро этди.

Бир неча йилдирки, Исмоил Жалилов Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет катта театрида солист бўлиб ишлайди. Бу йиллар давомида у бир қанча операларда асосий

партияларни олиб чиқди. Айна кунларда у Ж. Вердининг «Отелло» операсидаги бош партияни ижро этиш учун жиддий ишламоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур опера ҳали республикаимизда қўйилмаган. Жаҳон классик композитори Жузеппе Вердининг бу операси Шекспирнинг машҳур трагедияси мотивлари асосида ёзилган бўлиб, ундаги партияларни ижро этиш ҳар бир опера солисти учун шарафдир. Исмоил ана шу мураккаб операнинг бош партиясини ҳар жихатдан мукаммал яратиш учун ҳаракат қилмоқда. Операрага СССР халқ артисти Дилбар Абдурахмонова дирижёрлик қилади. Театрнинг бош режиссёри Ф. Сафаров саҳнага қўяётган мазкур опера томошабинларга манзур бўлишига ишонамиз.

Исмоилнинг репертуари бой ва ранг-баранг. Бугунги кунда унинг репертуарида ўзбекча ашулалар, романслар билан бирга, немисча, италиянча, русча, французча романслар, турли опералардан ариялар мавжуд. Мухтор Ашрафий фортепьяно учун қайта ишлаган «Гулзоъ узра» ўзбек халқ ашуласи И. Жалилов ижросида кўпчиликка маъқул тушган.

Лирико-драматик овоз соҳиби бўлган Исмоил Жалилов икки йил олдин Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланди.

У янги-янги романслар, ашулалар устида ишламоқда. Ўзбекистон Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишланган концертда Исмоил Жалилов композитор А. Назаровнинг «Дунёни уйғот» ашуласини ижро этди. Бу ашула санъаткорнинг гражданин бурчини, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш борасида партия ва ҳукуматимиз олиб бораётган тинчликсевар ташкисиётни тараннум этади.

Истеъдодли хонанда, ажойиб опера солисти — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Исмоил Жалилов янги-янги қўшиқлар, операларнинг етакчи партиялари билан санъат муҳлисларини хушнуд этишига ишончимиз комил. Бу эзгу йўлда унга ижодий омад, юксак парвоз тилаймиз.

Маматқул ХАЗРАТҚУЛОВ

Аброр ҳар куни ишдан қайтаётганда ёрдамчи бухгалтер билан автобус бекатигача гаплашиб, юракни ёзиб кетарди. Бугун негадир у ишга келмади, кечгача кўз тутди, дарак бўлмагач, хавфсиз рай бошлади. Ҳар хил хаёлларга борди. Бир кун қон босимидан шикоят қилган эди. Бугунги иш кунини у игна устида ўтиргандек ўтказди. Ниҳоят, ишни тугатиб, кўчага чиқди. Автобус бекатида талай вақт кутиб қолди. У билан ўчакишгандек, автобус ҳам бир ёққа қийшайиб лиқ тўла келди, у эшикдан бу эшикка, бу эшикдан у эшикка югурди бари бир автобусга илинолмади.

— Ҳай, майли, кейингиси бўш келар, — деди ўзига ўзи. У чама-си яна ўн минутча кутди. Охири чидолмади шекли, қаршисидаги соқол-мўйлаби ўсган, рангпар, содда қийинган одамга кўзи тушиб, мурожаат этди:

— Ака, сиз ҳам анчадан буён автобус кутаясизми?

У киши чўнтагидан кўзойнагини чиқариб кўзига тақдида, унга яқинлашди.

— Биродар! — деди. Шу пайт Аброрнинг димоғига мурожаат қилган одамнинг оғзидан қўла-са арок ҳиди келиб, кўнглини айнитди. Бир қадам орқага тисарилиб, оғиз-бурнини қафти билан беркитди. У одам унга тобора яқинлашиб: — Мен сизга справочный бюромани? Қанча турган-турганим билан сизнинг нима ишингиз бор?! Балки мен бир одамни кутаётгандирман. Керак бўлса, ярим кечгача ҳам туравераман, — деди.

— Биродар, намунча қўпол бўлмасангиз, ахир мен сизга...

— Нима, мен сизга? Нима демоқчисиз бу билан? Боринг, қаерга борсангиз, менинг сиздан қара жойим йў!

Аброр, қаёқдан ҳам шу одамга рўпара бўлдим, дегандек бир жижирғанди-да, ундан ўгирилиб, нари кетди. Ҳа-тўрт қадам юрган ҳам эдики, бир қўл унинг кифтидан ушлаб тўхтади. Ўгирилиб қараса, ўша, унинг таъбини хира қилган кимса жилмайиб турибди:

— Сизга яна нима керак, биродар? — деди Аброр газабланиб.

— Э... э... э, дўстим, Аброр,

буни қара-я, қанча вақтдан буён сени биринчи кўришим. Асаб курсин. Ишхонадан таъбим хира бўлиб келаётган эдим, сени учратаман, деб ҳеч ўйламагандим. Жуذا ноқулай бўлди-да, мени кечир, дўстим, танимабман, бир синфда ўқиб ўрта мактабни тугатганмиз. Орадан йигирма беш йил ўтиб кетибди-ю, аммо ҳали ҳам ҳаммаси кечагидек эсимда. Сен институтга кириб кетдинг, мен йиқилиб... Хуллас, қурилишда сувоқчиман, дўстим...

— Кечирасиз, биродар, мен сизни танимабман.

— Мен Тўхтавойман, наҳотки эсингдан чиқарган бўлсанг? Балки соқол-мўйлабимни ўстирганимга танимагандирсан. Бу — кўркамроқ, савлатироқ кўришни учун. Агар ҳозир қирдириб ташласам, дарров танийсан-қола-санку-я... Ҳой дўстим, нима, кўзингни шира босганими? Яхшилаб қара, худди ўша сенларнинг Тўхтавойингман-ку.

Шу пайт автобус келиб қолди. Аброр тикилишда бир амаллаб автобусга илинди. Хиралик қилган одам эса, анқайганича автобус ортидан қараб қолди.

Аброрнинг кўз олдида ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаги Тўхтавой тиррик элас-элас келди: «Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўша Тўхтавойга ўхшайди. Ўқиб юрган кезларида ҳам дуч келган ўқувчини арзимаган нарса учун таъбини тиррик қилар, ўйламай-нетмай гапириб юбориб, пушаймон еб юрар эди. Нега дарров таний қолмадим-а? Аммо сиртдан қараганда, Тўхтавойга ўхшагани билан иштибоқ кетган қовоқларини, рангини кўрган киши уни ичкиликка ружу қўйган майпарастдан ажратолмайди».

Уша куни Аброр туни билан у ёқдан-бу ёққа аганаб, ухлаёлмай чиқди. Азонага яқин кўзи уйкуга кетиб, алоқ-чалок туш кўрди, уйғониб кетиб, қайта ухлаёлмади. Ишга ҳам анча барвақт келди. Хонага кириши билан телефон жиринглаб қолди. Шошиб трубкани олди:

— Эшитаман...

Трубкадан шангиллаган овоз келди:

— Аброржон, дўстим, эрта билан сени безовта қилганим учун

уэр. Кечаги учрашганимиздан буён тинчтин бузилиб, туни билан мижага қоқмадим. Сеңинг олдинда хижолатман. Кеча дўстлар учрашиб, киттак-киттак отишган эдик. Суриштира-суриштира зўрға телефонингни толдим. Эрталаб кеча учрашган автобус бекатида роса кутдим, аммо учратолмадим. Қандай қилиб сени кўздан қочирганимга ҳайронман. Бундай воқеа менда биринчи бўлиши. Чап берганинг учун сенга яримта қуйишим керак. Кечирасан, дўстим, яримтага одатланиб қолибман. Бу менга эскидан теккан касал. Қурилиш бошлиғи бўлганимда яримта билан иш ботириб, шу сўз тилимга ширадай ёпишиб кетган. Курсидан ҳам яримта туфайли ажралдим. Урганган кўнгли ўртанса қўймас, дегандек, икки гапнинг бирида яримта сўзи тилимдан чиқиб кетаверади. Ҳозир қурилишда савоқчиман, ҳаётни бошқатдан ўрганилман.

Аброр трубкага анча вақт кулок тутиб ўтирди-да, охири тақатқазиб жойига қўйди. Бироқ хаял ўтмай телефон яна жиринглади. У телефонга қараб қўйди-да, яна ўша бўлмасин, деган ҳаёлда кўтармади. Телефон устма-уст жиринглади. Энди олмоқчи бўлиб қўл чўзганида, жиринглашдан тўхтаб қол-

ди. Аброр енгил нафас олди. Тортмани очиб, ёрдамчи бухгалтер берган ҳисоботни олиб, стол устига қўйди. Кўзойнагини тақиб, энди ҳисоботга кўз югуртирган ҳам эдики, телефон яна жиринглади. У трубкани кўтарди.

— Аброржон, хайрият-ей, ўзинг экансан. Боя гаплашганимизда овозинг сал дағалроқ чиққан эди.

— Ҳўв Тўхтовой, мени тинч қўй, оғайни. Сен билан сафсата сотишга вақтим йўқ.

— Кўп ошқим, ўзингни тутиб тур. Яримтага одатланганим учун сен ҳам мендан ор қиласанми? Йигирма беш йил кўришмадик. Илгариги дўстлигимиз ҳақки мени кечир. Бугун ишдан кейин бир отамлашайлик, хўпми?

— Ҳой, биродар, авваламбор, илтимос, мени ишдан қўйманг. Иккинчидан, илтимос, ишдан чиқшимни кутманг.

— Кечирасан, дўстим, кеча кўнглимга қаттиқ олибсан-да. Қўй, хафа бўлма, ишдан кейин учрашайлик, гинахонлики ўшанда яримтанинг устида қиларсан.

— Гапга тушунасизми? Менга халақит берманг!..

Кўп ўтмай телефон яна жиринглади. Аброр трубкани олиш-

ни ҳам, олмасликини ҳам билмасди. Олмайд деса, хизмат юзасидан... Телефон устма-уст жиринглади. Ноилож трубкани кўтарди. Боғи шангиллаган таниш овоз кулоғига чалиниши билан юзлари оқариб, юраги ораксига тортиди. Бор кучини тўплаб, трубкага қичқирди:

— Хира! Хира!

Унинг овозини эшитиб, қўшни хонадагилар югуриб чиқишди. Ёрдамчи бухгалтер биринчи бўлиб кирди. У кирганда Аброрнинг боши стол устида, кўзлари юмук, қўлидан тушиб кетган трубкадан эса ҳамон шангиллаган овоз келарди:

— Кечирасан, Аброржон, хафа бўлма, хўпми. Мени кечир...

Узини лоҳас сезган бош бухгалтер Аброр бошқикдан ижозат сўраб, ишдан вақтлроқ жунамоқчи бўлиб, фабрикадан ташқари чиқди. У эшикдан чиқиши билан кўзи ҳалиги хирага туши-ю, юраги ораксига тортиб кетди. У фабрика каршисида чайка-лаб, кўзи олазарак турарди. «Ух, бу хирадан кутилиб бўлмас экан-да». Аброр қайтиб фабрика ҳовлисига кирди. Эшик олдида турган қоровул бош бухгалтернинг бу ҳаракатидан ҳайрон бўлиб, унинг ортидан қараб қолди.

Шу пайт кўчада машинанинг хунук гикиллаб тўхтагани, ниманингдир гумбирлаб урилгани эшитилди. Бош бухгалтер кўчага югуриб чиқди. Кўчанинг четидаги столбага урилиб пачоқ бўлган «ГАЗ—24» машиниси атрофида одамлар тўпланишган эди. Икки киши кабинадан ҳайдовчини аранг сугуриб олиб, бир чеккага ётқизишди. Кейин маълум бўлишча, фабрика томон югуриб ўтаётган маст-аласт Тўхтовойни уриб кетмай деб, ҳайдовчи рулни илкис буриб юборган, машина столбага урилган экан. Тўхтовой эса кўрқиб кетганидан ранги қув оқариб йўлкада чўзилиб ётарди, уни «ўрганлар», «Камрок ичиш керак», деб ғазабланиб, унга нафрат билан қараб ўтар эдилар.

Анвар САИДУМАРОВ

ҚАТРАЛАР

Спорт «ишқибози»

Бир нарсанинг шарпасини сезиб қочиб келаётган олибсотар йигитни милиционер тўхтатиб сўради:

— Нима гап, нега югуриб келаясиз?

— Спортга қизиқаман, шунинг учун лўкиллаб югурайман, — деб жавоб берди йўлчаси оғзига тикилган семиз йигит.

Милиционер «спортга қизиқадиган» йигитнинг кўйида дўп-пайиб турган молларга ишора қилиб кулди:

— Югуравериб, ўпкангиз шишиб кетибди, қани, олдimgа тушинг, ўзингизни «доктор»га кўрсатиб келасиз.

Ўртоқлик судида

Бир шаддод хотин ўртоқлик суди бўлаётган маҳалла клубига бостириб кириб шангиллади:


— Менинг қўйдай ювош ўғлимни тургазиб қўйиб нима қила-япсизлар?

— Қўйдай ювош ўғлингиз кўчқордай калла қилиб манави боланинг бошини ёриб қўйгани учун ўртоқлик судида суд қилаяп-миз, — деб жавоб берди йигил-ганлардан бири.



— Бундан кейин ичкиликни оғзимга олмайман, бюл-летень бера қолинг.

— Сиз айтган вақтлар ўтиб кетган...



Н. Иброҳимов чизган расм.

ПОЛВОНЛАРГА МАЙДОН КЕРАК

Ўзбек халқининг сеvimли спорт ўйинларидан бири бўлган миллий кураш асрлар давомида сайқалланиб, кишиларга завқ-шавқ бағишлаб келмоқда. Кураш соҳасида оламга донг таратган Ўзбекистон паҳлавонлари тарих саҳифасида ўчмас из қолдирдилар. Халқ бундай баҳодирларни «полвон», «пахлавон» сифатида ҳамиша ардоқлаб, эъзозлаб келганлар.

Кураш тушувчи полвонларнинг майдонга чиқиши сайлларда, байрамларда, тўйларда қизиқарли ўйинлардан ҳисобланар ва

ҳамиша халқ тантанасига айланиб кетар эди. Шу туфайли ҳам тантанали кунларда миллий кураш мусобақаларининг байрам программаларига киритилиши бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистон шароитида миллий кураш билан бутун йил давомида шугулланиш имконияти бор, бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд. Шунинг ҳам айтиш керакки, шаҳар ва қишлоқлардаги жуда кўп ёшлар миллий кураш билан шугулланишга хоҳиш бил-

дирдилар. Шу сабабли спорт мактабларига кўнгилли спорт жамиятларининг секцияларига миллий кураш билан шугулланадиган ёшларни кўплаб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Партия ва ҳукуватимиз, физкультура ва спортни ҳар томонлама ривожлантириш ишларига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1981 йил 11 сентябрда чиқарган қарорида физкультура ва спортни оммавий ҳаракатга айлантириш хусусидаги йўл-йўриқлар белгилаб берилди. Шундан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг коллегияси республикамизда миллий курашни ривожлантириш борасида қатор тадбирлар белгилади. Жумладан, миллий кураш федерацияси республика миқёсидаги мусобақаларни кўпайтирди ва уларнинг яхши тай-

ёргарлик билан ўтишини таъминлади. Марҳум полвонларнинг хотираларига бағишланган турнир мусобақалари кўпайди. Тошкентлик Аҳмад Толипов, Асқар Отабоев, Тўйчи Раҳимбоев, наманганлик Қоратой Юсупов, қашқадарёлик Чўли Бегимкулов ҳамда нукуслик Сопалак Шомуродов хотираларига бағишланган қатор турнирлар ана шулар жумласидандир.

Шунинг мамнуният билан қайд этиш керакки, 1973 йили Тошкент Давлат физкультура институтида миллий кураш бўлимининг ташкил этилиши аини муддаодаги иш бўлди. Шу кунларда жуда кўп олий маълумотли миллий кураш мутахассислари институтини тугатиб, турли районларда хизмат қилмоқдалар. Бу қувонарли ҳол, албатта. Аммо шунинг ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда миллий кураш бўлимига қабул қилиш кўнглидагидек бўлмапти. Масалан, ўтган йили мазкур бў-

лимга фақат беш киши қабул қилинган, холос. Республика спорт комитети коллегияси бу ташвишли ҳолнинг олдини олиши лозим.

Миллий курашни ривожлантириш зарурлигини тўғри тушунган қатор область, шаҳар жамоат ташкилотлари бу борада анчагина ишларни амалга оширдилар — кўплаб колхоз-совхозларда миллий кураш тўғрақлари очилди, спорт мактабларига жалб қилинди. Бу жиҳатдан айниқса Фарғона область миллий кураш федерациясининг (раиси Зайнобиддин Мамажонов) қилган ишлари ибратлидир. Бу ерда мусобақалар пухта тайёргарлик қўрилган ҳолда ҳар йили бир неча марта ўтказилади. Шунинг учун ҳам фарғоналиклар мусобақаларда ҳамisha биринчи ўринни қўлдан бермай келмоқдалар. Шуниси қувонарлики, Бағдод районидаги спорт мактабидан муносиб ўринбосарлар етишиб чиқмоқдалар. Тошкент Давлат физкультура институтини тугатиб келган ёшлардан Бахтиёр Мамадов, Абдужалил Ғасонов, Бурхон Алимов, Алишер Хўжаев, Мурод Қамбаров, Валижон Султонов, Бахриддин Қўлдошев, Собир Остонов, Мақсуд Холматов шулар жумласидандир. Қаранг, Фарғонадан 34 курашчи «Ўзбекистон спорт мастери» деган унвонга сазовор бўлишди! Область миллий кураш федерациясининг раиси Зайнобиддин Мамажоновга «ЎзССРда хизмат кўрсатган тренер» деган унвон берилди.

Ҳа, ўтказилаётган турли миқёсдаги мусобақалар, район, шаҳар ва қишлоқларда миллий курашнинг ривожланишида ижобий роль ўйнамоқда. Курашчи полвонлар сони йил сайин кўпайиб, уларнинг техник билимлари ошиб бораётир.

Вироқ ҳамма областларда ҳам бу соҳадаги ишларни яхши деб бўлмайди. Ҳали бу борада турли камчиликлар, ечилмаган муаммолар бор. Масалан, область спорт комитетларида миллий курашга жавобгар — мутасадди киши йўқ. Бу соҳа, очиги, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам коллегия қарорларининг бажарилишини кузатиш, ўрганиш, текшириш, миллий курашнинг область бўйича ривожланишини аниқлаш, ўз вақтида бу масалаларни комитет

советида муҳокама қилиш ишлари амалга оширилмапти.

Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг яна бири, Ўзбекистонда ўтадиган спартакиада ёки комплекс мусобақалар программаларига миллий кураш мусобақасини киритиш масаласидир. Хўш, ўқув юртлари программаларида миллий кураш бор экан, нега мактаб ўқувчиларининг спартакиадаси программасига миллий кураш киритилмади?


Уртага ташланадиган яна бир фикр — кураш тушувчиларнинг кийими — форма масаласидир. Ҳа, кўп жойларда кураш тушувчиларга тўн етмайди. Спорт комитетлари бу масалани ҳам тезроқ ҳал қилсалар дуруст бўлар эди.

Ўрни келганда, полвонлар кураш тушадиган майдон ҳақида ҳам ўз мулоҳазамизни билдириб ўтмоқчимиз. Спортнинг бўлак иншоотларига қараганда миллий кураш майдони оддий бўлиб, у катта сармоя талаб қилмайди ҳисоб. Доираси 10×10 метр жой чуқур қилиниб, чиқкан тупрокни гир атрофига тўкилса, рисоладагидай майдон ҳосил бўлади. Унга бир машина ёғоч қипиги солиниб, қипиқ устига брезент ёпилса бас. Бундай кураш майдонларини ҳар бир колхоз-совхоз қийналмасдан барпо қилиши мумкин. Асака боғи, Андижон шаҳар боғидаги кураш майдонлари ҳам худди шундай тарзда қурилган.

Виз юқорида давлат аҳамиятига эга бўлган спорт ишларига катта эътибор бераётган область, районлар ҳақида гапириб ўтган эдик. Афсуски, Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларида миллий курашга мутлақо эътибор йўқ. Бу областларда республика спорт комитети коллегиясининг спортнинг миллий кураш турини ривожлантириш тўғрисидаги муҳим қарорлари бажарилмаётир. Қўшгина районлардаги колхозлар ва совхозларда миллий кураш тўғрақлари ташкил қилинган эмас. Мусобақалар ўтказилмайди. Кейинги йилларда бу областларнинг курашчилари республика биринчиликларида ҳам қатнашмай қўйдилар.

Бундай нохуш ҳолларга чек қўядиган вақт келмайдими?

Тухфат ОДИЛОВ,
спорт ветерани



«ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИКЛАРИ» ЧАЙНКРОССВОРДИ

1. Тоғ меваси. 2. Ўт туркумларидан бири. 3. Танаси қаттиқ дарахт. 4. Тўп гулли манзарали ўсимлик. 5. Ҳосилидан ёғ олинадиган техника экини. 6. Бир турли попукули ўсимлик. 7. Поясидан тола олинадиган техника экини. 8. Ўзбекистоннинг миллий ифтихори. 9. Серилдиз ёввойи ўт. 10. Танаси оқ дарахт. 11. Сув гули. 12. Хушбўй гуллардан бири. 13. Узун баргли кўп йиллик ёввойи ўт. 14. Зах ерларда ўсувчи, ем-хашак сифатида ишлатиладиган ўсимлик. 15. Республикада кенг тарқалган озуқа ўсимлиги. 16. Уруғидан ёғ олинадиган ўсимлик. 17. Бошқоқли галла ўсимлиги. 18. Сербарг дарахтлардан бири. 19. Эрта пишар узун нави. 20. Доим яшил бўлиб турадиган манзарали ўсимлик. 21. Илдиэмевали сабзавот. 22. Барги таомга солинадиган баҳор кўкати. 23. Игнабаргли дарахт. 24. Ўтсимон ўсимлик, чорва озуқаси. 25. Ҳисор тоғларида ўсувчи пиёз тури. 26. Эртанишар сабзавот. 27. Галла экини. 28. Қипин-ёзин яшил бўлиб турувчи игнабаргли дарахт. 29. Қовун нави. 30. Табобатда қадимдан қўлланилиб келинган гиёҳ. 31. Бошқоқли галла экини. 32. Адирларда ўсувчи печаксимон чирмовуқ ўт. 33. Зах ерларда ўсувчи туганакли заҳарли ўт. 34. Уруғидан хушбўй эфир мойи олинадиган бир йиллик ўсимлик. 35. Оқшом гули. 36. Дуккакли экин. 37. Чўл гиёҳи. 38. Зиравор тоғ ўсимлиги.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

5-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 4. Ҳабибий. 7. Қирғизистон. 10. Тарик. 13. Палов. 15. Ричач. 17. Роман. 18. Садаф. 20. Мажнунитол. 23. Олабуга. 24. «Интзор». 25. Иванов. 29. Олмаота. 31. Ленинан. 32. Гилам. 33. Эрмон. 35. Конго. 37. Гилос. 38. Попов. 41. Севастополь. 43. Девзира.

Бўйига: 1. Чалги. 2. Пиёз. 3. Қисса. 5. Зиғир. 6. Норак. 8. Какаду. 9. Нокаут. 11. Шиния. 12. Дафна. 14. Қорабайир. 16. Ҳамзабод. 19. Кошин. 20. Мақол. 21. Лимон. 22. Архар. 26. Огахий. 27. Нишон. 28. Тайга. 30. Марков (Г. М.). 34. Шопен. 36. Рояль. 39. Гашек. 40. Опера. 42. Този.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ (бош расм), М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУ-ХАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежесемейный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлими — 333659; расмолар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 22.05.85 й. Босишга рухсат этилди. 19.06.85 й. Р-13825 Қоғоз 70×108¹/₈. Офсет усулда босилди. Фотоабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 210512. Вуяртма 870. Нашр А—115.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент, II. Ленин кўчаси, 41.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: В. Петров. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси — биринчи президентимиз Йўлдош Охунбобоев деҳқонлар билан суҳбатлашмоқда.

(Тугилганига юз йил тўлиши муносабати билан эълон қилинмоқда.)

Тўртинчи бет: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Исмоил Жалилов.


В. Мосин фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.



Республика терма командаси аъзолари машқ пайтида.




СССР спорт мастери Светлана Литвинова.

Республика акробатика терма командаси аъзолари Лена Любимова ва Артур Юлин.



В. Мосин фотолари



Акробатика бўйича республика чемпионлари Нелли Екубова ва Гулнора Мирфайзиева.

